

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҶАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**МУХАММАД АЛ ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ  
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“АХБОРОТЛАШТИРИШВА КУТУБХОНАШУНОСЛИК”**

**йўналиши**

**“АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН  
КУТУБХОНАЛАРНИ БОШҚАРИШ”  
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**ТОШКЕНТ - 2018**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**



---

**“АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН КУТУБХОНАЛАРНИ  
БОШҚРИШ” МОДУЛИ**

---



**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2017 йил даги -сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

---

Тузувчилар: ТАТУ “Ахборот-кутубхона тизимлари” кафедраси ассистенти Каримов Ў.У.  
ТАТУ “Ахборот-кутубхона тизимлари” кафедраси ассистенти Мухаммаджонов Ш.М.

---

**Ўқув -услубий мажмуа Муҳаммад Ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия қилинган**

# МУНДАРИЖА

1

Ишчи Дастан

2

Модулни ўқитиша  
фойдаланиладиган  
интерфаол таълим  
Методлари

3

Назарий  
Материаллар

4

Амалий  
Машғулот  
Материаллари

5

Кейслар Банки

6

Мустақил  
Таълим  
Мавзулари

7

Глоссарий

8

Адабиётлар  
Рўйхати

І БҮЛІМ

ИШЧИ ДАСТУР

## I.ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Ишчи дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарорида белгиланган устивор вазифалар мазмунидан келиб чиқкан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди.

Республикамиз Биринчи Президентининг 2006 йил “Аҳолини кутубхона ахборот билан таъминлашни ташкил етиш” тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш борасида кутубхоначилик иши соҳасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Қарорда кўзда тутилган янги типдаги ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказларини (АҚМ, АРМ) ташкил қилиш, катта маблағ ва вақт талаб қиласиган мураккаб масала ҳисобланади. Маълумки, замонавий талабларга жавоб берадиган кутубхонада автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизимини яратмасдан туриб қарорда кўзда тутилган вазифаларни тўлиқ бажариш мумкин емас. Автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизимининг таъминотлари яни дастурий, техниқ, ахборот, лингвистик, ташкилий технологик ва кадрлар таъминотларини яратиш долзарб вазифа ҳисобланади.

### Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Автоматлаштирилган кутубхоналарни бошқариш” **модулининг мақсади:** талабаларни ахборот-кутубхона муассасаларини бошқаришнинг назарий асосларини, кутубхона иш жараёнларини автоматлаштириш бўйича жаҳондаги илфор технологияларни, ахборот-кутубхона муассасасида автоматлаштирилган иш ўринларини бошқариш қўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

**“Автоматлаштирилган кутубхоналарни бошқариш” модулининг вазифалари:**

- Автоматлаштирилган кутубхоналар эволюцияси ва асосий тушунчаларни ўрганиш, ўзлаштириш;
- Автоматлаштирилган кутубхоналарнинг ташкилий жиҳатларини ўзлаштириш ва ўрганиш;
- Ахборот кутубхона фондига келиб тушаётган хужжатларни рўйхатга олиш усуллари ва воситаларини ўрганиш ва ўзлаштириш;
- Фойдаланувчиларни рўйхатга олиш ва уларга хизмат кўрсатиш усулларини ўрганиш ва ўзлаштириш;
- Ахборот-кутубхона статистикасини юритиш усулларини ўзлаштириш;
- Ахборот кутубхона муассасаси фондини комплектлаш методикасини ўзлаштириш;
- Кутубхона менежментининг иқтисидий аспектларини ўрганиш ва ўзлаштириш;
- Кутубхона консорциумини бошқариш усулларини ўзлаштириш;
- Автоматлаштирилган кутубхонани бошқаришнинг хукуқий жиҳатлари
- ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш малака ва кўникмаларини таркиб топтириш;
- тингловчиларни автоматлаштирилган иш ўринлари билан ишлаш бўйича кўникма ва малакаларини шакллантириш;
- штрих-код ва RFID технологияларини амалиётга татбиқ этишга ўргатиш;
- автоматлаштирилган кутубхона фондини бошқариш;
- кутубхона кадрларини бошқари.

**Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

**“Автоматлаштирилган кутубхоналарни бошқариш” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:**

**Тингловчи:**

- ахборот кутубхона муассасаларини бошқаришга оид меъёрий-хукуқий таъминотини;
- ахборот кутубхона муассасаларида хизмат кўрсатиш жараёнларини;
- ахборот-кутубхона муассасаларини бошқаришнинг назарий асослари;
- фойдаланувчиларга хизмат кўрсатишнинг умумилмий ва маҳсус (соҳалар бўйича) усулларини;
- ресурсларни Интернет тармоғида қидириш ва улардан самарали фойдаланиш технологияларини;

- ахборот қутубхона муассасаларида автоматлаштириш назарияси ва услугий масалаларини;
- ахборот-ресурс марказларидаги ахборот жараёнларини автоматлаштириш усулларини;
- ахборотларни йиғиш, сақлаш, қидириш, ишлов бериш технологияларини **билиши** керак;

### **Тингловчи:**

- автоматлаштирилган кутубхоналарнинг иш жараёнларини режалаштириш;
  - автоматлаштирилган кутубхоналарни бошқариш;
  - автоматлаштирилган иш ўринларини яратиш;
  - хорижий ва мамлакатимиз ахборот кутубхона тизимида қўлланилаётган лойихаларни таҳлил қилиш;
  - ахборот-кутубхона муассасалари хизматларини ташкил этиш, ахборот маҳсулотларини тайёрлаш ва тақдим этиш;
  - ахборот-кутубхона муассасаларида қўлланиладиган замонавий техника воситаларидан фойдаланиш **кўникмаларини эгаллаши**;

### **Тингловчи:**

- ахборот ресур марказида автоматлаштирилган иш ўринларида ишлаш;
- автоматлаштирилган кутубхонани бошқариш;
- ахборот-кутубхона муассасалари таркибий тузилмаларида, виртуал кутубхоналар, корпоратив тармоқда хизмат қўрсатишни ташкил этиш;
- кутубхона-библиографик жараёнини ташкил этиш ва бошқариш;
- ахборот-кутубхона муассасаларида хизмат қўрсатиш бўйича инновациялардан самарали фойдаланиш **малакаларини эгаллаши**;

### **Тингловчи:**

- автоматлаштирилган кутубхоналарни бошқариш;
- ахборот ресурс марказидаги асосий ахборот жараёнларини автоматлаштириш;
- компьютерлаштирилган, автоматлаштирилган, электрон ва виртуал кутубхоналардан фойдаланиш;
  - электрон ресурсларни яратиш ва сақлашни таъминлаш;
  - ахборот ресурс марказининг дастурий-техника воситалари билан ишлаш;
  - ахборот электрон ресурсларини кутубхона консорциумида фойдаланиш **компетенцияларни эгаллаши лозим**.

## **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Автоматлаштирилган кутубхоналарни бошқариш” **модули** маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

— маъруза дарсларида янги ахборот-технологиялари ва диалогик ёндошув, муаммоли таълим, блиц, алгоритм, мунозара, ўз-ўзини назорат ва бошқа интерактив таълим усулларини;

— ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан кспресс-сўровлар, аклий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, диалогик ёндошув, блиц-сўров, мунозара, ўз-ўзини назорат, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Автоматлаштирилган кутубхоналарни бошқариш” **модули** мазмуни ўқув режадаги “Жаҳн ахборот тизимлари ва уларнинг таҳлили” ҳамда “Ахборот кутубхона хизмати назарияси ва услубиёти” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда, мутахассисликлари умумкасбий ва маҳсус фанлар бўйича дарс берувчи педагогларни малакасини ошириш тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласиди.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар мутахассисликлари умумкасбий ва маҳсус фанлардан дарс берувчи педагоглар янги замонавий технологияларни ўрганиш ҳамда муаммоларни аниқлаш, уларни таҳлил этиш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

## Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модулмавзулари	Хаммаси	Тингловчинингўқув юкламаси, соат				
			Аудитория ўқув юкламаси				Мустақил таълим
			жами	жумладан	Назарий	Амалий машнуглот	
1.	Автоматлаштирилган кутубхона тизимларининг хаётий цикли Автоматлаштирилган кутубхона (АК) тизимларининг ривожлариш тенденцияси. Автоматлаштирилган кутубхоналарнинг хаётий цикли. Автоматлаштирилган кутубхона бошқарув тизими сифатида. Автоматлаштирилган кутубхона тизимларини лойиҳалаштириш босқичлари ҳақида асосий тушунчалар.	4	4	2	2		
2.	Автоматлаштирилган кутубхонани яратишни техник-иқтисодий асослаш Техник-иқтисодий асослаш (ТИА) хужжатининг таркиби: Объект ва мавжуд бошқарув тизимининг характеристикиаси; Тизимни яратишдан мақсад, меъзонлар ва яратишга тўсиклар; Яратиладиган тизимнинг функциялари ва масалалари; Тизимни яратишдан кутилаётган техник-иқтисодий натижалар. Лойиҳанинг мақсад ва	8	6	2	2	2	

	вазифаларини аниқлаш. Автоматлаштирилган ахборот-кутубхона муассасаси бўлимларининг фаолиятини таҳлил қилиш. Автоматлаштирилган ахборот кутубхона муассасасида ҳужжат айланиши.						
3	Автоматлаштирилган кутубхонани яратишга техник топшириқ Автоматлаштирилган кутубхонани лойихалаштириш мақсад ва аҳамиятларини белгилаш. АК тизимини яратишга талаблар ишлаб чиқиши; АК функционал имкониятларига талаблар. АК таъминотларига талабларни белгилаш. Тизимнинг иқтисодий самараадорлигини аниқлаш. Тизимстиларни яратиш талаблари. Кейинги босқичларни амалга ошириш ва назорат қилиш тартибларини белгилаш.	6	6	2	4		
4	Автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимини техник-ишлиғи лойиҳаси Автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимни функцияларини ишлаб чиқиши, тизимстиларини яратиш; дастурлаштириш, масалалар алгоритмларини яратиш. Фойдаланувчи қўлланмасини яратиш “Кадрлар” автоматлаштирилган иш ўрнини лойиҳалаш. Автоматлаштирилган кутубхона фондини шакллантиришни бошқариш. Фондни сақлашни бошқариш. Фонддан фойдаланишини бошқариш.	10	10	2	2	6	
	<b>Жами:</b>	<b>26</b>	<b>24</b>	<b>8</b>	<b>10</b>	<b>6</b>	<b>2</b>

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу. Автоматлаштирилган кутубхона тизимларининг хаётий цикли**

Автоматлаштирилган кутубхона (АК) тизимларининг ривожлариш тенденцияси. Автоматлаштирилган кутубхоналарнинг хаётий цикли. Автоматлаштирилган кутубхона бошқарув тизими сифатида. Автоматлаштирилган кутубхона тизимларини лойиҳалаштириш босқичлари ҳақида асосий тушунчалар.

### **2- мавзу. Автоматлаштирилган кутубхонани яратишни техник-иқтисодий асослаш**

Техник-иқтисодий асослаш (ТИА) ҳужжатининг таркиби: Объект ва мавжуд бошқарув тизимиning характеристикиси; Тизимни яратишдан мақсад, меъзонлар ва яратишга тўсиқлар; Яратиладиган тизимнинг функциялари ва масалалари; Тизимни яратишдан кутилаётган техник-иқтисодий натижалар. Лойиҳанинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш. Автоматлаштирилган ахборот-кутубхона муассасаси бўлимларининг фаолиятини таҳдил қилиш. Автоматлаштирилган ахборот кутубхона муассасасида ҳужжат айланиши.

### **3-мавзу. Автоматлаштирилган кутубхонани яратишга техник топшириқ**

Автоматлаштирилган кутубхонани лойиҳалаштириш мақсад ва аҳамиятларини белгилаш. АК тизимини яратишга талаблар ишлаб чиқиш; АК функционал имкониятларига талаблар. АК таъминотларига талабларни белгилаш. Тизимнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш. Тизимостиларни яратиш талаблари. Кейинги босқичларни амалга ошириш ва назорат қилиш тартибларини белгилаш.

### **4- мавзу. Автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимини техник-ишчи лойиҳаси**

Автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимни функцияларини ишлаб чиқиш, тизимостиларини яратиш; дастурлаштириш, масалалар алгоритмларини яратиш. Фойдаланувчи қўлланмасини яратиш “Кадрлар” автоматлаштирилган иш ўрнини лойиҳалаш. Автоматлаштирилган кутубхона фондини шакллантиришни бошқариш. Фондни сақлашни бошқариш. Фонддан фойдаланишни бошқариш.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **Амалий машғулотларнинг таҳминий рўйхати**

- 1.** Автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимида статистик маълумотларни шакллантириш ва уларга асосланиб қарор қабул қилиш.
- 2.** Муаллифлик ҳукуқи. Ҳужжатларни рақамлаштириш ва муаллифлик ҳукуқи. Халқаро ва миллий талаблар. Муаллифлар ва ахборот-кутубхона муассасаси орасида келишув (шартнома) тузиш.
- 3.** Автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимининг маълумотлар базаси тузилмасига оид стандартлар тахлили.
- 4.** Автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизими учун Техник иқтисодий асоснома.
- 5.** Автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизими учун Техник топшириқ ишлаб чиқиш.

## **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ**

### **Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган холда қуидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий ҳужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъruzalar қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чукур ўрганиш.

## **БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

<b>№</b>	<b>Баҳолаш турлари</b>	<b>Максимал балл</b>	<b>Баллар</b>
1	Ассесмент		1.5 балл
2	Мустақил иш топшириклари	2.5	0.5 балл
3	Амалий топшириклар		0.5 балл

Ш. БҮЛІМ

МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА  
ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН  
ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ  
МЕТОДЛАРИ

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

### “SWOT-таҳлил” методи.

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустакил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласи.

<b>S – (strength)</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• кучли томонлари</li> </ul>
<b>W – (weakness)</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• заиф, кучсиз томонлари</li> </ul>
<b>O – (opportunity)</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• имкониятлари</li> </ul>
<b>T – (threat)</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• тўсиқлар</li> </ul>

**Намуна:** Маълумотлар базаларини бошқариш тизимининг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	ORACLE, SQL SERVER, MYSQL, SQLITE, MS ACCESS кучли томонлари	Oracle: яхши ҳимояланган, .... SQL Server: MS тизимлари билан интеграция, .... MySQL: Web технологиялар учун қулай, ... SQLite: Mobile дастурлаш учун яхши, ... MS Access: Ёш мутахассислар учун мўлжалланган,
W	ORACLE, SQL SERVER, MYSQL, SQLITE, MS ACCESS кучсиз томонлари	Oracle: пуллик, .... SQL Server: секин ишлиши, .... MySQL: очикли, ... SQLite: локал, ... MS Access: содда,
O	ORACLE, SQL SERVER, MYSQL,	Oracle: ....

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

	<b>SQLITE, MS ACCESS</b> имкониятлари (ички)	SQL Server: .... MySQL: ... SQLite: ... MS Access: ....
<b>T</b>	<b>ORACLE, SQL SERVER, MYSQL, SQLITE, MS ACCESS</b> Дастурий таъминотлар билан боғлашдаги тўсиқлар (ташқи)	Oracle: .... SQL Server: .... MySQL: ... SQLite: ... MS Access: ....

### Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустакил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

#### Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик групкаларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир групга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади.



ҳар бир груп ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мuloҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён кипали.



навбатдаги босқичда барча групчлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади мавзу якунланади

**Намуна:**

МВБТ					
ORACLE		SQL SERVER		ACCESS	
афзалиги	камчилиги	афзалиги	камчилиги	афзалиги	камчилиги
<b>Хулоса:</b>					

**“Кейс-стади” методи**

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижা (What).

**“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари**

Иш Босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш ўйлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"><li>✓ якка ва гуруҳда ишлаш;</li><li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li><li>✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;</li><li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li></ul>
--	--

**Намуна:** Бир МВ ишлаб чиқилди. Сизнинг компьютерингиздаги опреацион тизимида бу МВсидан фойдаланиш керак. Бунинг учун қайдай босқичларни ва топшириқларни бажариш керак аниқланг.

### Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони хал қилиш учун асосий босқичларини аниқланг (индивидуал ва кичик гуруҳда).
- Базадан фойдаланиш учун бажариладагина ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш).

### «ФСМУ» методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўнималарини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя тақлиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

**Намуна.**

**Фикр:** “МВсидан фойдаланиш учун МВБТлари бўлиши шарт”.

**Топшириқ:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

### “Ассесмент” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникумаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникумалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташхис қилинади ва баҳоланади.

### Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга кўшимча топширикларни киритиш мумкин.

**Намуна.** Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.



### Тест

- 1. SQL тилида қандай оператор танлашни бажаради ?
- A. insert
- B. select
- C. Select all



### Тушунча таҳлили

- SQL қисқармасини изоҳланг...



### Қиёсий таҳлил

- МББТларини таҳлил қилинг?



### Амалий қўникма

- МБсини яратиш учун керакли инструментал дастурйи воситаларни ўрнатинг?

## “Инсерт” методи

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

### Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмунни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим оловчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим оловчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“-” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим оловчилар учун нотаниш ва

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.  
тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб,  
изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб  
берилади ва машғулот якунланади.

### “Тушунчалар таҳлили” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади ( индивидуал ёки грухли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини тақкослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

**Намуна:** “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Кўшимча маълумот
Data base	Маҳлумотлар базаси	
Data mining	Жамланган маълумотлар учун қоидалар	
Data warehouse	Маълумотлар жамланмаси	
Information retrieval	Маълумотларни излаш	

**Изоҳ:** Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади.

### Венн Диаграммаси методи


**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ. ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

#### **Методни амалга ошириш тартиби:**

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргаллашиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

**Намуна: МВБТ**



#### **“Блиц-ўйин” методи**

**Методнинг мақсади:** ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ. қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш максадида қўллаш самарали натижаларни беради.

**Методни амалга ошириш босқичлари:**

1. Дастрраб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гурух аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳсласиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қўйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидағи фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гурух хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

**«МВБТдан фойдланиш даражаси» кетма-кетлигини жойлаштиринг.  
Ўзингизни текшириб қўринг!**

Ҳаракатлар мазмуни	Якка баҳо	Якка хато	Тўғри жавоб	Гуруҳ баҳоси	Гуруҳ хатоси
MS Access					
DataBAsе					
Oracle					
MS SQL Server					

SQLite					
MySQL					

### “Брифинг” методи

“Брифинг”- (инг. Briefing-қисқа) бирор-бир масала ёки саволнинг муҳокамасига бағишланган қисқа пресс-конференция.

#### Ўтказиш босқичлари:

1. Тақдимот қисми.
2. Муҳокама жараёни (савол-жавоблар асосида).

Брифинглардан тренинг якунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, амалий ўйинларнинг бир шакли сифатида қатнашчилар билан бирга долзарб мавзу ёки муаммо муҳокамасига бағишланган брифинглар ташкил этиш мумкин бўлади. Талабалар ёки тингловчилар томонидан яратилган мобил иловаларнинг тақдимотини ўтказишда ҳам фойдаланиш мумкин.

### “Портфолио” методи

“Портфолио” – ( итал. Portfolio-портфель, ингл.хужжатлар учун папка) таълимий ва касбий фаолият натижаларини аутентик баҳолашга хизмат қилувчи замонавий таълим технологияларидан ҳисобланади. Портфолио мутахассиснинг саралangan ўқув-методик ишлари, касбий ютуқлари йиғиндиси сифатида акс этади. Жумладан, талаба ёки тингловчиларнинг модул юзасидан ўзлаштириш натижасини электрон портфолиолар орқали текшириш мумкин бўлади. Олий таълим муассасаларида портфолионинг куйидаги турлари мавжуд:

Фаолият тури	Иш шакли	
	Индивидуал	Гурӯҳий
Таълимий фаолият	Талабалар портфолиоси, битирувчи, докторант, тингловчи портфолиоси ва бошқ.	Талабалар гурухи, тингловчилар гурухи портфолиоси ва бошқ.
Педагогик фаолият	Ўқитувчи портфолиоси, раҳбар ходим портфолиоси	Кафедра, факультет, марказ, ОТМ портфолиоси ва бошқ.

Ш. БҮЛІМ

НАЗАРИЙ  
МАТЕРИАЛЛАР

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ**

### **1-мавзу. Автоматлаштирилган кутубхона тизимларининг хаётий цикли.**

*Режса:*

- 1.1. Автоматлаштирилган кутубхона тўғрисидаги асосий тушунчалар, таърифлар ва атамалар.*
- 1.2. Фойдаланувчиларнинг ахборот-кутубхона ресурсларидан фойдаланишини таъминлаш, фойдаланувчиларнинг интеллектуал, маънавий-ахлоқий, маданий ва таълим олии эҳтиёжларини қаноатлантириши учун шартшароитлар яратиш, миллий маданиятни тиклашга ва янада ривожлантиришига кўмаклашиш, Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини сақлаш.*

1.1. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги Конунида ахборот-кутубхона муассасалари олдига бир қатор янги вазифалар қўйилди, жумладан электрон каталог, йиғма электрон каталог ва электрон кутубхоналар яратиш, ҳамкорликда электрон ресурслар яратиш ва биргаликда фойдаланиш. Конунда кўрсатилган вазифаларни бажариш учун ахборот-кутубхона муассасаларида автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимларини жорий қилиш зарур.

Фан, таълим, маданият ривожи ва ҳар қандай мамлакат ижтимоий-иқтисодий юксалишининг асосий шартларидан бири - турли соҳалар бўйича керакли ахборотларни ҳеч бир тўсиқсиз, тезкорлик билан эга бўлишга боғлиқдир. Бу мақсадга эришиш учун ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятига янги ахборот технологияларини қўллаш мухим аҳамият касб этади. Айниқса асосий кутубхона жараёнлари: ахборотларни йиғиш, ишлов бериш, сақлаш, қидириш ва истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнларига замонавий телекоммуникация каналлари ёрдамида ахборот технологияларни қўллаш самарали натижалар бериши мумкин.

XX аср охирларидаги «ахборот революцияси» кутубхоналар фаолиятига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди. Бу таъсир натижасида кутубхоналар борган сари замонавий ахборот технологиялари билан таъминланган ҳолда ахборот ресурслари марказларига айланиб бормоқда. Кутубхоналарда хизмат кўрсатиш турлари кенгайди: Интернет тармоғидан фойдаланиш, ахборот-аналитик материаллар тўплаб бериш, кутубхона каталогларининг электрон кўриниши ва тўлиқ матнли ҳужжатларга эга маълумотлар базаси шулар жумласидандир.

Қидирилаётган ахборотга эга бўлиш учун янги ахборот технологияларини қўллаш, қидириш имкониятини юз баробарига оширади. Телекоммуникация воситаларини қўллаш эса ахборот манбаининг қандай масофада турганидан қатби назар унга эга бўлиш имкониятини яратади. Бу

ерда гап кутубхоналарда автоматлаштириш ва ташкилий техника воситаларини қўллаш орқали уларни ахборот ресурслари марказларига айланиши ҳақида бормоқда.

Автоматлаштирилган кутубхона (АК) – бу шундай кутубхонаки, бунда кутубхона функцияси ва кутубхона ахборот хизмати асосан автоматлаштириш (компьютерлар, серверлар, ташкилий техника воситалари, дастурӣ комплекслар) ва телекоммуникация воситалари ёрдамида бажарилади. Замонавий АК яратиш мураккаб ва қимматбаҳо жараёндир. У юқори малакали турли касб эгаларини (дастур тузувчилар, системотехниклар, кутубхоначилар ва бошқалар) жалб қилишни тақозо қиласди.

Автоматлаштирилган кутубхона тизимларининг ривожи ахборот технологияларининг умумий ривожини ўзида тўлиқ акс эттиради. Компьютер бажарадиган иши ва таркибига кўра одатдаги кутубхонага жуда ўхшаб кетади. Компьютер технологиясида ишлатиладиган баъзи бир атамалар, масалан: «бошланғич модуллар кутубхонаси», «каталог», «юкландиган модуллар кутубхонаси» ва бошқалар, шулар жумласидандир. Шахсий компьютер орқали истеъмолчига хизмат кўрсатиш жараёни, китобхонларга кутубхонада кўрсатилаётган хизмат жараёнига ўхшаб кетади. Каталогдан маълумотлар қидириш, маълумотларни сақлаш жараёни, каталоглаштириш параметрларини таснифлаш ва бошқа жараёнлар бир-бирига ўхшашиб. Буларнинг ҳаммаси кутубхона жараёнларини формаллаштириш мумкинлигини кўрсатади, бу эса ўз навбатида кутубхонадаги асосий жараёнлар: маълумотларни йиғиш, сақлаш, ишлов бериш, қидириш ва узатишни тўлиқ автоматлаштириш демакдир. Кутубхоналарни автоматлаштириш усуллари жорий қилинмасдан аввал кутубхоналар фақат ўзларининг китобхонларига хизмат қилганлар. Аниқ бир кутубхонага аъзо бўлган китобхон фақат шу кутубхона ахборот ресурсидан фойдалана олган, мазкур кутубхонада бўлмаган ахборот ресурсидан факат «кутубхоналаро абонемент» орқали фойдаланиш мумкин бўлган. Аммо ҳар қандай нашрни ҳам «кутубхоналаро абонемент» орқали жўнатиш осон иш эмас. Нашрни бундай жўнатиш вақт ва маблағ талаб қиласидиган иш. Китобхонларга хизмат кўрсатишда яна бир чеклаш бор эди, у ҳам бўлса кутубхоналар китобхонларга нашрларни фақат одатдаги ташувчиларда (масалан: китоб шаклида) беришлари мумкин эди. Кутубхоналарда компьютерлардан ва Интернетдан фойдаланиш янги имкониятларни берди. Бу эса ўз навбатида турли физик ташувчилардан (магнитли тасмалар, дисклар, CD-ROMлар ва бошқалар) фойдаланган ҳолда электрон ҳужжатларнинг кенг тарқалишига олиб келди. Бунда масофадан туриб ахборот олиш ва ахборот узатишнинг роли бекиёсдир. Китобхонларга хизмат кўрсатишнинг замонавий шаклларини ўзлаштира борган кутубхоналар ўз кучларини электрон ҳужжатлар ва Интернет ресурсларидан фойдаланишга йўналтирилар. Бундай мақсадга эришиш учун бир қатор хуқукий ва

технологик масалаларни ечиш ва кутубхона иши концепциясини қайта кўриб чиқиши зарур эди. Натижада «Электрон кутубхона» атамаси пайдо бўлди. Электрон кутубхона яратувчиларга шу нарса аниқ бўлиб қолдики, мақсадга эришиш учун манфаатдор томонлар кучини бирлаштириш зарур экан. Натижада электрон кутубхоналар яратиш ишига дастлаб алоҳида ташкилотлар киришган бўлса, сўнгра бу иш миллий ва халқаро даражадаги ишга айланди.

Кутубхоналарни автоматлаштиришга дастлаб 60-йилларнинг ўрталаридан киришилди. Компьютерларни кутубхоналар ишига тадбиқ қилиш библиографик маълумотлар базаси ва кутубхона каталогларини яратишдан бошланди. Бу ишлар алоҳида катта ЭҲМ лар асосида бажарилди. Машина ўқий оладиган (**MARC**) каталогларни ва ягона каталоглар тармоғини яратиш бўйича дастлабки натижалар олинди. 70-йилларда компьютерларни алоқа каналлари орқали ягона тармоққа боғлаш имкони яратилди. Бу эса ўз навбатида бир компьютердаги библиографик маълумотлар базасидан иккинчи компьютер орқали фойдаланишга шароит яратди.

80-йилларда шахсий компьютерларнинг пайдо бўлиши билан кутубхона тизимларини яратиш ва уларни кенг тадбиқ қилиш объектив реаллик бўлиб қолди. 1967 йилда АҚШ даги Огайо штати коллежлари ва университетлари раҳбарларининг ташабbusи билан Огайо коллежлари кутубхона маркази – **Ohio College Library Center (OCLC)** ташкил қилинди.

Бундан мақсад- академик университетлар компьютер тизимларини ривожлантириб, библиографик ресурсларни ўзаро алмаштира олиш эди. OCLC нинг биринчи идораси Огайо Давлат университетининг Бош кутубхонасида ва биринчи компьютерлаштирилган зал мазкур университет тадқиқотлар марказида ташкил қилинди. OCLC ва унинг бошқа университетлар билан ҳамкорлиги тезда ривожланди. 1981 йилда корпорациянинг расмий номи OCLC- тўғри мурожаат қилувчи кутубхона маркази (Online Computer Librari Center. inc) деб ўзгартирилди.

Бугунги кунда OCLC 63 мамлакатдаги 23.000 кутубхонага хизмат қиласи. Электрон кутубхона ғояси жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидағи университетлар ва йирик кутубхоналарда қандайдир шаклда тадбиқ қилинмоқда. Масалан, Японияда янги технологияларни тадбиқ қилиш Агентлиги, Парламент миллий кутубхонаси, бир қатор вазирликлар, 20 дан ортиқ кутубхона ва маданий марказлар ўз кучларини бирлаштириб «XXI аср кутубхонасини» яратишга киришганлар.

Бир неча йил аввал АҚШ конгреси кутубхонаси электрон кутубхона яратиш миллий дастурини амалга ошира бошлади. 1994 йилдан бошлаб АҚШда **NSF**, **DARPA** ва **NASA** ташабbusи билан Digital Libraries initiative (DLI) электрон кутубхоналар бўйича тадқиқот дастури иш бошлади. Мазкур дастур ривожининг 2-босқичида 1998 йилдан бошлаб бу дастурлар ягона тармоқлараро дастурга бирлаштирилди. Бу дастурга миллий тиббиёт кутубхонаси, АҚШ статистика агентлиги, Миллий гуманитар фонд, АҚШ

миллий архиви ва бошқа федерал агентлиги киритилди. 1995 йилдан бошлаб Буюк Британия миллий дастури- elib амалга оширилди. Бир қатор мамлакатлар (Канада, Германия ва бошқалар)да яратилган электрон кутубхоналар ҳақидағи турли тарқоқ лойиҳалар миллий ва халқаро лойиҳаларга айланы бошлади. Электрон кутубхоналар яратиш ва фойдаланиш бир қатор лойиҳалар (4-й Рамочный Программы Комиссии Европейских сообщей (КЕС)) дастури доирасида амалга оширилди. Бугунги кунда электрон кутубхоналар яратиш ва фойдаланиш «Информацион жамият технологиялари» дастури доирасида КЕС дастурига киритилган.

АҚШда 80- йилларда электрон кутубхоналар (ЭК) яратиш бүйича иш бошланган бўлса, бу ишга Буюк Британияда 90- йиллар бошларида киришилди. Одатда бундай ишлар лойиҳаларни амалга оширувчи кичик гурухлар томонидан бажарилиб, кейинчалик бу ишлар миллий дастурлар ва халқаро лойиҳалар даражасига кўтарилади.

Бунга мисол сифатида "катта еттилик" мамлакатлари томонидан яратиш мўлжалланаётган ЭК ни келтириш мумкин. Бу лойиҳада қатнашиш учун Россия ҳам таклиф этилган. АҚШ даги "DLI", Буюк-Британиядаги "ELIB" лойиҳалари ҳам бунга мисол бўла олади. Японияда "XXI аср электрон кутубхоналари" лойиҳасини амалга ошириш бўйича ишлар бажарилмоқда. Германияда эса "CLOBAL-INFO" электрон кутубхона яратишга киришилган. Юқорида келтирилган лойиҳалар давлат томонидан етарлича молиявий таъминотга эгадир.

Бу мамлакатларда ЭК яратиш муаммоларини ечиш учун турли инвестициялар фаол жалб қилинмоқда, жумладан, турли фондлар, манфаатдор хусусий компаниялар, хайрия ташкилотлари, хусусий шахслар маблағлари бу ишга йўналтирилмоқда. Россияда ҳам ЭК яратиш бўйича тажрибалар бор.

1995 йилдан бошлаб электрон ресурслар ва уларнинг дастурий-техник таъминотини яратиш билан боғлиқ лойиҳалар (жумладан, Интернет орқали) амалга оширила бошланди. Бу лойиҳалар бир қатор давлат илмий-техник дастурлари томонидан қўллаб-қувватланди. Масалан, "Фан ва техника бўйича федерал информацион фонд", "Россияни ахборотлаштириш" дастури. Россия Фан вазирлигининг мақсадли илмий-техника дастури "Фуқароларга мўлжалланган фан ва техника тараққиёти йўналишида татқиқот ва изланишлар" орқали эса "Фан ва олий мактаб учун миллий компьютер тармоқлари телекоммуникацияси" лойиҳаси қўллаб-қувватланмоқда.

1998 йили Россия фундаментал тадқиқотлар фонди (РФТФ) ва Россия технологик ривожланиш фонди (РТРФ) танлов эълон қилишибди ва унинг натижасига кўра ЭК муаммоларини ечиш бўйича лойиҳалар молиялаштирила бошланди. "Россия электрон кутубхоналари" тармоқлараро дастурини амалга ошириш тўғрисида ҳам бир қатор ечимлар бор. Мазкур дастур бу соҳадаги бошқа лойиҳалар ва дастурлар билан биргаликда электрон

информацион ресурсларни йиғиш, сақлаш ва улардан самарали фойдаланишга мүлжалланган.

Электрон кутубхоналар яратишига йўналтирилган халқаро лойиҳалардан бири- "BIBLIOTHECA UNIVERSALIS" хисобланади, бу лойиҳа бўйича ЭК глобал тармоғи яратиш кўзда тутилган. Мазкур лойиҳа "Катта еттилик" мамлакатлари томонидан амалга оширилаётган 2 лойиҳанинг биридир. 1995 йилда бошланган бу лойиҳа ишида қўйидаги мамлакатлар иштирок этмоқда.

Франциядан- Франция маданият вазирлиги ва Франция миллий кутубхонаси (MINISTÈRE DE LA CULTURE) (BIBLIOTHEQUE NATIONALE DE FRANCE).

Японияда-Япония миллий кутубхонаси (NATIONAL DIET LIBRARY).

АҚШ дан- Конгресс кутубхонаси (LIBRARY OF CONGRESS).

Буюк Британиядан-Британия кутубхонаси.(The British Library).

Германиядан-Германия кутубхонаси (Deutsche bibliotek).

Канададан-Канада милий кутубхонаси. (National Library of Canada) .

Италиядан-Давлат кутубхонаси. (Discoteca di Stato)

Электрон кутубхоналар яратишида А+Ш даги кутубхоналар ва информацион марказлар фаоллик кўрсатишмоқда.

Лойиҳалар ичида кўзга кўринарлиси: А+Ш Конгресси кутубхонаси томонидан амалга оширилган, 1995 йилда 15 йирик университет кутубхонасини бирлаштирган миллий электрон кутубхоналар федерацияси (NDLF) лойиҳаси, Миллий электрон кутубхона ва Америка хотираси лойиҳалари ҳисобланади. А+Ш да бу соҳада олиб борилаётган ишлар бошқа мамлакатларда ҳам шу йўналишда олиб борилаётган ишлар ривожига туртки бўлди. Шунинг учун ҳам улар ўзларининг лойиҳаларида америкалик касбдошлари тажрибасига қўпроқ таянишлари тасодифий эмас.

1993 йил Австралия архивлари, Австралия кутубхоналар кенгаши, Ахборот хизматларини сақлаш бўйича миллий агентлик ва товушкино бўйича миллий архив ҳамкорликда электрон материаллар ишланмалари яратишига тавсиялар берувчи ишчи орган туздилар. Бу соҳадаги ишлар Австралия федерациянинг 100 йиллик юбилейига мўлжалланган «Навстречу к Федерации 2001» дастурига киритилди. 1995 йилдан бошлаб бу ишчи орган А+Ш нинг ишчи грухи «Компании по сохранности и доступности» (CPA) ва илмий кутубхоналар грухи (RLG) ишларидан самарали фойдалана бошлади. Ҳозирги пайтда бу ишчи орган «Электрон ахборотларни архивлаштирувчи ишчи грухи» деб ном олди.

Европада Европа кенгаши томонидан жуда кўп миллий ва халқаро лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бу йўналишда олиб борилаётган ишлар

дикқатта сазовордир. Бунда 60 дан ортиқ лойиҳани ўз ичига олган -ELIB дастури амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда қутубхоналарни автоматлаштириш ишлари 90 - йилларнинг ўрталарида “Ахборотлаштириш ҳақида +онун“ ва Миллий илмий-техник ахборотлар тармоғи яратиш бўйича дастур қабул қилиниши билан бошланди. Кутубхоналарни автоматлаштириш ишлари Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги тамонидан қўллаб - қувватланди.

Электрон кутубхоналар ва кутубхона консорциумлари яратиш бўйича дастлабки қадамлар қўйилди. Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида биринчи электрон кутубхона ишлаб турибди. Намунавий автоматлаштирилган кутубхона лойиҳаси Очик жамият институти қўмак жамғармаси гранти асосида амалга оширилди. Бу ҳақдаги маълумотлар иловада келтирилган.

Мазкур лойиҳадан кўзда тутилган мақсад:

-кутубхона ахборотларига автоматлаштирилган ҳолда ишлов беришнинг барча функцияларини кўрсатиш ва ўрганиш;

-кутубхоначиларни автоматлаштирилган кутубхонада ишлашга ўргатиш учун шароит яратиш.

Бундан ташқари Фанлар академиясининг Асосий кутубхонаси EIFL Direct Project халқаро лойиҳаси бўйича Очик Жамият институти қўмак жамғармасидан А+Шдаги EBSCO Publishing компаниясининг электрон маълумотлар базасини олди. Бу маълумотлар базасида 3500 дан ортиқ номдаги етакчи даврий нашрлар (журнал ва газета) мавжуд. EBSCO, маълумотлар базасидан ташқари ахборотларни Интернет ва СД дисклардан қидириш имконини берувчи EIFL - Direct замонавий ахборот қидирив тизимини ҳам тақдим қиласди. Бу эса ўз навбатида олимлар ва мутахассисларга фан, тижорат ва тиббиёт соҳасида жаҳонда эришилаётган ютуқлар ҳақидаги муҳим маълумотларни тезкорлик билан эгаллашларига имконият яратади. 2001 йилда Ўзбекистондаги 84 кутубхона EBSCO Publishing компаниясининг электрон маълумотлар базасига обуна бўлдилар.

Ўзбекистонда Республика ахборот инфраструктурасини ривожлантиришнинг истиқболдаги бошқа режалари ҳам мавжуддир. Ўзбекистонда Интернет таркибини яратиш бўйича ишлар жадал суръатларда олиб борилмоқда. Етакчи вазирликлар ва халқаро фонdlар кучларини бирлаштирувчи UzREN лойиҳаси Интернет ресурсларидан фойдаланишни арzonлаштиради ва айни пайтда кутубхоналар ўз электрон ресурсларини фаоллик билан халқаро тармоқлар орқали жаҳон ахборот ресурсларига тақдим қилиш имкониятига эга бўлади.

1.2. Ҳар қандай маҳсулот сингари ахборот тизимлари ҳам ўз ҳаёт циклига эга, яъни яратилган вақтидан бошлаб то ишлаб чиқаришдан олиб ташланган вақтгача бўлган муддат. Ахборот тизимлари ўзига хос маҳсулот бўлиб хеч бир ташкилот ахборот тизимисиз фаолият олиб бора олмайди. Шу

сабабли ҳам ахборот тизимининг ҳаёт цикли тўғрисида гапирганда факат унинг маълум бир версиясини ишлаб чиқаришдан мутлақо олиб ташлаш эмас балки бошқа бир такомиллаштирилган ахборот тизими билан алмаштириш нazarда тутилади. Ахборот тизимининг ҳаёт цикли физик емрилиш оқибатида эмас балки маънавий эскириш оқибатида тугайди. Ахборот тизимининг маънавий емрилиши бу – ахборот тизимининг унга қўйилаётган талабларга жавоб бера олмаслигига намоён бўлади. Ахборот тизимлари маънавий жиҳатдан эскирганда уни модернизация қилиш самарасиз бўлиб бундай ҳолда ахборот тизими янгидан яратиш заруратини туғдиради. Маънавий эскириш ва янгисига алмаштириш ахборот тизимлари учун табиий жараёндир. Ахборот тизимининг ҳаёт цикли унинг керак эканлиги маълум бўлганидан бошлаб, то ахборот тизими ишлаб чиқаришдан олиб ташланган кунгача бўлган даврдаги турли ҳолатларни қамраб олади.

Ахборот тизимларининг ҳаёт циклини беш босқичга бўлиш мумкин:

1. Ахборот тизимини лойиҳалашдан олдинги тадқиқотлар (режалаштириш ва талабларни таҳлил қилиш). Бу босқичда мавжуд ахборот тизимлари бўйича тизимли таҳлил ўтказилади, яратилаётган ахборот тизимиға қўйилаётган талаблар аниқланади, ахборот тизимининг техник-иқтисодий асосномаси расмийлаштирилади ва ахборот тизими ишлаб чиқиш бўйича техник топшириқ тайёрланади.
  2. Ахборот тизимини лойиҳалаш. Мазкур босқичда автоматлаштирилаётган функциялар таркиби (тизимнинг функционал архитектураси), тизимостилар таркиби (тизим архитектураси) ва ахборот тизимининг техник лойиҳаси расмийлаштирилади.
  3. Ахборот тизимини ишлаб чиқиш ўз ичига, физик лойиҳалаштириш, дастурлаш, дастурни ишлаб чиқиш ва созлаш, маълумотлар базасини шакллантириш, ходимлар учун йўриқномалар яратиш ҳамда ишчи лойиҳани расмийлаштириш каби бир қатор ишларини қамраб олади.
  4. Ахборот тизимини ишлаб чиқаришга жорий қилиш. Мазкур босқичда ахборот тизимининг тизимостилари комплекс текширувдан (тажриба синовларидан, тестлардан, ходимларни ўқитиш, объект бўлимларида тажриба синовлари ўтказиш, ахборот тизимини қабул қилиш-топшириш далолатномасини тузиш) ўтказилади.
  5. Ахборот тизимини ишга тушириш: кундалиш эксплуатация, кузатиб бориш, модернизация, ахборот тизимини фаолияти бўйича рекламация ва статистик кўрсаткичларни йиғиш, хатоларни тузатиш, тизимни модернизация қилиш бўйича талабларни ўрганиш, расмийлаштириш ва бажариш.
- Кўп ҳолларда 2-3 босқичлар бирлаштирилиб тизимли синтез номи билан амалга оширилади.

### **Автоматлаштирилган кутубхоналар тўғрисида асосий тушунчалар, атамалар, таърифлар.**

1. **Абонент**-кутубхона бошқаруви функцияси бўлиб, у китобхонларга китоб бериш ва қайтариб олишни назорат қиласи. Интеграл кутубхона тизими модуллардан бири ҳисобланади.

2. **Автоматлаштириш(automation)-** жараёнларни амалга ошириш учун автоматлаштириш воситаларини табдиқ этиш: инсон меҳнати унумдорлигини ошириш мақсадида бу меҳнатнинг бир қисмини ЭХМ орқали бажариладиган тадбирлар тизими:
3. Бу ишлар замонавий ҳисоблаш техникаси ва илмий усуллардан фойдаланган ҳолда бажарилади.
4. **Маълумотлар базасининг администратори (database administrator)-** маълумотлар базаси ҳақида тўлиқ ахборотга эга бўлган ва уни юритиш, фойдаланиш, ривожлантиришга жавобгар лавозимли шахс ( ёки шахслар гурухи).
5. **Сервер администратори-** Web серверни бетўхтов ишлашини таъминловчи, хатоларни тўғриловчи, сервер ва маълумотларни ҳимоя қилувчи мутахассис.
6. **Талаб қилинадиган малака:** Серверни созлаш ва ўрнатилган операцион тизимни билиш.
7. **Лойиҳа администратори-**Интернет лойиҳасини, Web саҳифа барча фаол элементларни, Web сайтни тўлдириб бориш ва назорат қилиш, бошқариш ва муаллифлик хуқуқини ҳимоя қилиш вазифаларини бажарувчи мутахассис.
8. **Кутубхона ассоциацияси-**Маълум бир мақсадга эришиш учун ийғилган ва кутубхона иши билан боғланган мутахассислар (ташкилотлар) ийини.
9. **Библиографик маълумотлар базаси-**кутубхонада сақланаётган китоблар, журналлар ва бошқа ҳужжатлар ёзувларидан иборат бўлган маълумотлар базаси.
10. **Маълумотлар базаси (DATA BASE)** - маълум бир қоидалар асосида ташкил қилинган, умумий тавсиф, сақлаш ва ўзгартириш тамойиллари назарда тутилган маълумотлар мажмуи. Маълумотлар базасига маълумотлар базасини бошқариш тизими орқали мурожаат қилинади.
11. **Маълумотлар банки (DATA BANK)** – маълумотларни марказлашган ҳолда сақлаш ва жамоа бўлиб фойдаланишда ишлатиладиган автоматлаштирилган ахборот тизим. Банк таркибига, бир ёки бир нечта маълумотлар базаси, маълумотлар базаси маълумотномаси, маълумотлар базасини бошқариш тизими, сўровлар кутубхонаси ва амалий дастурлар киради.
12. **Браузер (BROUZER)-** график ва матнли ахборотларни кўриш ва қидиришга мўлжалланган дастурий восита.
13. **Маълумотлар хавфсизлиги (DATA SECURITY)-** маълумот ва дастурларни бузиш, ўзгартириш ёки ўчириб ташлаш мақсадида рухсатсиз киришдан ҳимоя қилиш. Маълумотлар хавфсизлиги аппарат, дастурий, криптографик усуллар, ҳимоя воситалари ва комплекс ташкилий тадбирлар ўtkазиш орқали амалга оширилади.
14. **Виртуаль реаллик-мультимедия** воситаси ёрдамида (товуш, ранг, томоша эфекти) реаллик иллюзиясини ҳосил қилиш.

15. **Ташқи қурилма (PERIPHERAL)**-компьютер ва у бошқараётган қурилмаларга уланувчи қурилма (принтер, модем, дисковод).
16. **Ажратилган линия (LEASED LINE)**-ихтиёрий вақтда ахборот узатиш учун, икки нұқтани номер термасдан боғловчы телефон линияси.
17. **Домен**-Интернетдаги тармоқ ёки компьютер номи, @ белгисидан ўнгда турувчи белгилар йифиндиси. Номларнинг доменли тизими компьютернинг ҳарфлардан иборат номини рақамли адресга айлантириш имконини беради.
18. **Кириш (Доступ) (ACCESS)**- магнитли ташувчиларда узок муддатли сақланаётган маълумотларни қидириб топиши, олиш ва бу маълумотларни электрон хотираға жойлаштириш. Компьютерлар электрон хотираға жойлашган маълумотлар устида операциялар бажара олади.
19. **Қаттиқ диск (HARD DISK)**- винчестир ёки белгиланган (фиксированный) диск дейилади.
20. **Кўчириб ўтказиш (Импортирование)**- маҳсус маълумотларни ўқиб олиш жараёни. Кутубхона тизимларидағи турли манбалардан машина ўқий оладиган каталог ёзувларини каталогга кўчириб ўтказиш ва уни доимо янгилаш.
21. **Идентификатор (IDENTIFIER)**- лексик бирлик, тил элементи номи сифатида фойдаланилади; маълумотга бериладиган ном; лотин ҳарфлари ва рақамларидан иборат бўлиб, ҳарфдан бошланади.
22. **Интеграл схема (CHIP или MICROCHIP)**-кремний пластинаси; электрон таркиби транзистор, диод, резистор ва бошқалардан иборат бўлиб, маълумотларга компьютер ишловини таъминлайди.
23. **Инtranет (INTRANET)**- Интернет тармоғи маҳсулотлари ва технологияларидан фойдаланувчи ва корпоратив ахборот ресурслариға ўз фойдаланувчилирини киришини таъминловчи тақсимланган (ведомствений) ҳисоблаш тармоғи.
24. **Каталог**-кутубхона фондидағи барча ҳужжатлар рўйхати. Автоматлаштирилган тизимда библиографик маълумотлар базасини ташкил қиласи.
25. **Каталоглаштириш (CATALOGIZATION)**-маълумотларни каталогга киритиш; ҳисоблаш техникасида файл ҳақидаги ёки кутубхона ҳақидаги ахборотни киритиш. Кутубхона каталогини яратиш жараёни. Одатда интеграл кутубхона тизими модули ҳисобланади.
26. **Конвертация (TRANSLATION)**- бир хил типдаги маълумотларни бошқа типга ўтказиш. Бунда куйидаги операциялар назарда тутилади: (маълумотларни таҳрир қилиш, белгиларни ўчириш, пунктуация, белгилар ва қаторлар инверсиясига ишлов бериш), маълумотларни шакл ўзгартириш (форматларнинг адрес кўрсаткичларини, параметрларини, меткаларни перекодировка қилиш ва ўзгартириш), маълумотларни қайта ташкил қилиш (декомпозиция, компановка, янги элементлар ҳосил қилиш), файлларни қайта ташкил қилиш.
27. **Компьютерлаштириш (COMPUTERIZATION)**-компьютер маҳсулотлари ва хизматлари индустриясининг ривожланиш жараёни ва

улардан жамиятда кенг фойдаланиш. Корхоналар, муассасалар ва ўқув юртларини ҳисоблаш техникаси билан таъминлаш ва аҳоли умумтаълим даражасини компьютерларни қўллаш орқали юксалтириш.

28. **Коммуникацион алоқа (COMMUNICATION LINK)**-Икки қурилмани электр ва мантиқий бирлаштириш. Локал тармоқда коммуникацион алоқа жўнатувчидан қабул қилувчигача бўлган бутун йўл.

29. **Контроллер (CONTROLLER)**-компьютер ва терминал орасида ахборот узатишни бошқарувчи ва бош компьютерга уланган қурилма.

30. **Контекст менеджер (контекст-оператор)**-ахборот йиғилишини кузатувчи, киритилаётган ахборотларни таҳрир қилувчи, савол ва жавоблар колонкасини юритувчи, мижозларга маслаҳат берувчи мутахассис.

31. Талаб этилаётган малака-маълумотлар базаси таркиби ва мазмунини, баъзи бир дастурлаш тилларини билиш талаб этилади.

32. **Корректор**-бутун матнли материалларни текширувчи мутахассис, бунга график объектлар изоҳи, тугмалар, банер ҳам киради. Талаб этилаётган малака: бозор хусусиятини билиш, Интернетдаги ахборот-қидирав тилини билиш, Интернетда реклама ташувчилар қоидасини билиш талаб этилади.

33. **+айта ёзилмайдиган компакт диск (CD-ROM COMPACT DISK READ ONLY MEMORY)**- матнли, график, товушли ва турли ахборотларни сақлашга мўлжалланган оптик диск. У тақсимланаётган дастурий таъминот, маълумотнома материаллари, библиографик маълумотлар базасини сақлаш воситаси ҳисобланади.

34. **Локал ҳисоблаш тармоғи (LOCAL AREA NETWORK)**- Узатиш каналлари (оптик толали кабель ва бошқалар) орқали ўзаро боғланган компьютерлар мажмуи, компьютер орқали бошқариладиган қурилмалар, бир ёки бир неча объект (бинолар) доирасидаги ахборот ресурсларидан биргаликда фойдаланиш мақсадида бирлаштирилади.

35. **Меню (MENU)**- бир ёки бир неча тугмачаси босиш орқали, вариантлардан бирини танлаш имконини берувчи рўйхат тасвири.

36. **Машина ўқий оладиган каталог (MARC)**- библиографик маълумотларни алмаштиришнинг халқаро формати, библиографик маълумотларни маркировка қилиш схемаси. Унинг бир қатор миллий варианtlари бор. Масалан, USMARC (А+Ш конгресс кутубхонасида ишлатилади), UKMARC (Буюк Британия кутубхонасида ишлатилади) ва бошқалар.

37. UNIMARC бошқа MARC форматлар билан мос ҳолда ишлай оладиган универсал формат ҳисобланади.

38. **Мультимедиа**-тизимнинг матнлар, графиклар, тасвир ва товушли маълумотлар билан ишлаш қобилияти.

39. **Асосий тезкор хотира (RAM RANDOM ACCESS MEMORY)**- Оператив ёдда тутувчи мосламалар-шахсий компьютер ишлашининг жорий босқичида ҳисоблаш жараёнида бевосита иштирок этувчи ахборотни (дастур ва маълумотларни) сақлаш учун мўлжалланган. Оператив ёдда тутувчи

мослама-энергияга боғлиқ хотирадир; энергия таъминоти ўчирилганда унда сақланувчи ахборот йўқолади.

40. **Операцион тизим (OPERATING SYSTEM)**-компьютер қурилмалари ва дастурий ресурсларини бошқаришга мўлжалланган дастурий таъминот.

41. Портал- 1) Интернетда бошланғич иш бошловчи, кўп хизматларга эга сайт. 2) ахборотларнинг етарлича катта виртуал массиви, ўз ичига кичик ҳажмдаги турли тематик бўлимларни ёки кам сондаги мустақил лойиҳаларни олади.

42. **Амалий дастурлар таъминоти (APPLICATION SOFTWARE)**- Компьютердан фойдаланувчи учун аниқ масалани ечишга мўлжалланган дастур ёки дастурлар мажмуи. Амалий дастурлар таъминотига матнларга ишлов берувчи ва электрон жадваллар дастури мисол бўла олади.

43. **Маълумотларни узатиш (DATA COMMUNICATIONS)** алфавит-рақамли белгилардан иборат ахборотларни электр импульслари кўринишида узатиш.

44. **Провайдер (PROVIDER)**-электрон почта, Интернет ахборот ва тармоқлар бўйича хизматлар таклиф этувчи.

45. **Протокол (PROTOCOL)** ахборот узатиш усулини бошқарувчи қоидалар ва стандартлар мажмуи.

46. **Протокол TCP / IP**- Интернет тизимида фойдаланиладиган протоколлар.

47. **TCP (TRANSMISSION CONTROL PROTOCOL)**- процессорлар орасида ахборот алмаштирувчи узатишни назорат қилувчи протокол.

48. **IP (INTERNET PROTOCOL)**-Интернет протоколи, компьютерлар орасида ахборот алмаштиришга жавоб беради.

49. **Протокол 139,50**- ахборот узатишнинг етти даражали моделини қўллаб юқори даражада ишловчи, фойдаланувчиларга маълумотлар базасида тўлиқ қидирав бажариш ва турли дастурлар ишини бошқариб турувчи дастур.

50. **Интернет Промоутери**-Интернет маркетинги билан шуғулланувчи, яъни ахборот маҳсулотлари бозорини ўрганиш орқали реклама тадбирларини ташкил этувчи, каталог ресурслари лойиҳаси ва қидирав тизимларида сайtlарни регистрация қилувчи рекламаларни тўғри тарқатувчи, хизматларга вақтинчалик чегирмалар берувчи мутахассис.

51. **Пароль (PASSWORD)**-тармоқдан фодаланувчилар имтиёзини аниқлашда ишлатиладиган ҳимоя воситаси. Фойдаланувчи ўз номини кўрсатгач, тизимга кириш олдидан сўралади.

52. **Хизматчи файл процессори (FILE SERVER)**-тармоқдаги бошқа компьютерларга хизмат кўрсатувчи, катта ҳажмдаги маълумотларни сақлаш қобилиятига эга компьютер.

53. **Тезаурус**-ахборот қидирувини самарали олиб бориш учун турли даражадаги тушунчалар орасида алоқа боғловчи тизимлаштирилган лугат.

54. **Рассом –Дизайнер**-Интернет лойиҳаси бўйича умумий концепция ва стил ишлаб чиқувчи мутахассис.

55. **Талаб этиладиган малака:** график пакетлар билан ишлай олиш, бадиий маълумотга ва дидга эга бўлиш.
56. **ШЛЮЗ (GATEWAY)-**Турли икки тармоқни бирлаштирувчи қурилма. Шлюз ўз процессорига ва хотирасига эга ва у каналлар сифимини, протоколни ўзгартира олади.
57. **Штрихли кодлаштириш (BARCODE)**-алфавит-рақамли ва рақамли маълумотларни турли қалинликдаги вертикал чизиқлар воситасида кодлаштириш. Махсус қурилма ёрдамида ўқилади ва аниқланади ва компьютер ёрдамида ишлов берилади. Штрихли кодлаш кутубхоналарда берилаетган адабиётларни ҳисобга олишда ишлатилади.
58. **Электрон почта (E-MAIL ёки ELECTRONIC MAIL)-**бир компьютердан бошқасига ахборот жўнатиш усули ва жараёни. Баъзи бир ҳолларда бу тўғри жараён; бошқа ҳолларда эса-оралиқ компьютер иштирокида (ахборотлар сўралмагунча сакланади) амалга оширилади.
59. **FTP (FILE TRANSFER PROTOCOL)-(**файлларни узатувчи протокол) ихтиёрий файлни узелдаги машинага кўчириб ўтказувчи иш қуроли. Модем орқали файлдан нусха олиб ўз компьютерингизга ёзиб қўйишингиз мумкин.
60. **ISBN (INTERNATIONAL STANDARD SERIAL NUMBER)-**Даврий нашрлар халқаро стандарти.
61. **ISSN (INTERNATIONAL STANDARD SERIAL NUMBER)-**Даврий нашрлар халқаро стандарт номери.
62. **OPAC (ONLINE PUBLIC ACCESS CATALOG)-**жамоатчилик томонидан фойдаланиладиган тезкор каталог. Электрон кутубхона каталогидаги қидирув тизими.
63. **HTML (HUPER TEXT MASKUP LONGUAGE)-**тармоқни сканерлаш дастури (browser) орқали кириб, гипертекст ёзиш тили; ахборотларни тармоқда гипертекстли саҳифа кўринишида жойлаштиришда фойдаланилади,
- 64.
65. **HTML-кодер (HTML-верстальщик)-**стил ва график безаш хусусиятларини HTML-код кўринишида ҳисобга олган ҳолда лойиха умумий концепциясини амалга оширувчи мутахассис. Талаб қилинаётган малака; HTML, DHTML ва CSS тилини мукаммал билиш, WEB сайтни тестдан ўтказа олиш, монитордаги рангларни танлай олиш, барча актив элементлар (гиперсилки, кнопкалар, банерлар ва бошқалар) фаолиятини назорат қила олиш.
66. **ON-LINE-** реал вақт режимида кириш (ҳозир ва шу ерда).
67. **WWW (Word Wide Web)** – бутун жаҳон тармоғи, Интернет қисм бўлими, гиперматнли алоқага асосланган, Интернет билан алоқа бўлганда қидирувга осонлик билан киришувчи тармоқ.
68. **Web – дизайнер** – рассом- дизайнер фикрини Web платформага олиб ўтувчи мутахассис. Унинг вазифасига: графикларни оптималлаштириш, реклама банерларини яратиш, объектлар анимациясини ҳосил қилиш ва бошқалар киради.

69. **Web-программист** – Web сайт учун қўйилган масалага мос, маҳсус дастур тузувчи мутахассис. Талаб қилинадиган малака: Java, C/C++, MySQL, Perl, PHP, ASP, SST, HTML ва бошқа тилларни билиш.

70. **Web-site-Web** тармоғи ахборот узели, маълум бир мавзу бўйича ахборот беради, бирор бир шахс ёки ташкилот томонидан қўллаб - кувватланади.

71. **URL** (Uniform Resource locator)- бу WWW даги адрес, ресурсни кўрсатувчи бирлик кўрсаткич Интернет орқали кириш мумкин бўлган файл ёки ресурс номи. Ўз ичига, протокол номи, узел номи ва файлгача бўлган йўлни олади.

72. **Http, ftp, gopher, wais** – типик протоколлар хисобланади.

## **2- мавзу. Автоматлаштирилган кутубхонани яратишни техник-иқтисодий асослаш.**

*Режас:*

- 2.1. Автоматлаштирилган кутубхонанинг ташкилий тузилмаси.*
- 2.2. Замонавий кутубхонани иерархик ташкил этиши.*
- 2.3. Ходимларнинг касбий тайёргарлигига қўйилган талаблар.*
- 2.4. Автоматлаштирилган ахборот-кутубхона муассасаси бўлимларининг ҳамкорликдаги фаолияти. Ҳамкорлик схемаси.*
- 2.5. Автоматлаштирилган ахборот кутубхона муассасасида ҳужжат айланиши. Ҳужжат айланиши дастурий таъминоти.*

**2.1. Автоматлаштирилган кутубхонанинг ташкилий тузилмаси** - АҚ нинг ташкилий тузилиши ва лавозимлар учун йўриқномалар мажмуини ўз ичига олган ва кутубхонани бир маромда ишлаши учун лозим бўлган фармойишлардир.

Кутубхона ташкилий тузилмаси ундаги турли бўлимлар фаолиятини (бир-бирига бўйсунишини) тартибга солади. Бу эса АҚ ташкилий масалаларини самарали ҳал қилишда муҳим роль ўйнайди. Кутубхонада автоматлаштириш воситалари пайдо бўлиши билан у ерда янги бўлимлар (автоматлаштириш, электрон каталоглаштириш, компьютерлаштирилган залларда китобхонларга хизмат кўрсатиш ва ҳ.к.) ташкил этилади. Демак, кутубхона ташкилий таркиби ўзгаради. Кутубхона энг замонавий техника воситаларига эга бўлиши мумкин, аммо меҳнатни тўғри ташкил этмаслик, бу техника воситаларининг асосий функцияларини бажара олмаслигига олиб келиши мумкин. Бундай ҳолда техника воситаларининг фойдали иш коэффициенти кутилганидан паст бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш

тўғрисида”ги ПҚ-381-сонли қарорига мувофиқ ахборот-ресурс марказлари фаолият кўрсатмоқда.

Ахборот-ресурс марказларининг меъёрий хужжатлари (ахборот-ресурс марказининг намунавий низоми, фойдаланиш қоидалари, ахборот-ресурс марказларининг фондларини шакллантириш ҳақидаги намунавий низоми, фонддан чиқариш тартиби ва таълим муассаларнинг намунавий штатлар жадвали ва ходимларнинг лавозим йўриқномалари ва бошқалар) ишлаб чиқилган ва Вазирликнинг 2006 йил 29 декабрдаги 295-сонли буйруғи билан тасдиқланиб, ахборот-ресурс марказларига етказилган.

1. Замонавий ахборот кутубхона муассасасини бошқарувчи менежер.

1. Компетентлик
2. Билимлар даражаси
3. Стратегик мушоҳада
4. Тадқиқотчилик қобилияти
5. Корпоратив маданият
6. Қадриятларни баҳолай олиш
7. Инновационлик
8. Етакчилик
9. Фаоллик ва мустақиллик

Замонавий кутубхоначи

- Фойдаланувчиларнинг эҳтиёjlари ва сўровларига кўра факат ахборотларни қидириш эмас, балки топилган ресурсларни баҳолай олиш;
- Ахборот технологиялари бўйича мутахассис
- Ахборот маданиятини эгаллаш бўйича маслаҳатчи;
- Ахборот кутубхона саҳасида менеджер ва маркетолог;
- Ахборотлар бозорида агент.

Кадрлар менеджменти тамойиллари

- Кутубхонадаги ҳар бир ҳодимнинг яхши томонларига таяниш, ҳар қандай ютуқни рағбатлантириш;
- Танқид ўрнига хатоларни тўғрилашга ёрдам бериш;
- Норасмий етакчиларга таяниш (уларни қидириб топиш ва команда сафига қўшиш);
- Истиқболни ҳис қилишни шакллантириш, ҳар бир ҳодимни ўз ўзини ривожлантиришга рағбат ўйғотиш;
- Кутубхона ҳодимларини ўзини ўзи хурмат қилишини ва ўз касбидан фаҳрланиши туйғуларини пайдо қилиш.

### **Комплектаторнинг автоматлаштириган иш ўрни**

1. Китоблар ва бошқа нодаврий нашрларга буюртма беришни расмийлаштириш ва дастлабки тасвирлаш;

2. Бажарилган буюртмаларни кузатиб бориш, бажарилмаган ва тўлиқ бажарилмаган буюртмаларни назорат қилиш;
3. Йифма ҳисобга олиш Китобига (КСУ книга суммарниги учёта) киритиш мақсадида кутубхонага тушувчи китобларни рўйхатга олиш.
4. Олинган китоблар тасвирларини автоматлаштирилган тарзда Электрон каталогнинг маълумотлар базасига жўнатиш;
5. Электрон каталог базасини қўшимча тўлдирилган китоблар тавсифи ҳақидаги маълумотлар билан автоматлаштирилган равища тўлдириб бориш имконияти;
6. Кутубхона бўлимлари учун даврий нашрларга обуна бўлиш (абонемент карточкалари ва буюртмалар варақалари);
7. Обуна бўлинган нашрнинг биринчи сони олингандан сўнг даврий нашр тасвирини Электрон каталог базасига жўнатишга кейингилари олингандан сўнг, уларнинг тасвирларини "Каталогизатор" АИЖ га ҳисобга олиш учун жўнатиш;
8. Нашрларга, аввалги обуна маълумотларини сақлаган ҳолда, навбатдаги обунани автоматик равища бажариш;
9. Фонддан чиқарилаётган ва бошқа бўлимга ўтказилаётган адабиётларни рўйхатдан ўчириш;
10. Чиқиш формаларининг турли шакллари: Инвентар рўйхатлар, КСУ вараклари (1,2,3 бўлимлар), тушаётган китоблар ҳақидаги якуний ҳужжатлар, адабиётларни рўйхатдан чиқариш ҳақидаги далолатномалар ва бошқалар.

### **Каталоглаштирувчининг автоматлаштирилган иш ўрни**

- Турли кўринишдаги нашрларга, ноанъанавий нашрлар - аудио ва виеоматериаллар, компьютер файллари, программалар, картографик материаллар, ноталар ва бошқаларга ишлов бериш ва тасвирлаш;
- Даврий нашрларни (газета ва журналлар) тасвирлашнинг оригинал технологиясининг мавжудлиги; бу бир томондан нашрни йифма яхлит равища тасвирлаш имкониятини берса, иккинчи томондан, нашр алоҳида номерини тасвирлаш имкониятини берадики, натижада ундаги мақолалар тўғрисида маълумот олиш мумкин;

- Нашрларга автоматлаштирилган ҳолда лингвистик ишлов бериш: (Тизимлаштириш, предметлаштириш), ГПНТБ классификатори ёрдамида мавзулар бўйича навигация бажариш, УДК ва ББК нинг алфавит-предметли кўрсаткичи бўйича, авторитет файллар ва тезауруслар бўйича;
- Ўхшаш ва ўзаро боғлик библиографик ёзувларни такрор киритишни бартараф қилувчи, хусусан, кўптомлик нашрларни ишлов беришда ва мақолаларга аналитик ишлов беришда жуда қўл келадиган маҳсус технологиянинг (маълумотларни кўчириш) мавжудлиги;
- Маълумотларни киритишида хатоликларни бартараф қилувчи формалмантиқий назоратнинг алоҳида олинган библиографик ёзувлар даражасида ёки яхлит тасвир даражасида амалга оширилиши;
- Электрон каталогга библиографик ёзувларни такрор киритилишини бартараф қилувчи (автоматик равишида "дублет" ёзувларни назорат қилиб борувчи, оригинал технологиянинг мавжудлиги);
- Чиқиш формалари: кўрсаткичлар, инвентар рўйхатлар, кутубхонага тушмаган журналлар ва бошқаларнинг рўйхатлари;

### **Администраторнинг автоматлаштирилган иш ўрни.**

- Маълумотлар базаси устида амаллар бажарувчи ва уни доимо ишга тайёр ҳолда бўлишини таъминловчи мутахассиснинг иш жойи. Мазкур АИЖ маълумотлар базалари устида амаллар бажаришга мўлжалланганлиги туфайли у билан ишлашда жуда эҳтиёт бўлиш талаб этилади. ИРБИС тизимда маълумотлар базалари билан ишлаш малакаси бўлмаган мутахассисларнинг бу АИЖда ишлаши тавсия этилмайди. Тегишли малакага эга бўлмаган мутахассиснинг ноўрин берган бир неча буйруғи бутун бошли бир неча маълумотлар базасини йўқ қилинишига олиб келиши мумкин. Шу туфайли ҳам “АДМИНИСТРАТОР” АИЖ ишлашга маҳсус тайёргарликка эга бўлган мутахассисларни жалб қилиш мақсадга мувофиқ.
- Маълумотлар базасини (МБ) яратиш:
- Библиографик ёзувларни импорт/экспорт қилиш:
- Керак бўлмаган МБ ўчириш:
- Библиографик ёзувларни глобал таҳирлаш:

- МБдан нусха олиш:
- Маълумотлар базасини тозалаш ва бошқалар.

### **Кутубхоначининг автоматлаштирилган иш ўрни**

- ✖ Берилган ва қайтариб олинган адабиётлар ҳақидаги барча маълумотларни китобхоннинг индивидуал катрочкасида ҳисобга олиш;
- ✖ Қарздорлар, қайтариб берилмаган адабиётлар ва берилган китоблар сони ҳақидаги маълумотлар асосида статистика юритиш;
- ✖ Штирх-код технологияси асосида китоб беришни назорат қилувчи махсус технология мавжудлиги.

### **Фойдаланувчининг автоматлаштирилган иш ўрни.**

- У махсус билимга эга бўлмаган китобхонларга мўлжалланган бўлиб, қулай ва "дўстона" интерфейсга эга.
- Фойдаланувчилар тайёргарлик даражасининг турли эканлиги ҳам ҳисобга олинган, яъни бир хил натижага икки йўл билан эришиш мумкин: тажрибаси кам фойдаланувчилар, кетма-кет бажариладиган бир неча операцияларни бажариб эришадиган натижага, тажрибали фойдаланувчилар бир операция бажариш орқали эришишлари мумкин.
- Библиографик тасвир барча асосий элементлари ва улар комбинациялари асосида ЭК маълумотлар базасида тезкорлик билан қидиувни таъминловчи қидиув воситаларининг мавжудлиги.
- ЭКни ташкил этувчи бир неча маълумотлар базалари билан ишлаш имконияти.
- Буюртмаларни шакллантириш ва хужжатларни беришда қоғозсиз технологиянинг мавжудлиги.

### **Ахборот-кутубхона муассасаларини комплекс автоматлаштиришга мўлжалланган дастурий воситалар таҳлили.**

Дастурий воситалар автоматлаштирилган кутубхона системаларининг жуда муҳим ташкил этувчиларидан бири ҳисобланади. Дастурий воситаларсиз техник таъминот оддий кераксиз темир уюмини ҳосил қиласди, маълумотлар базасисиз, электрон каталогни яратиш ва керакли ахборотни қидиришни амалга ошириш мумкин бўлмайди.

Ихтиёрий автоматлаштирилган системаning программа таъминоти умумий ва махсус программа таъминотларига бўлинади. Умумий программа таъминоти деганда ҳисоблаш қурилмаси, система техника воситаларининг

ўзини нормал ишлашини таъминловчи программалар тушунилади. У ўз ичига операцион система (ОС) ва бирор-бир аниқ предмет соҳасининг масалаларини ечишга мўлжалланмаган умумий мақсадли бошқа программа воситаларини олади. Операцион система-бу ҳисоблаш ишларини навбат билан бажарилишини, режалаштиришни, назоратини ва маълумотларни қайта ишлаш жараёнларини бошқаришни ҳамда программа тузувчи ишини автоматлаштиришга мўлжалланган системанинг ҳисоблаш воситалари комплексидир (мажмуидир).

Бу шундай программаларки, улар ёрдамида директорияда маълумот қидириш, маълумот ёзиш, маълумотни қайта ишлаш, маълумотни босмага чиқариш, Интернетга кириш, " сичқонча " манипуляторини бошқариш, саралашнинг бир қатор умумий амалларини, алоқанинг телекоммуникацион каналлари бўйича маълумотларни киритиш-чиқариш хизматини кўрсатиш ва бошқаларни амалга оширилади.

Махсус программа таъминоти - бу бирор предмет соҳаси билан боғлиқ аниқ амалий масалаларни автоматлаштириш учун мўлжалланган программа ёки программалар мажмуасидир. Автоматлаштирилган кутубхона системаларида бу программалар- электрон каталогларни шакллантириш, китобхонларга хизмат кўрсатиш, фондларни жамлашнинг махсус программалари ва бошқалардир.

Умумий программа таъминоти-бу ҳам махсус мақсадлардаги, ҳам умумий мақсадлардаги программаларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш билан шуғулланувчи мутахассислар ўрганадиган предметдир. Бу китобимиз асосан кутубхона соҳаси ходимларига мўлжалланганлиги учун қуида биз кутубхона функцияларини автоматлаштириш учун мўлжалланган махсус программа таъминотларига тўхтalamиз. Агарда автоматлаштириган кутубхона системаси мураккаб техник-программалар комплекси сифатида қаралса, у ҳолда уни автоматлаштирилган иш жойлари мажмуаси кўринишида тасвирлайди.

Автоматлаштирилган иш жойи (АИЖ) бу аниқ кутубхона вазифалари (мисол учун, каталоглаш, жамлаш ва бошқалар) бажаришни автоматлаштириш учун мўлжалланган махсус программа модуллари, ташкилий техника ва ҳисоблаш техника воситаларининг керакли жамламасини ўз ичига оловчи техник комплексидир.

АИЖ аниқ мутахассисликка мўлжалланганлиги ва унинг қўлланиш жойи билан ҳам характерланади. Маълумки, АИЖда махсус программа таъминоти жуда муҳим ҳисобланади, чунки уларда техник таъминот ихтиёрий бошқа автоматлаштирилган системаларда ишлатиладиганлари билан бир хилдир (қандайдир махсус техника воситалари мажмуасидан ташқари).

Автоматлаштирилган кутубхона системалари ўз ичига қуйидаги АИЖларини олади:

1. "Администратор"нинг АИЖ;
2. "Каталоглаштирувчи"нинг АИЖ;
3. "Бутловчи"нинг АИЖ;
4. "Китобхон"нинг АИЖ;
5. "Китоб берувчи"нинг АИЖ.

У ёки бу автоматлаштирилган кутубхона системалари ўз ичига қўшимча АИЖларини олган бўлиши ёки аксинча юкорида келтирилганлардан бирортасини ўз ичига олмаган бўлиши мумкин.

"Администратор"нинг АИЖ-бу мутахассиснинг техник программа комплекси бўлиб, унинг асосий вазифаси системанинг умумий масалаларини (диспетчерлик, алоҳида АИЖларнинг келишиб ишлиши, ташқи тармоқлар ва системалар билан алоқа, долзарб ҳолатларда умумий маълумотлар базасини таъминлаш ва ҳ.к.) ҳал қилиш ҳисобланади. Асосан бундай АИЖдан фойдаланадиган мутахассисга АҚС нинг ҳам умумий, ҳам маҳсус программа таъминотини мукаммал билиш талаби қўйилади.

"Каталоглаштирувчи"нинг АИЖ-бу асосий вазифаси электрон каталогни шакллантириш, маълумотларни библиографик ахборотларни тасвирлашнинг халқаро форматлари билан мослаштириб киритиш, ўзгартиришларни киритиш, маълумотлар базасини бойитиш кабилардан иборат бўлган мутахассиснинг техник программа комплексидир. Одатда, автоматлаштирилган кутубхонада ягона локал тармоққа бирлаштирилган бир нечта "Каталоглаштирувчи"нинг АИЖлари бўлиб, уларда каталогни шакллантиришга ихтисослаштирилган кутубхоначилар фаолият кўрсатади.

"Бутловчи"нинг АИЖ-бу кутубхона фондини бутлаш билан шуғулланувчи мутахассиснинг техник программа комплексидир.

"Китобхон"нинг АИЖ-китобхонга хизмат қилиш учун мўлжалланган техник программа комплекси бўлиб, унга электрон каталогдан зарурый ахборотларни автоматлаштирилган қидирувини амалга оширишга имкон беради. Одатда қидирув муаллиф, калит сўз, йиллар бўйича қўйилган чегаралар билан ва ҳ.к. белгилар бўйича амалга оширилади. Кўпгина системаларда "ВА", "ЁКИ", "Мустасно" каби мантиқий амаллар қўлланилади ва бу ахборот қидирувини жиддий равишда тезлаштиради.

"Китоб берувчи"нинг АИЖ-бу юртмалар ва китоб бериш бўйича кечадиган жараёнларга мос равишида кутубхона китобхонларига китоб бериш вазифаларини бажарувчи мутахассиснинг техник -программа комплексидир. Айрим АҚСлари даврий нашрлар фондини жамлаш ва уларнинг келиб тушишининг назаротини амалга ошириш учун мўлжалланган маҳсус "Даврийлик" АИЖга эга.

Автоматлаштирилган кутубхона системасининг қўйидаги кўрсатгичлари кутубхоналар учун программа таъминотини танлаш кўрсатгичи ҳисобланади:

1. Системада бажариладиган функциялар мажмуаси (АИЖлари). Система қандай вазифаларни бажаришилигини, режалаштирилган кутубхона жараёнларини автоматлаштиришга имкон берадиган АИЖлари етарлими ва бу вазифаларнинг тўғри бажараётганлигини аниқлаш зарур.

Афсуски, АКС ишлаб чиқиши билан кутубхоначилар жалб қилинмасдан, кутубхона иши тушунчаларидан анча узоқ бўлган программа тузувчилар шуғулланиши кенг тарқалган. Таҳлилларнинг кўрсатишича, малакали кутубхоначилар ҳамкорлигида етакчи кутубхоналарнинг автоматлаштириш бўлимларида ишлаб чиқилган АКС анча самарали системалар ҳисобланади.

2. Системаларнинг таннархи. Замонавий системаларнинг нархи бир неча минг доллардан бир неча юз минг долларгача етади. Ҳар доим ҳам системанинг таннархи уларнинг сифат характеристикасига мос тушавермайди. Шундай ташкилотлар ҳам борки, агарда уларнинг системасини кутубхоналар консорциуми, яъни ягона мақсадда бирлашган (мисол учун, йиғма электрон каталог яратиш) бир нечта кутубхона сотиб олсалар, бу ташкилотлар нархи бўйича каттагина чегирмалар қилишади.

3. Библиографик ахборотларни халқаро талабларга мос ҳолда тасвирлаш ва қайта ишлаш. АКСлари ишлаб чиқувчи ҳаваскор (ташаббускор) жамоаларнинг энг катта камчиликларидан бири-халқаро стандартлар ва форматларни билмаслигидир. Бу эса система бир ёки бир нечта кутубхоналар миқёсида ажralган бўлишилигига, электрон манбалар эса бошқа кутубхоналар учун ёпиқ бўлишилигига, маълумотларни халқаро форматлар кўринишида айирбошлиш ва библиографик ахборотларни узатишга қўшимча моддий харажатлар сарфлашга олиб келади.

#### 4. Техникавий имкониятингизга мослиги.

Агар кутубхонангиз унча катта бўлмаган техника воситалари мажмуасига эга бўлса ва яқин орада улар сафини кенгайтириш кўзда тутилмаган бўлса, у ҳолда мураккаб ташкилий техника ва ҳисоблаш техникасини талаб қилувчи мураккаб ва кимматли АКС сотиб олишга шошилманг.

#### 5. Системанинг техникавий характеристикалари.

(Система қайта ишлаши мумкин бўлган ахборотнинг максимал ҳажми, қайта ишлаш тезлиги, телекоммуникацион имконияти, мулоқот шакли ва х.к.).

Агарда кутубхонангиз унча катта бўлмаган кутубхона фондига эга бўлса (мисол учун 20-25 минг китоб ва журналлар), у ҳолда бу фондни қайта ишлашга мўлжалланган, анча арzon кичик АКСни сотиб олишингиз мумкин. Агарда чет эл системаларини сотиб олсангиз, бу системада мулоқот шаклини маҳаллийлаштиришни талаб қилишингиз мумкин. Бамаъни компанияларда одатда, мулоқот шаклини маҳаллийлаштиришнинг маҳсус процедуралари кўзда тутилган бўлади.

### **3-мавзу. Автоматлаштирилган кутубхонани яратишга техник топширик**

*Режса:*

- 3.1. Фондни комплектлаш бўлими функциялари.
- 3.2. Ахборот-кутубхона муассасасида фойдаланувчиларни рўйхатга олиши. Рўйхатга олиши қоидаси. Онлайн рўйхатга олиши.
- 3.3. Хизмат кўрсатиши бўлими функциялари. Кутубхона хизматларини бошқариши. Кутубхона хизматларини кўрсатиши мақсадида Фойдаланувчиларни рўйхатга олишга мўлжалланган дастурий таъминот.
- 3.4. Кутубхона менежменти учун статистик кўрсаткичлар классификацияси. Статистик маълумотлар базасини яратиши, статистик кўрсаткичларни ҳисоблаш. Фойдаланилган адабиётларни ҳисобга олиши.

3.1. Кутубхона фондини бошқариш учта комплекс жараёнлардан иборат:

- 1. - кутубхона фондини бошқариш;
- 2. – кутубхона фондини сақлашни бошқариш;
- 3. - кутубхона фондидан фойдаланишни бошқариш.

Кутубхона фондини шакллантиришни бошқариш жараёни қўйидагиларни ўз ичига олади:

- моделлаштириш,
- комплектлаш,
- Ҳисобга олиш,
- Ишлов бериш

#### Моделлаштириш

Кутубхона фондини моделлаштириш бу моделлар ёрдамида кутубхона фанди параметлари тадқиқ қилиш ва мақбул ечим топиш мақсадида аниқлаш тушунилади. Ечилаётган масалага қараб моделнинг кўриниши танланади. Кутубхона фондини бошқаришда бир қатор комплекс моделлардан фойдаланиш мумкин: **тавсифли, математик, мавзулитипологик ёки тузилмавий ва библиографик ва бошқалар.**

**Тавсифли модел** бошқа моделлар ва кутубхона фондини бошқариш учун асос ҳисобланади. У кутубхонанинг қандайдир маънода паспорти ҳисобланади, тавсифли моделда кутубхона бажарадиган вазифалар ва унинг миссияси сўзлар ёрдамида тавсиф берилади. Кутубхона фондига тавсиф берилади. Кутубхонанинг бўлимлари ва нашрлар кўриниши аниqlанади. Сотиб олинган нашрлар нусхалари қўрсатилади.

**Кутубхона фондининг математик модели** фонднинг сонли параметлари тўғрисида тасаввур беради.

Ҳар бир кутубхона фонди рационал катталика ва тузилмага эга бўлиши керак. Яқин кунларгача фонд фойдаланувчиларнинг 70% талабларини қондирса у таркиби ва катталиги бўйича оптимал ҳисобланган.

**Кутубхона фондининг Библиографик модели** ўз ичига мазмунига кўра керакли таркиб ва зарур ҳужжатлар рўйхатини олади. Мазкур модел тавсия қилинаётган типдаги каталоглар шаклида амалга оширилади. Илгари бундай каталоглар чиқарилган ва улар оммавий кутубхоналарга мўлжалланган. Бундай каталогдаги маълумотлар тезда эскириб қолганлиги сабабли улар ўрнига кутубхона фонди ядрои чиқрила бошланди. Фонд ядрои стабил ва энг қимматли библиографик маълумотлардан ташкил топган.

ОЎЮ АРМ учун библиографик модел сифатида АРМ томонидан юритилаётган каталог ва картотекаларни олишимиз мумкин.

**Структурали модель.** Моделнинг бу кўриниши маълум бир мавзу доирасида ҳужжатларнинг тури ва кўриниши ҳамда нусхалари бўйича содда структурасини ифодалайди.

### **Структурали модел икки бўлимдан иборат**

**Уларнинг биринчиси** – тушунтириш хати. Унда фонд паспорти, кутубхона тўғрисида маълумотлар, унинг вазифалари абонентлар таркиби, фондни шакллантиришдаги ўзига хосликлар келтирилади.

**Иккинчи бўлим** моделлаштирилаётган фонд параметрларини (мавзулар, ҳужжатлар тури ва кўриниши, нусхалар сони, тил таркиби, ҳужжатни кутубхонанинг қайси бўлимига тегишлиги тўғрисидаги маълумотлар) акс эттиради Структурали модел иловага эга бўлиши мумкин: сотиб олишга мўлжалланган даврий ва давомли нашрлар рўйхати, асосий библиографик нашрлар

Мавзулар тизимли тартибда жойлаштирилади. Структурали модел кутубхоначи фойдаланиши учун қулай кўринишда (жадвал, расм, схема, электрон шаклда) бўлиши мумкин.

### **Кутубхона фонди моделини тузиш босқичлари**

Бошланғич босқичи (тайёгарлик кўриш) ўз ичига қўйидагиларни олади:  
Фонд шакллантирилаётган аниқ бир ҳолатни ўрганиш, яъни ички ва ташқи шартлар;

аниқ бир ҳолатда фондни шакллантириш стратегиясини аниқлаш; фондни шакллантириш тактикасини аниқлаш. Яаъни фондни шакллантириш сиёсати ва воситалари ҳамда йўлларини аниқлаш.


### Иккинчи босқич

Олинган натижаларга таянган ҳолда иккинчи босқичда фонд ривожининг тенденциялари аниқланади. Буларнинг барчаси келажакда фонд параметрлари қандай бўлиши ва берилган дарв учун фондни қандай комплектлаш керак? Саволига жавоб беришга имкон яратади.

### Учинчи босқич

Учинчи босқич иккинчи босқич билан параллел ёки ундан кейин бажарилиши мумкин. Бунда фонднинг структурали модели яратилади яъни комплектлашнинг мавзули ёки мавзули-типологик режаси тузилади.

3.2. Автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизими ARMAT++ да фойдаланувчиларни Онлайн рўйхатга олиш йўлга қўйилган. Фойдаланувчиларни Онлайн рўйхатга олиш учун тизимининг бош саҳифасидаги “Рўйхатга олиш” тугмасига чertiлади ва очилган иерархик маълумотномалардан фойдаланиб фойдаланувчилар тўғрисидаги маълумотлар тизим базасига киритилади.



1-расм.

2-расм.

Фойдаланувчи Онлайн режимида “Рўйхатдан ўтиш” панелидаги “Аутентификация”, “Ташкилотга тегишли маълумотлар” ва “Фойдаланувчига тегишли маълумотлар” иерархик шаклдига майдонларга тегишли маълумотлар киритади ва “Кўшиш” тугмасини чертади.

Қийдаги (3, 4, 5) расмларда “Аутентификация”, “Ташкилотга тегишли маълумотлар” ва “Фойдаланувчига тегишли маълумотлар” блокларида фойдаланувчини тизимда рўйхатга олиш учун зарур маълумотлар келтирилган.

3-расм.

4-расм.

5-расм.

**Бошқарув объекти** – бу таъсир ўтказилаётган объект.

**Бошқарув қурилмаси** – бу бошқарув объектига таъсир қилувчи объект.

**Бошқарув тизими** – бу объектлар мажмуи ва бошқарув қурилмаси ҳамда уларнинг ўзаро таъсир қилиш механизми. Умуман олганда объектни бошқариш деганда, объект қўрсаткичларини яхшилаш мақсадида унга ўтказилаётган таъсир имкониятлари тушинилади. Бошқарув жараёнини амалга ошира бориб, аввалдан берилган мақсаддага эришишга интиламиз, бу жараён фақат объект ҳолати ва унга ташқи муҳитнинг таъсири тўғрисида келиб тушаётган ахборотларни қайта ишлаш ва фойдаланиш ҳисобига амалга оширилади.

**АКМ бошқариш** - бу АКМ фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва аниқ бир харакатлар дастури асосида кўрсатилган мақсадларга эришишга йўналтирилган таъсирлар ва жараёнлар мажмуидар.

**Бошқарув жараёнлари** – бу АКМда бажариладиган процедуралар, улардаги киравчи параметрларни ўзгартириб, бошқарилувчи объект характеристикасига таъсир ўтказишидир. Масалан, электрон каталоглаштириш сифатини ошириш ҳисобига маълумотлар базасидан адабиётларни қидириш тезлигини жиддий ошириш мумкин.

Ахборот-кутубхона муассасаларида ахборот технологияларининг фаол тадбиқ қилиниши кутубхона жараёнларини бошқаришни янги босқичини бошлаб берди. Фақат бошқарув воситалари (дастурий-техник комплекслар) эмас, балки бошқариладиган параметрлар ва бошқарув усуллари ҳам ўзгарди.

Аммо кўп ҳолларда АКМ бошқарув мақсадлари аввалгича қолди – фойдаланувчилар эҳтиёжларини тўлиқ қондириш, қатнов кўрсаткичини ошириш, хизмат кўрсатиш вақтини қисқартириш айни пайтда хизмат кўрсатиш маданияти ва сифатини ошириш.

АКМ бошқариш меъёрларини оптималлаштириш турли параметрлар ва функцияостиларга боғлиқ: фондни комплектлаш, ахборот қидириш вақти, ва адабиётлар бериш, кутубхона хизматлари турлари ва бошқалар Кутубхона жараёнларини автоматлаштириш шароитида АКМ бошқариш механизmlарини кўриб чиқайлик.

Фараз қиласиз  $F$  – кутубхона жараёнларини оптималлаштирувчи қандайдир умумлашган функция.

$$F = (f_1, f_2, f_3, \dots, f_n) \rightarrow \text{opt}$$

**f<sub>1</sub>** - фондни комплектлашни акс эттирувчи функция;

**f<sub>2</sub>** - қидиув характеристикасини акс эттирувчи функция, (маълумотларни қидириш тезлиги, буюртмаларни бажариш ва бошқалар);

**f<sub>3</sub>** - АКМ молиявий-хўжалик фаолияти жараёнлари ва масалаларини акс эттирувчи функция;


**f<sub>4</sub>** - АКМ фондини сақлаш функциялари;

**f<sub>5</sub>** - АКМ да хизмат кўрсатиш функциялари;

**f<sub>n</sub>** - бу кўшимча хизмат кўрсатиш ва фойдаланувчиларга қулай шароитлар яратишини акс эттирувчи функция ва бошқалар.

Ахборот-кутубхона муассасаси бошқарув жараёнини кибернетик тизим доирасида қараш, бошқарув жараёнини формаллаштириш, бошқарувнинг стандарт моделлари кўринишига келтириш ва параметрларни оптималлаштириш АКМ ишини яхшилашга олиб келади.

АКМ бошқарув тизимини кўрайлик



- X – киравчи оператив ахборо: АКМга келиб тушаётган китоблар тўғрисида маълумот, нашриётлардан келаётган ахборт ва бошқалар;
- Y – чиқувчи ахборот: кутубхона фондидағи адабиётлар тўғрисидаги маълумот, адабиётлардан фойдаланиш бўйича маълумотлар, китобхонларнинг эҳтиёжини қондириш бўйича маълумотлар ва бошқалар.
- Q - бошқарувчи ахборот (тасир қилувчи сигналлар): техник, дастурий, ташкилий ва бошқа таъминотлар бўйича ечимлар. Масалан, бу техник тузилмани , қурилмалар таркибини, ЭК МБ шакллантириш, янги дастурий комплексларни жорий қилиш ҳисобига ахборот хизматларини оптималлаштириш, ташкилий тузилмани ўзгартириш бўйича ечимлар бўлиши мумкин.
- V – Автоматлаштирилган тизимни жорий қилиш ва ташкилий тузилмани ўзгартиргандан сўнг кутубхона жараёнларини бориши тўғрисида ахборот: комплектлаш, каталогглаштириш, ахборот хизмати кўрсатиш ва бошқалар. Бу ахборот АКМ жараёнларини оптималлаштириш бўйича қарорлар қабул қилишда зарур бўлади;

**3.3. Китоб беришни ҳисобга олиш.** Китобхонларга кутубхонанинг барча бўлимлари томонидан берилган ҳужжатлар сонини (билимлар соҳаси бўйича) кўрсатади. Нашрларни беришни ҳисобга олиш китобхон формулярида қайд этилган берилган нусхалар сони, китобхонлар талабномалари, китоб формуляри, кутубхоналар аро абонеиент талабномаси ва кутубхонада ўрнатилган бошқа ҳужжатлар билан аниқланади. Шунегдек электрон маълумотлар базаси орқали ҳам.

❖ Китобхонларни рўйхатга олиш.

- ❖ Кутубхона хужжатларидан фойдаланувчилар сонини кўрсатади.
- ❖ Ҳисобга олиш бирлиги китобхон фонмуляри ҳисобланади.

**Ўқилиш** (Ў) Ўқиш интенсивлигини характерловчи кўрсаткич.

Бир китобхонга бир йил давомида берилган китобларнинг ўртача сони, у йил давомида китобхонларга берилган хужжатлар сонининг (В) йил давомида кутубхонада рўйхатга олинган китобхонлар сонига (А) бўлишдан хосил қилинади.

**Ў=B:A**

**Қатнов** (Қат.) китобхонларнинг кутубхонага қатниши фаоллигини характерловчи кўрсаткич. У бир йил давомида китобхонларнинг кутубхонага қатнаши сонини (К) китобхонлар сонига (А) бўлишдан хосил қилинади.

**Қат.= К: А**

**Ахборот кутубхона фондини айланиши.** (Фа) китоб фондидан фойдаланиш даражасини характерлайди. У йил давомида берилган китоблар сонининг (В) кутубхона китоб фонди сонига (Ф) бўлишдан хосил қилинади.

**Фа=B:Ф**

**Китоб билан таъминланганлик** (К). У китоб фонди катталигини китобхонлар сонига нисбатига бўлишдан хосил бўлган катталик бўлиб, китоб фондини етарли эканлигини характерлайди. Китоб билан таъминланганлик қуидагича ҳисобланади: Кутубхона фондида йил охирида мавжуд китоблар сони (Ф) кутубхонада рўйхатга олинган китобхонлар сонига бўлишдан хосил қилинади.

**К=Ф:А**

**Фойдаланувчи формулари** (фойдаланувчининг электрон формуляри) – кутубхонадан фойдаланувчин ҳисобга олишга, унга берилган ва қайтариб олинган хужжатларни ҳисобга олиш ва назорат қилишга ҳамда муроолани таҳлил қилишга мўлжалланган;

Кутубхонадан фойдаланувчиларнинг **маълумотлар базаси**;

**Кутубхоналарапо абонентларни рўйхатга олиш Картотекаси** (маълумотларнинг электрон базаси) – абонентларни ҳисобга олиш ва улар тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилишга мўлжалланган;

**Ахборот абонентларини рўйхатга олиш Картотекаси** (электрон маълумотлар базаси) абонентларни ҳисобга олиш ва улар тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилишга мўлжалланган;

**Фойдаланувчини рўйхатга олиш Карточкаси** – кутубхона фойдаланувчисини рўйхатга олиш ва у тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилишга мўлжалланган.

**Китоб формуляри** фойдаганувчи томонидан олинган ва қайтариб топширилган ҳужжатларни ҳисобга олиш ва назорат қилишга ва улардан фойдаланишни таҳлил қилишга мўлжалланган;

**Назорат варақчаси** фойдаланувчини кутубхонанинг бўлимига қатновини ҳисобга олишга ва берилган ҳамда қайтариб олинган ҳужжатларни назорат қилади.\*;

**Бир маротабалик назорат варақчаси** кутубхона бўлимидан бир маротаба фойдаланадиган фойдаланувчиларни ҳисобга олишга мўлжалланган;

**Фойдаланувчи талабномаси** босма асарлар ва бошқа шаклдаги ҳужжатларни қидириш ва беришни ҳисобга олиш ҳамда сўровлар ва рад этишларни таҳлил этиш\*;

**Ҳар қунлик статистика варағи – фойдаланувчиларга билимлар соҳалари бўйича** берилган ҳужжатлар, уларнинг мурожаатлари, ва қатнов сони кўрсаткичларини ҳисобга олишга мўлжалланган\*;

**«Сўровлар сонини ҳисобга олиш» ёки «маслаҳатлар ва маълумотномалар бериш журнали» варағи** - сўровлар ва берилган маслаҳатлар ҳамда маълумотномаларни ҳисобга олишга мўлжалланган;

**«Рад этилган сўровлар»** - рад этилган сўровларни ҳисобга олиш ва таҳлил қилишга мўлжалланган;

**Тадбир Паспорти** - кутубхона томонидан ўтказилган тадбирларни ҳисобга олиш ва таҳлил қилишга мўлжалланган;

**www га ташриф ҳисоблагичи-сайта библиотеки\***.

### **Фойдаланувчиларни ҳисобга олиш**

**Ахборот – кутубхона муассасаси фойдаланувчиси:** Ахборот-кутубхона хизматларидан фойдаланувчи юридик ёки физик шахс (китобхон, тадбирлар иштирокчиси, абонент). Фойдаланувчилар ҳисоб бирлиги Фойдаланувчи.

Фойдаланувчиларнинг умумий сони кутубхонанинг барча бўлимлари томонидан хизмат кўрсатилаётган фойдаланувчиларнинг сонига нисбатан чиқарилади. Улар ягона рўйхатга олиш карточкасида ёки фойдаланувчиларнинг маълумотлар базасида рўйхатдан ўтган бўлади. Агарда кутубхонада ягона бўлим бўлса фойдаланувчиларнинг умумий сони фойдаланувчилар картотека формуляри ва МБ асосида аниқланади.

#### **4- мавзу. Автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимини техник-ишичи лойиҳаси**

Автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимнинг “Кадрлар” автоматлаштирилган иши ўрнини лойиҳалаши. Автоматлаштирилган кутубхона фондини шакллантиришини бошқариши. Фондни сақлашини бошқариши. Фонддан фойдаланишини бошқариши. Кутубхона консорциуми. Автоматлаштирилган ахборот кутубхона муассасаларини бошқаришининг Республика ва халқаро ҳужжатлари.


**Кадрлар танлашда режалаштириш тамойили.** Ахборот-кутубхона муассасалари ходимлари таркибини режа асосида шакллантириб бориш, бунда муассасанинг истиқболдаги ривожланишини ҳисобга олган ҳолда кадрларга бўлган эҳтиёжини режалаштириш тушунилади. Масалан, ахборот кутубхона муассасаси электрон каталог маълумотлар базасини шакллантириётганда ўрта маълумотли каталогглаштирувчиларга эҳтиёж сезса, муассаса тўлиқ автоматлаштирилган ҳолда ишлай бошлагандага олий маълумотли кадрларга эҳтиёж ортади.

**Муқобиллик тамойили.** Бу тамойил ахборот кутубхона муассасасига имкон қадар кўпроқ кадрларни жалб қилишни назарда тутади. Бир ўринган бир неча мутахассиснинг давогарлик қилиши кадрлар орасидан кучлиларини танлаб олишга имкон беради. АҚШдаги фирмаларда кадрлар билан шуғулланувчи менеджернинг фаолиятини баҳолашда (selection ratio - танлаш коэффиценти) вакант жойларга нисбатан тушган аризалар сонидан фойдаланилади. Шу сабабли ҳам кадрларни танлашда муқобиллик тамойили кадрлар менеджментига таълуқли бўлади.

**Кадрлар танлашда активлик (фаоллик) тамойили** вакант иш жойларига талабгор потенциал номзодлар билан фаол доимий иш олиб боришни тақозо қиласди. Бунда юқори малакали кадрларни (бошқа фирмаларнинг малакали мутахассислари ва ёш мутахассислар) қидириш ва уларни ишга жалб қилиш усулларидан фаол фойдаланиш катта самара беради. Иш берувчилар ОЎЮ ва ўрта махсус таълим муассасалари билан алоқалар ўрнатиб, талабалар билан шахсан учрашиб сухбатлар ўтказиб иқтидорли талабаларни ишга таклиф қиласдилар. Масалан, «Хьюлет Пакард» компания 100 дан ортиқ университет ва коллежлар билан ҳамкорлик қиласди. Фирма вакиллари фақатгина талабаларнинг ўзлаштириш қўрсаткичлари билан қизиқмай балки талабаларнинг дунёқараши, мақсадлари билан ҳам қизиқадилар.

Кадрларни бошқаришда дастлабки босқич кадрларни йиғиш ва танлаш жараёни ҳисобланади. Бу жараён қанчалик сифатли ўтказилса яъни ташкилотга қандай мутахассислар танлаб олингандигига қараб инсон ресурсларини бошқариш масаласи ҳал бўлади. Кадрларни бошқаришининг замонавий ривожланиш даражаси керакли мутахассисларни қидиришининг турли методларидан фойдаланади. Ходимларни ишга қабул қилишда улар

қандай вазифаларни бажарадилар ва улар бажарадиган ишларнинг характеристи (ижтимоий ва индивидуал) қандайлигини билиш зарур. Бу ахборотларни ҳар бир ходимнинг иш мазмунини таҳлил қилиш асосида олиш мумкин. Бундай ахборотларга эга бўлмасдан туриб ходимларни бошқариш функцияларини амалга ошириш мумкин эмас.



Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги қонунида ахборот-кутубхона муассасалари олдига бир қатор янги вазифалар “Электрон каталог”, “Электрон кутубхона”, “Йиғма электрон каталог” яратиш вазифалари қўйилган мазкур вазифаларни бажариш ахборот кутубхона муассасалари ходимлари касбий маҳоратини узлуксиз равища ривожлантириб боришни тақозо қиласди.

Ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятини ислоҳ қилишда кадрлар малакасини ошириш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистонда ахборот-кутубхона фаолияти бўйича узлуксиз таълим муассасалари учун ходимлар тайёрлаш қўйишидаги шаклларда ташкил қилинган:

1. “Ахборотлаштириш ва қутубхонашунослик” йўналишида бакалаврлар ва магистрлар тайёрланади. Ташкент ахборот технологиялари университетида.
2. Ахборот-кутубхона муасасалари ходимлари малакасини ошириш:

Ўрта маҳсус касб ҳунар таълими тизими АРМ раҳбарлари малакасини ошириш - Ўрта маҳсус, касб-ҳунар таълими тизими кадрларининг

малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтида амалга оширилади.

Ўрта маҳсус касб ҳунар таълими тизими АРМ ходимлари малакасини ошириш Тошкент ахборот технологиялари университетнинг “Малака ошириш марказида”да ташкил қилинган.

ОЎЮ АРМ ходимлари малакасини ошириш “Таълимда электрон таълимни жорий этиш марказида” ташкил қилинган.

**Ахборот-кутубхона муассасалари ходимлари учун маҳсус малака ошириш курслари** Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ҳам ташкил қилинган. Маҳсус курслар шартнома асосида ташкил қилинган.

**Ахборот кутубхона муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш** Тошкент ахборот технологиялари университетининг “Малака ошириш марказида” ташкил қилиниши мумкин. Бу борада шу пайтгача ҳеч бир иш қилинмаган

Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази АРМ ходимлари малакасини оширишга мицлжалланган ишчи дастур таҳлили.

Электрон каталогглаштирувчилар малакасини оширишда инновацион технологиялардан фойдаланиш:

1. Мултимедиали ўқув кўлланмалар
2. Электрон каталогглаштиришда маҳсус шаблонлардан фойдаланиш
3. Электрон каталогглаштиришда виртуал тренажерлардан фойдаланиш

Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги қонунида ахборот-кутубхона муассасалари олдига бир қатор янги вазифалар “электрон каталог”, “электрон кутубхона”, “йиғма электрон каталог” яратиш вазифалари қўйилган мазкур вазифаларни бажариш ахборот кутубхона муассасалари ходимлари касбий маҳоратини узлуксиз равиша ривожлантириб боришни тақозо қиласди.

Ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятини ислоҳ қилишда кадрлар малакасини ошириш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Бир қарашда “малака ошириш” атамаси барчага жудда содда тушунча бўлиб туюлади, аслида эса “малака ошириш” деганда қандайдир “квалификацияга” эга бўлиш тушунилади, яъни ходимда қандайдир бир даражада “малака” мавжуд бўлиши керак. Ўрта маҳсус ва олий таълим тизимининг таълим жараёнида тегишли малака хосил қилинади.

Малака ошириш атамаси касбий атамашуносликда “касбий билимлар ва уқувлар, кўникма ҳамда малакаларни такомиллаштириш” сифатида

тушунилади. Малака оширишни бу тариқа тушуниш бир ёқлама тушуниш бўлади, зеро малака ошириш бугунги кунда кўпича ахборот кутубхона фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш шароитида амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда ахборот-кутубхона фаолияти бўйича узлуксиз таълим муассасалари учун ходимлар тайёрлашибидаги шаклларда ташкил қилинган:

1. “Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик” йўналишида бакалаврлар ва магистрлар тайёрланади.
2. Ахборот-кутубхона муассасалари ходимлари малакасини ошириш:
  - 2.1. Ўрта маҳсус касб ҳунар таълими тизими АРМ раҳбарлари малакасини ошириш - Ўрта маҳсус, касб-ҳунар таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтида амалга оширилади.
  - 2.2. Ўрта маҳсус касб ҳунар таълими тизими АРМ ходимлари малакасини ошириш Тошкент ахборот технологиялари университетнинг “Малака ошириш марказида”да ташкил қилинган.
  - 2.3. ОЎЮ АРМ ходимлари малакасини ошириш “Таълимда электрон таълимни жорий этиш марказида” ташкил қилинган.
3. **Ахборот-кутубхона муассасалари ходимлари учун маҳсус малака ошириш курслари** Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ҳам ташкил қилинган. Маҳсус курслар шартнома асосида ташкил қилинган.
4. **Ахборот кутубхона муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш** Тошкент ахборот технологиялари университетининг “Малака ошириш марказида” ташкил қилиниши мумкин. Бу борада шу пайтгача ҳеч бир иш қилинмаган.

Кутубхоначилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш кутубхона жамоасининг методик ишлари ва кутубхоначиларга методик кўрсатишнинг муҳим қисми ҳисобланади. Бунда қўйидаги вазифалар бажарилади:

- Маҳсус маълумотга ва иш тажрибасига эга бўлмаган кутубхоначиларни бошланғич тайёргарлик билан таъминлаш;
- Кутубхона кадрларини қайта тайёрлашга кўмаклашиш. Ёш мутахассис сифатида фақат эндиғина кутубхонада иш бошлаётган ходимлар эмас балки кутубхоначилик соҳаси бўйича иш тажрибасига эга бўлган аммо янги лавозим ва функционал мажбуриятлари ўзгарганда уларнинг малакасини оширишга эҳтиёж туғилади;
- Кутубхоначиларни эгаллаб турган лавозими ва мажбуриятларига мос равишда малака оширишни ташкил қилиш.

Ууман олганда кадрларни бошқариш ташкилотни керакли сондаги ходимлар билан таъминлаш масаласини ҳал қилишга қаратилган бўлади. Ходимларни бошқаришдан асосий мақсад – ахборот-кутубхона муассасаси олдига қўйилган мақсадга эришишга учун кадрлар потенциалидан унумли фойдаланишdir. Кадрлар потенциали – бу ахборот-кутубхона муассасаси кадрлариг имкониятлари бирлашмасидан иборат бўлиб у ўз ичига кадрларнинг қўйидаги касбий имкониятларини қамраб олади:

- Ходимларнинг касбий имкониятлари;
- Ташкилий маданият;
- Жамоанинг ижтимоий-психологик муҳити;
- Бошқарув стилининг устиворлиги.

Ҳар қандай ташкилот ходимларини бошқариш масаласи у қандай фаолият олиб боришидан қатъий назар қўйидагилардан иборат бўлади:

- Ташкилот олдида турган мақсадга эришиш учун керакли ходимларни жалб қилиш;
- Ташкилот олдида турган мақсадларга қараб ўз ходимлари малакасини, кўнишка ва ўқувини ошириш мақсадида уларни ўқитиш;
- Умумий мақсадга эришиш жараёнида ҳар бир ходим иштирокини баҳолаш;
- Ходимларни рағбатлантириш.

### **Меҳнат шартлари тизимости**

- Психофизиология,
- меҳнат эргономикаси;
- техник эстетика;
- меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги ҳамда ҳаёт хавфсизлиги талабларига риоя қилиш.

#### **3.Меҳнат муносабатлари тизимости**

- Гуруҳли ва шахсий муносабатларни маслаштириш;
- меҳнат низоларини бошқариш;
- ижтимоий-психологик диагностика;
- ўзаро муносабатларда этик нормаларни шакллантириш

#### **4.Кадрларни ҳисобга олиш ва расмийлаштириш тизимости**

фойдаланиш мумкин. 05.11.2003 даги маълумотларга қараганда электрон каталог базасида 16 730 библиографик ёзув мавжуд. Тошкент ахборот технологиялари университети кутубхонаси 1991 йилдан бошлиб кутубхонага келиб тушаётган китоблар тўғрисидаги ёзувларни электрон каталог хотирасига киритмоқда. 05.09.2003 даги маълумотларга қараганда электрон каталог базасида 10 800 дан ортиқ ёзув мавжуд. Давлат илмий-тиббиёт кутубхонаси электрон каталогида 25.08.2003 даги маълумотларга қараганда 3224 библиографик ёзув мавжуд. Инсон хуқуqlари ва гуманитар хуқуқни ўрганиш бўйича марказий кутубхона электрон каталогида 09.01.2004 даги маълумотларга қараганда 5900 дан ортиқ библиографик ёзувлар мавжуд. Консорциумдаги ҳамкор кутубхоналарнинг барчаси ИРБИС тизими асосида ўз электрон каталогларини шакллантиримоқда. Консорциумнинг электрон каталоги web ИРБИС орқали Интернетга тақдим қилинган. Москва кутубхоналари корпоратив тармоқ фаолиятининг асосий характеристикалари Бугунги кунда Москва кутубхоналар корпоратив тармоғига (МККТ) 31 кутубхона бирлашган бўлиб уларнинг 2 таси (ГПНТБ ва ВГБИЛ им. Рудомино) федерал, бир донаси Россия фанлар академиясига, 12 таси Москва университетлари, 1 таси Ростов-на-Дону Давлат университетига ва 15 та кутубхона Москва шаҳар марказий кутубхоналар тизимига қарашлидир. 01.01. 2004 даги маълумотларга қараганда МККТ га аъзо кутубхоналарда 2 мингдан ортиқ компьютерлар ўрнатилган бўлиб уларнинг 600 таси фойдаланувчилар ихтиёрига берилган. Консорциум ҳамкорларига тегишли каталогларнинг умумий ҳажми 4,5 млн. дан ортиқ библиографик ёзувлардан иборат. Булардан 3,3 млн. ёзувга HTTP-протоколи орқали кириш мумкин. Z39.50 — протоколи асосида 2.4 млн библиографик ёзувга кириш мумкин. Тармоқдан ташқарида кутубхона биносида жойлашган каталогларда 2,2 млн. библиографик ёзув мавжуд. Консорциум электрон каталогининг умумий ҳажми 4,5 млн. бўлиб унинг 2,5 млн. нодаврий нашрлар, даврий нашрлар 832 минг библиографик ёзув (БЁ), даврий нашрлардаги мақолаларнинг аналитик ёзуви 905 минг БЁ, аудиоёзувлар 2,9 минг БЁ, мўлтимедия 2,8 минг БЁ, кино-видео материаллар 3,7 минг БЁ, ноталар 22 минг ва 29 минг бошка кўринишдаги хужжатлардан ташкил топган. МККТ фаолиятида корпоратив ахборот ресурслари яратишида ҳамкорлар томонидан ишлатилаётган барча дастурий воситалардан фойдаланиш кўзда тутилган. МККТ даги 31 ҳамкорнинг 12 таси ИРБИС тизимидан, 12 таси АБИС «МАРК»дан (НПО «ИНФОРМ-СИСТЕМА»), 3 таси — «LiberMedia 4. 1. 0» дан, 3 та кутубхона — «Библиотека-4» ва «Библиотека-5», 1 кутубхона — TINLIB дан фойдаланмоқда, 2 кутубхона автоматлаштирилган кутубхонаахборот тизимини ўзи ишлаб чиқсан. МККТ ичида кутубхоналар турли форматлардан фойдалансаларда, корпоратив яъни консорциумлар орасида фаолиятда улар RUSMARC дан фойдаланадилар. Библиографик ёзувларни яратишида 52 % кутубхоналар MARC 21 форматидан, 35% кутубхоналар UNIMARC форматидан, фақат 1 кутубхона RUSMARC форматидан фойдаланмоқда. Москва кутубхоналар консорциумида халқаро ва миллий форматлардан

фойдаланиш Библиографик ёзувлар формати RUSMARC UNIMARC MARC 21 Бошқалар БЁ яратиш формати 3 % 35 % 52 % 10 % БЁ экспорти формати 77 % 61 % 71 % - БЁ импорти формати 68 % 52 % 68 % -

Хозирги пайтда МККТ даврий нашрларнинг йиғма электрон каталогини яратига киришилмоқда. Бу ишга 20 та кутубхона бош қўшди. Бу кутубхоналар томонидан олинаётган даврий нашрлар комплекти 6 мингдан ортиқ. Буларнинг 70-80 % ортиғи ҳамкор кутубхоналардаги мавжуд нахрлардир. Аммо бу нашрлар орасида фақат бир кутубхона томонидан олинаётган нашрлар рўйхати ҳам бор. МККТ да турли руқнлардан фойдаланилади, авторитет файллардан деярли фойдаланишмайди.

### 5.3 Олий ўқув юрти ахборот ресурс марказлари корпоратив тармоғини ташкил қилиш концепцияси

Олий ўқув юрти ахборот-ресурс марказлари корпоратив тармоғини ташкил қилишдан асосий мақсад: Республика Президентининг 2006 йил 20-июндаги “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги Қарорига асосан ташкил қилинган ахборот-кутубхона ва ахборот ресурс марказлари (АҚМ, АРМ) фаолиятини мувофиқлаштириш, фойдаланувчиларга замонавий кутубхона-ахборот технологиялари асосида сифатли ахборот хизматларини тақдим қилиш, кутубхона ресурсларини бошқаришни модернизациялаш ва биринчи навбатда АҚМ ва АРМ ларга келиб тушаётган адабиётларга ишлов беришни такомиллаштириш, электрон каталоглаштириш учун сарф бўладиган сарф-харажатларини кескин камайтириш ҳамда Интернет ва Интранет тармоқлари орқали масофадан туриб турли тармоққа тегишли кутубхоналар, АҚМ ва АРМ ресурсларидан унумли фойдаланиш. Корпорация қатнашчиларининг ҳар бири олдида турган вазифаларга нисбатан, юқорида кўрсатилган асосий мақсадни бир неча кичик мақсадларга ажратиб аниқлаштириш мумкин1: 1. Корпорация ресурсларининг истеъмолчиларини фан, таълим, маданият, бошқарув ва бизнес соҳаларидағи муаммоларини ечиш учун, замонавий ахборот ва телекоммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, корпорациянинг бирлашган ахборот ресурсларини тақдим қилиш орқали, кутубхона-ахборот хизмати кўрсатишни тўлиқ, аниқ, сифатли ва тезкор бўлишини таъминлаш; 2. Корпорация ва жаҳон ҳамжамияти томонидан тақдим қилинган кутубхонаахборот ресурсларига мамлакатимиз ва чет эллик турли категориядаги фойдаланувчиларнинг эркин ва кенг аспектли киришини таъминлаш; 3. Корпорация иштирокчиларининг электрон каталог базасини шакллантириш, юритиш, кутубхона-ахборот ресурсларининг бошқа кўринишлари ҳамда фойдаланувчиларга тавсия этилаётган хизматлари учун сарф бўладиган молиявий, меҳнат ва моддий ресурсларини иқтисод қилиш.

Кўйилган асосий мақсаднинг аниқлаштирилиши корпорация ва унинг иштирокчилари фаолиятининг энг муҳим жиҳатларини аниқ кўрсатади. Корпорация ва унинг иштирокчилари тегишли ахборот ресурсларининг кўринишлари Корпорация ва унинг иштирокчилари тегишли ахборот ресурсларини шартли равишда қўйидаги категорияларга бўлиш мумкин: 1.1. Корпорацияга тегишли ва умумфойдаланишга мўлжалланган бирлашган ресурслар (мамлакатимиз ва чет эллик фойдаланувчилар учун очик бўлган ресурслар); 1.2. Фақат Корпорация иштирокчилари учун очик бўлган ахборот ресурслари; 1.3. Корпорация ва унинг иштирокчилари томонидан пуллик хизмат асосида тақдим қилинадиган ахборот ресурслари. 1.1. Корпорацияга тегишли ва умумфойдаланишга мўлжалланган бирлашган ресурслар (мамлакатимиз ва чет эллик фойдаланувчилар учун очик бўлган ресурслар) барча қатнашчилар томонидан ягона қоидалар асосида ва мувофиқлаштирилган тарзда яратилиши керак. Улар ўз ичига қўйидагиларни олади:

- Адабиётларни қидиришга ва фойдаланувчиларга хизмат қилиш учун мўлжалланган Корпорацияга тегишли бўлган электрон каталоглар;
- Корпорация иштирокчиси жойлашган худуд тўғрисидаги ўлкашунослик маълумотларини ва маълумотнома-ахборот массивлари ҳамда маълумотлар базалари;
- Олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари, талабаларига мўлжалланган тўлиқ матнли ва корпорация фаолияти тўғрисидаги маълумотнома шаклидаги хужжатлар;
- Тарихга, маданиятга оид тўлиқ матнли хужжатлар ва мультимедиали материаллар, уларни яратувчилар истагига кўра хеч бир чекловларсиз эркин ва пулсиз тақдим қилинади;
- Корпорация ва унинг иштирокчилари тўғрисидаги реклама материаллари.

1.2. Фақат Корпорация иштирокчилари учун очик бўлган ахборот ресурслари:

- Халқаро форматлар (RUSMARC, UNIMARC, MARC-21) талабларига жавоб берувчи библиографик тасвирнинг тўлиқ таркибида эга корпорация иштирокчиларининг электрон каталоги;
- Корпорация ва унинг иштирокчилари тегишли ташкилий, лойиҳа ва технологик хужжатларнинг тўлиқ матнли хужжатлар;
- Корпорация ёки унинг аъзолари томонидан ташкилий ёки молиявий томондан қўллаб-қувватланган ишларни бажаришда пайдо бўлган ва буюртмаларни, шартномаларни ҳамда бажарилган ишларни акс эттирувчи хужжатлар;
- Корпорация аъзоларининг иш фаолияти ва ривожланиши билан боғлиқ долзарб масалалар бўйича иштирокчиларнинг эълонлари ва ўзаро ёзишмалари.

1.3. Корпорация ва унинг иштирокчилари томонидан пуллик хизмат асосида тақдим қилинадиган ахборот ресурслари.

- Халқаро форматлар (RUSMARC, UNIMARC, MARC-21) талабларига жавоб берувчи библиографик тасвирнинг тўлиқ таркибида эга бўлган корпорация иштирокчиларининг корпорация аъзоси бўлмаган жисмоний ва юридик шахсларга тақдим қиласидиган электрон каталоги;
- Корпорация аъзоси бўлмаган жисмоний ва юридик шахслар учун корпорация ва унинг иштирокчилари тегишли ташкилий, лойиҳа ва технологик хужжатларнинг тўлиқматнли хужжатлар тўплпми;
- Корпорация ёки унинг бирор бир аъзоси

томониядан яратилган ихтиёрий кўринишдаги ва ихтиёрий ташувчida жойлаштирилган ҳамда уни яратувчиси томонидан ўз мулки деб эълон қилинган ва истагига кўра тарқатилган тўлиқ матнли, мультимедиали хужжатлар ва маълумотлар массиви; Илова: Юқорида келтирилган ресурслар рўйхатида корпорация иштирокчиларининг кутубхона фондлари келтирилмади, бунинг сабаби, ҳар бир иштирокчи ўзига тегишли кутубхона фондини ўрнатилган тартибга кўра ва норматив хужжатлар асосида тасарруф қиласди. 1.4. Юқоридаги 2.1. ва 2.2. пунктларда кўрсатилган ахборот ресурсларига кириш, корпорация аъзолари томонидан қабул қилинган (келишилган) ташкилий, техник, технологик қоидалар асосида Интернет орқали амалга оширилади. 1.5. 1.3. пунктда кўрсатилган ресурслардан фойдаланиш ресурслар эгаларининг истагига кўра ва айни пайтда корпорация бошқа аъзоларининг манфаатларига зид бўлмаган ҳолатларда амалга оширилади. Бу ерда шуни ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш жоизки, корпорация ва аъзо АРМлар фаолиятининг самарадорлиги (жумладан, иқтисодий самара ҳам) юқорида келтирилган уч хил ахборот ресурслар сифатига, яъни ҳужжатларга ишлов бериш тезлигига ва тўлиқлигига ҳамда мазкур ресурсларга эркин киришни таъминловчи дастурий техник комплексга боғлиқ. Корпорация фаолиятнинг мувофақиятга эришувини қуидаги омиллар таъминлайди: 1. Корпорация ўзининг аъзолари орқали Ўзбекистонда ва МДХ да нашр қилинаётган адабиётлар билан фойдаланувчилар сўровини тўлиқ қондира олади. 2. Корпорацияга аъзо бўлган АРМ ларнинг кўпчилиги китобхонларга тезкор ва сифатли хизмат кўрсатиш учун катта потенциалга эга, масалан Ахборот технологиялари университети, Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети АРМнинг ҳар бирида яратилган электрон ресурслар сони 30 000 дан ортиқ. Мазкур университетлардаги АРМ ўз китобхонларига электрон каталоглардан фойдаланиб тезкор ва сифатли хизмат кўрсата оладилар. АРМ келиб тушаётган янги адабиётлар тўғрисида китобхонларга, профессор-ўқитувчиларга тезкорлик билан маълумотлар бера оладилар. Бундай имконият ҳозирги кунгача кўпчилик АРМларида мавжуд эмас.

3. Корпорация китобхонларнинг ахборотларга бўлган ўзгариб турадиган эҳтиёжларини тезлик билан қондириш учун, кутубхона-ахборот хизматига ахборот ва телекоммуникацион технологияларни фойдаланган ҳолда янги восита ва ишланмаларни марказлаштириш ва мувофиқлаштириш орқали татбиқ қилиш имкониятига эга. 4. Корпорация аъзо бўлган АРМ Ўзбекистон худудидаги турли категориядаги барча китобхонларга хизмат қила олади, бу эса ўз навбатида республика марказидаги олий ўқув юрти АРМнинг потенциалидан вилоятлардаги АРМ фойдаланувчиларининг масофадан туриб керакли адабиётларга буюртмалар бериш имкониятини яратади.

## Корпорация ресурсларини яратиш технологияси ва ташкил қилишга қўйиладиган бошланғич талаблар

Биз юқорида кўриб ўтган омиллар ҳаётга татбиқ қилингандагина кўзда тутилган натижаларга эришиш мумкин, акс ҳолда мавжуд потенциалдан фойдаланмаслик корпорация фаолияти самарасини кескин пасайтириб юбориши мумкин. Корпорация потенциалини амалга татбиқ қилиш учун баъзи бир шароитлар ҳам яратилиши керак, улар: А) Олий ўкув юрти профессор-ўқитувчилари, талабалари ҳамда АРМнинг фойдаланувчилари томонидан АРМнинг ресурсларига эркин киришни таъминлаш мақсадида корпорация барча иштирокчиларининг электрон каталоглари ва маълумотлар базалари ўзаро мос ишлай олиши зарур; Б) Корпорация аъзо бўлган барча АРМ электрон каталогларидағи бирламчи ҳужжатлар библиографик ва анализатор тасвирларнинг юқори сифатли яратилишини таъминлашга эришиш; В) Корпорация ишини ягона принципда ташкил қилиш, корпорация аъзоси бўлган ихтиёрий АРМга келиб тушаётган ватан ва чет элларда нашр қилинган адабиётларга бир маротаба ишлов бериш ва яратилган библиографик ёзувлардан улардан кўп маротаба ва кўп аспектли фойдаланишни таъминлаш; Г) Янги библиографик ёзувларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш технологияси, техник жиҳатдан корпорациянинг йиғма электрон каталогига онлайнли кириш орқали таъминланиши лозим. Д) 2.1. ва 2.2. пунктларга тегишли ахборот ресурсларни яратишда дублет ёзувларни пайдо қиласлик ва корпорация аъзоларининг меҳнат ҳамда молиявий ресурслардан рационал фойдаланиш учун шароит яратиш зарур. Айни пайтда Интернет тармоғида тақдим қилинаётган ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли бўлган маълумотларни ягона шаклди тақдим қилиш. Бундай маълумотларни корпорация сайтида бирлашган шаклда акс этиши ва фаоллаштирилишига эришиш керак; Е) Корпорация ва унинг аъзолари серверлари Ўзбекистон ва бошқа мамлакатлар кутубхоналарининг Web-сайтларида (шлюзларида Z39.50) жойлашган ҳужжатлар ва маълумотларни қидириш ва навигация воситаларини қўллаб-қувватлай олиши зарур; Ж) Корпорация, унинг ахборот ресурслари таркиби, фойдаланувчиларга кўрсатиладиган хизматлар номенклатураси ва тартибларининг такоминлашуви ҳамда ривожланиши босқичма босқич келишилган ҳолда амалга оширилиши керак. Локал тизимлардан фарқ қилувчи ушбу принцип асосида фаолият юритувчи корпорациянинг муҳим хусусияти шундаки, корпорациянинг такомиллашув ва ривожланиш босқичлари корпорация аъзоларининг техник ва технологик жиҳатдан бир текисда такомиллашуви ва ривожланишини назарда тутади. Натижада корпорация аъзоларининг умумий ресурслар яратишдаги ва фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш доirasи кенгайяди. З) Корпорацияга тегишли ахборот ресурсларини яратиш ва улардан фойдаланиш ҳамда бу фаолиятдан пайдо бўладиган маблағларни тақсимлаш, корпорация аъзоларининг умумий йиғилишида тасдиқланган низомлар ва йўриқномалар асосида бошқарилиши керак. И)

Умумфойдаланишга мўлжалланган ахборот ресурсларини яратиш ва фойдаланишда, корпорацияга аъзо АРМларига ўзи яратган дастурий-техник комплексини имтиёзли равишда тақдим қилган ва татбиқ қилган, маслаҳатлар берган, малака ошириш ва шунга ўхшаш касбий ёрдамлар беришда фаол иштирок этувчи, ҳамда корпорация фаолиятини сезиларли самара олишга ҳисса қўшган корпорация аъзолари рағбатлантирилиши керак. Масалан бундай иштирокчиларнинг бир йиллик аъзо бадаллари корпорация кенгаши ёки умумий йиғилиш қарори асосида камайтирилиши мумкин. Корпорация фойдаланувчиларига хизмат кўрсатиш • Корпорация ресурсларидан Ўзбекистон республикаси фуқаролари, ёши, маълумоти ҳамда касбий фаолияти ва қаерда истиқомат қилишидан қатъий назар барча чет эллик фойдаланувчилар ҳамда ташкилотлар, муассасалар фирмалар фойдаланишлари мумкин. • Корпорация ва унинг аъзолари томонидан тақдим қилинаётган ахборот махсулатларининг характеристига қараб, фойдаланувчилар таркибини шартли равишда учга бўлиш мумкин: 1. Оммавий фойдаланувчилар – биринчи категория; 2. Корпорация аъзолари – иккинчи категория; 3. Ахборот махсулотлари ва пуллик хизматдан фойдаланувчилар. Биринчи категорияга кирувчи фойдаланувчиларга корпорация ахборот ресурсларига мурожаат қилувчи, анъанавий хизматлардан ва қўшимча интелектуал, меҳнат ва моддий харажатлар сарф қилишни талаб этмайдиган фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар киради. Фойдаланувчиларнинг иккинчи категориясига корпорациянинг барча аъзолари ва уларнинг ходимлари киради. Фойдаланувчиларнинг учинчи категориясига 2.2. пунктдаги ахборот ресурсларига мурожаат қилувчи ихтиёрий юридик ва жисмоний шахслар киради агарда улар корпорация аъзоси бўлмаса. Корпорациянинг пуллик хизматларига эҳтиёжманд бўлган фойдаланувчилар ҳам ушбу категорияга киради. Корпорациянинг сервислари Корпорация аъзоларининг тақсимланган маълумотлар базасида қидирав бажариш ихтисослаштирилган икки шлюз орқали амалга оширилади: 1 - (очик) – стандарт операциялар ва корпорацияга аъзо бўлмаган фойдаланувчилар учун, 2 – (аторизацияланган) – корпорация аъзолари ва корпорацияга аъзо бўлмаган юридик ва жисмоний шахслар учун комплекс қидирав ва чиқиш форматларига эга бўлган шлюз. тақсимланган каталогдан қидирав натижаларига кўра топилган ҳужжатларга автоматлаштирилган ҳолда (ҳужжатларни электрон шаклда етказиб бериш) буюртмалар бериш (барча фойдаланувчилар учун пуллик). Корпорация аъзолари бўлган АРМ ларнинг ихтиёрий каталогидан (rusmarc, unimarc, marc-21) коммуникатив форматлар асосида библиографик ёзувларни бепул кўчириб олиш ва кейинчалик улардан кўп мақсадларда фойдаланиш мумкин. Корпорация аъзолари бўлмаганлар учун бу имкониятдан фойдаланиш пуллик бўлади. Қайси худудда истиқомат қилишидан ва қайси АРМ китобхони бўлишидан қатъий назар корпорация аъзоси бўлган АРМ китобхонига телекоммуникацион тизим ёрдамида қидириб топилган адабиётлар билан хизмат кўрсатиш. корпорация тугунларида китобхонларга қуйидаги

хизматлар кўрсатилади:

- интернетда ишлаш учун машина вақти берилади;
- автоматлаштирилган маълумотлар базалари ва cd-тот даги ахборотлар тақдим қилинади;
- электрон почта орқали ахборотлар узатиш, қабул қилиш;
- компьютер техникаси ва технологияси асосидаги нашриёт-таҳририят хизмати;
- матнларни принтерда босиб бериш;
- график тасвирларни сканирлаш ва уларни принтерда босиб чиқариш;
- танланган материаллардан нусхалар тайёрлаб бериш.

Хизматлар китобхонларнинг ёшига, мавқеига ва бошқа бир хусусиятларига кўра диференциаллашган ҳолда пуллик, пулсиз ёки қисман пуллик бўлиши мумкин. Корпорация томонидан бажариладиган пуллик қўшимча ишлар ва хизматлар корпорация ва аъзоларининг касбий фаолиятига мос бўлган, ташкилотлар, жисмоний ва юридик шахслар, тижорат ташкилотлари томонидан берилган буюртмаларининг (лойиҳавий, илмий татқиқот) бажарилиши. Инвестицион жамғармалар ва бальзи бир юридик шахслар томонидан ахборот ресурслари ва уларга киришни таъминлаш билан боғлиқ бўлган ишларини бажариш.

Ташкилотлар ва физик шахсларнинг буюртмаларига кўра сайтларни яратиш, Web-дизайн, контент-провайдинг. Корпорация ёки ундан ташқаридаги ахборот ресурслари манбаларидан маҳсус мавзулар бўйича қидирув, маълумотларга аналитик ишлов бериш ҳамда олинган натижаларни юридик ёки жисмоний шахслар талабига кўра расмийлаштириш ва тақдим қилиш. Буюртмачилар сўрови ва талабига мос библиографик, рефератив ва аналитик обзорларни тайёрлаш. Кўлёзма ва босма шаклдаги асарларни электрон шаклга ўтказиш билан боғлиқ ишларни бажариш. Янги тушган ёки ретроспектив адабиётлар тўғрисидаги матнли файлларни ўз ичига олган (CD-ROM) магнитли ёки оптик дискларда жойлашган ҳамда босма нашрларни яратиш ва тарқатиш. Корпорация аъзоси бўлмаган ташкилотлар аъзолари учун ўқув курслари ва дастурлари яратиш. Семинарлар, конференциялар ва бошқа тадбирлар уюштириш. Ахборот ресурслари рекламаси (жумладан, нашр қилинган китблар рекламаси) ва уларни Ўзбекистонда тарқатиш. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан корпорация аъзоларига кўрсатилиши мумкин бўлган пуллик хизматлар:

1. Китобхонларнинг талабига кўра ахборотлар (китблар ва мақолалар) жамламаларини тайёрлаб бериш.
2. Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг CD (компакт дисклардаги) электрон каталогини тақдим қилиш.
3. Кутубхона фондидағи илмий ва оммабоп журналлар мақолаларидан нусхалар тайёрлаб бериш ва уларни электрон шаклда тақдим қилиш.
4. Китобхонларга масофадан туриб хизмат кўрсатиш. Асосан тўлиқ матнли ҳужжатларни (мақолаларни, турли ахборот жамламаларини, электрон каталогларни) электрон почта орқали истеъмолчиларга етказиб бериш.
5. Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг тўлиқ матнли маълумотлар базасига кириш ва керак бўлган мақолаларни кўчириб олиш.
6. Интернет-медиа марказ хизматлари: Интернет ресурсларига кириш; жаҳондаги етакчи компанияларнинг электрон илмий-таълимий маълумотлар базаларига кириш учун маҳсус рухсат (пароль) ни тақдим қилиш; медиатека (CD дискларда ўқув ва таълимий дастурлар ва

маълумотлар базалари) хизматлари кўрсатиш. 7. Ахборотларни инглиз тилидан рус аа ўзбек тилларига аннотацияли таржима қилиш. 8. Шахсий компьютерда ишлашни, Интернетда ва маълумотлар базаларидан, ИРБИС ва бошқа автоматлаштирилган кутубхона-ахборот тизимлардан фойдаланишни ҳамда ҳалқаро аа маҳаллий фондлардан грантлар олиш учун лойиҳалар ёзишни ўргатувчи курслар. Ўқув юртлари ўқитувчилари, илмий ходимлари ва талабаларига ёрдам: 9. Фаннинг барча соҳалари бўйича гарб мамлакатлардаги етакчи олимлар диссертацияларининг авторефератлари (инглиз тилида). Ўзбекистонда ҳимоя қилинган диссертацияларнинг авторефератлари. Маълумотлар CD ва магнитли дискларда кутубхонанинг локал тармоғи орқали ёки олимлар, аспирантлар ва талабаларнинг буюртмасига кўра электрон почта орқали тақдим қилинади. 10. Китобхонларнинг буюртмаси асосида (очқич сўзлар, муаллифлар аа бошқа меъзонлар асосида) маълумотларнинг электрон базаларидан фан аа технологиянинг ихтиёрий соҳасига оид аналитик ахборотлар, илмий ва илмий-оммабоп мақолаларнинг жамламасини тақдим этиш. 11. Китоблар, журналлар, брошюралар ва тўпламларни чоп этиш бўйича нашриёт хизматлари: Дизайн, компьютерда териш ва кутубхонанинг босмахонасида чоп этиш.

Бутун жаҳонда қанча консорциум бўлса, қарийб шунча консорциумлар яратиш моделлари мавжудdir. Ҳар бир консорциум ўз вилояти ёки мамлакати муҳитида ҳеч қандай ўзига хос ташқи тузилмалар таъсирисиз шаклланган. Кутубхоначилар ўз консорциумлари тузилишини ўзгартириш учун ўзга консорциумлар эга бўлган тажрибалардан фойдаландилар, аммо бирорта ҳам консорциум бошқа мамлакатлардан айнан кўчирилмаган. Бундан ташқари, агарда консорциумлар ўзлари яратилган ва ривожланаётган мамлакатларнинг ўзига хослик томонларини ҳисобга олган бўлса, улар анчагина муваффақиятларга эгадирлар. Бу ҳужжат локал консорциумларни шакллантириша ҳисобга олиниши мумкин бўлган бир қанча омилларни ойдинлаштириш учун +ўшма Штатлар ва Европанинг бир нечта консорциумларининг тузилишини таърифлаб беради. Таҳлилларга кўра, бугунги қунда бутун жаҳонда 250 тага яқин консорциум мавжуд. Аммо консорциум ўзи нима дегани ҳақидаги келишилган стандарт ёки йўриқнома мавжуд эмас. Бу ерда асосан, консорциумларни яратиш, ҳаракатлантириш ва бошқариш тажрибаларини ҳисобга олиш ҳамда улар муваффақиятига таъсир қилувчи асосий омилларни тушуниб этиш муҳимdir. +уйида келтириладиган консорциумлар муваффақиятли ишлаб турибди, аммо бир-бирига ўхшайдиганлари йўқ. Уларнинг айримлари тузилиши бўйича юқори даражада бўлса, бошқалари эса ташкилий жиҳатдан анча эркинликларга эга. Айримлари молиявий таъминланган бўлса, бошқалари эса иқтисодий жиҳатдан анча ноқулай шароитдадир. Айримлари узоқ йиллик тажрибага эга бўлса, бошқалари эса эндиғина ташкил топган. Унда уларнинг умумийлиги нимада? Улар консорциумнинг муваффақиятига ишонадиган кучли

профессионал шахслар штатига (full time бўлиши шарт эмас) эгадирлар. Бундан ташқари, улар аъзоларининг кучли қўллаб-кувватлашига ва ҳаракатларининг аниқ режасига эгадирлар. Уларнинг барчаси қутубхона ишлари бўйича халқаро кооперацияда иштирок этадилар ва чет мамлакатлар консорциумларининг тажрибаларини фаол равишда ўрганадилар.

1. **OhioLink.** Бу консорциум Огайо штати орқали академик қутубхоналарга хизмат кўрсатади. Бу давлат агентлигидир. Муваффакиятлар учта энг муҳим омиллардан хосил бўлади: а) OhioLink Огайо Штати қутубхоналари орасида анча олдинги яқин ҳамкорликдан шаклланган; в) Ҳокимият томонидан кучли иқтисодий ва сиёсий ёрдам олади; с) Штат административ самарадорлик билан стратегик кўринишларни бирлаштиради. Бошқарма томонидан академик ташкилотлар раҳбарларидан сайлаш йўли билан шакллантирилган OhioLink тузилиши жуда формалдир. Бошқарма йилига олти марта йиғилади ва ижроия қўмитаси ҳамда турли кичик комиссиялар томонидан қўллаб-кувватланади. Асосий молиялаштиришни Огайо Штати орқали ўзларининг қўшимча маблағларини маҳсус электрон қурилмаларнинг тўлови учун ҳадя қилувчи таъсисчи институтлар томонидан амалга оширилади. OhioLink асосий штатидаги ходимларига ҳам эга. Бу ҳақдаги тўла маълумотни <http://www.OhioLink.edu> WEB саҳифасидан олиш мумкин.

2. **NELINET.** Бу +ўшма Штатларнинг штатларо консорциумидир. Бу ташкилотларнинг олтига штатга хизмат кўрсатувчи «аъзолик кооперативи». Бу консорциум эркли, ўз-ўзини маблағ билан таъминловчи даромад кўрмайдиган ташкилот бўлиб, доимий штатга эга. Аъзолари консорциум аъзолари орасидан сайланувчи Директорлар бошқармасига ҳам эга. NELINET OCLC хизмати, анжуманлар ва бошқа таълим дастурларини, маслаҳат хизматлари, электрон ресурсларни лицензиялаш, рақамли қутубхоналар хизмати ва молиявий хизматлар кабиларни таъминлаши мумкин. NELINET хизмат кўрсатиши ва аъзолик бадаллари орқали тўлиқ молиялаштирилган. Демак, ташкилот фаолиятини давом эттира олмас эди, агарда қутубхоналар ўз фойдаланувчиларига пуллик хизмат курсатмаганларида. Бу ҳақдаги тўлиқ маълумотни <http://www.nelinet.net> WEB саҳифаларидан олиш мумкин.

### **3. Калифорния рақамли қутубхонаси**

Калифорния рақамли қутубхонаси – электрон ахборот ресурслари га эга бўлишнинг маҳсус мақсадлари учун Калифорния университетлари қутубхоналаридан шакллантирилган консорциумидир. Бу “ҳамкорликдаги ёки умумий қутубхона” деб аталувчи ўзига хос қутубхона. Бу Калифорниянинг ўнтача университет шаҳарчаларининг “ҳамкорликдаги ёки умумлашган қутубхона”си деб аталувчи қутубхонанинг мақсади кўп микдордаги фойдаланувчилар учун катта ҳажмли электрон ахборот ресурсларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш ҳисобланади. Бошқарув тузилмаси Калифорния университетига қаттиқ бириктирилган ва Университет қутубхоначиси унинг ижрои директори ҳисобланади. Бу келтирилган модел қутубхоналарнинг етакчи қутубхона мисол учун миллий қутубхона атрофида

бирлашган намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бу ҳақдаги тўлиқ маълумотни <http://www.cdlib.org> web саҳифасидан олиш мумкин.

**4. JISC.** JISC – бу Буюк Британиянинг Олий таълимни молиялаштириш бўйича Кенгашларнинг Бирлашган Ахборот системаси қўмитасидир. JISC асосан Буюк Британия академик кутубхоналари учун NESLI, Миллий Лицензия электрон ташабbusлари орқали журналларни олиш билан бирга барча турдаги электрон маълумотлар базасини сотиб олишга қаратилгандир. JISC кам сонли штатга эгаб бўлиб, Буюк Британия университетлари ходимларининг кўнгилли равишда ёрдам беришларига асосланган. +ўмита формал тузилишга эга ва JISC Буюк Британиянинг ички миллий академик тузилишига тааллуқлидир. Бу нуқтаи назардан у ҳукумат агентлиги, аммо айrim ҳолларда академик бирлашмаларнинг ёрдамисиз ҳам нималарнидир қилиш имкониятига эга.

Бу ҳақдаги тўлиқ маълумотни <http://www.jisc.ac.uk> web саҳифасидан олиш мумкин.

**5. BIBSAM.** BIBSAM – Миллий Координация ва Тараккиёт учун Швед +ироллиги кутубхонаси бўлими ҳисобланади ва ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланадиган консорциумнинг энг яхши намунаси бўлади. Консорциумга бирлашишга тайёр турган 71 кутубхона ва лицензиялашнинг фаол электрон программасини ҳам ўз ичига оловчи бир қатор хизматларни бажарадиган 10 кишидан иборат BIBSAM штати мавжуддир. Муваффақиятларга ҳукумат жамғармаларидан молиявий қўллаш билан миллий тузилма орқали эришилган.

Бу ҳақдаги тўлиқ маълумотни <http://www.kb.se/bibsam/english/first.htm> саҳифасидан олиш мумкин.

**6. HEAL LINK** ёки Грециянинг 32 та олий таълим ташкилотларини (18 та олий таълим институтлари ва 14 та технологик таълим институтлари), Афина Академияси ва Греция миллий кутубхонасини ўз ичига оловчи Греция Академик кутубхоналари бирлашмаси. У кенг қамровли ҳаракат дастурига эга. Улар жумласига электрон журналларни патентлашни ҳам киритиш мумкин ва бу мисол орқали расмий манбаларнинг минимал қўмагига (HEAL LINK – фақат битта штат бирлигига эга) таянган ҳолда кутубхоначининг фаоллиги ва ташабbusкорлиги орқали нималарга эришиш мумкинлигини кўрсатиш мумкин. Консорциум раҳбарияти ICOLC ва бошқа халқаро ташкилотлар билан учрашувларда қатнашишдан ўзларига фойда чиқариб оладилар. Бу ҳақдаги тўлиқ маълумотни <http://leykada.physics.auth.gr> саҳифасидан олиш мумкин.

**7. ELNET.** ELNET консорциум – бу 1996 йилда нотижорат нодавлат ташкилот сифатида ташкил қилинган Эстония Кутубхоналари тармоғи бўлиб, кутубхоналарнинг автоматлаштиришга бўлган талабини қондиришга йўналтирилгандир. Консорциум аъзолари 4 та академик кутубхоналар,

миллий кутубхона, санъат академияси кутубхонаси, мусиқа академияси кутубхонаси ва адабиётлар музейи кутубхоналари ҳисобланадилар. Бу консорциум Очиқ Жамият Институти билан ҳамкорликда 1998 йилданоқ электрон нашрларни сотиб олиш бўйича ишларни амалга ошира бошлади ва EBSCO шартномасига қўшилди. Иқтисодий шароитлари унчалик ҳам яхши бўлишларига қарамасдан эстон кутубхоначилари анчагина ютуқларга эришдилар. Улар OSI томонидан берилган ёрдамдан максимал фойдаланишди ва бошқа мамлакатларда шу каби муаммоларга дуч келган кутубхоначилар билан узлуксиз мулоқотда бўлдилар. Бу ҳақдаги тўлиқ маълумотларни <http://www.utlib.ee/elnet> сахифадан олиш мумкин.

**ANKOS.** Анатолиядаги кутубхоналар Университет Консорциуми 39 та Туркия академик кутубхоналарини ўз ичига олади ва тўлиқ университетлар ходимларининг ўз ихтиёрлари билан ёрдам беришларига асосланган. Консорциум фақатгина қўнгиллиларнинг жонбозлиги ва фаоллигига асосланган бўлишига қарамасдан китобхонлар учун журналларнинг 11 та маълумотлар базасини тақдим қилиб катта ютуқларга эришди. Бу маълумотлар базаларини сотиб олиш консорциум аъзолари томонидан молиялаштирилади. ANKOS – Очиқ консорциумдир, яъни агарда кутубхона ANKOS билан ҳеч бўлмаганда битта лицензияланган шартнома тузса, у ҳолда у автоматик равишда консорциум аъзосига айланади. ANKOS Туркиянинг барча университет ва тадқиқотчи кутубхоналарини янги электрон маҳсулотлар ҳақидаги ахборотлар, консорциум таклифлари ва лицензия келишувлари билан таъминлайди ва янги маълумотлар базаси ҳамда электрон журналлар коллекциясини синовдан ўтказишни ташкил қиласди. Консорциум академик раҳбарлиги остидаги унча катта бўлмаган бошқариш қўмитасига эга ва унинг ёрдамида консорциум катта ютуқларга эришмоқда. Бу ҳақдаги тўлиқ маълумотни <http://www.lib.metu.edu.tr/ankos> сахифасидан олиш мумкин.

**Ахборот-ресурслари маркази** - Янги ахборот технологиялари асосида фойдаланувчиларни (аҳоли ва ўқувчиларни) фан, таълим, маданият, бизнес ва бошқа соҳаларга оид ахборотлар билан тезкор (оператив) тарзда таъминлайдиган ва ўқитиши жараёнига ёрдам берадиган марказ.

Ахборот-ресурс марказлари давлат таълим муассасалари ҳузурида ташкил этилиб, ўқувчи ёшларнинг, шунингдек аҳолининг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қаноатлантиришга қаратилган ахборот-кутубхона фаолиятини амалга оширувчи универсал ахборот-кутубхона муассасаси ҳисобланади.



**Автоматлаштирилган кутубхона** - Кутубхона иш жараёнларини дастурий таъминот асосида компьютер техникаси (PC, принтер, сканер ва х.к.) ёрдамида олиб боради ва хизмат кўрсатиш имкониятларини кенгайтиради ҳамда китобхонларга тезкорлик билан хизмат кўрсатишни таъминлайди.

**Электрон кутубхона** – компьютер ресурслардан иборат фонд бўлиб, бу қоғоздаги ҳужжатларни компьютерга конверсия қилиш (рақамлаштириш) йўли билан шаклланади.

**Янги ахборот технологиялари  
(маълумот базалари,  
интернет ресурслари) асосида  
ўқувчи ва аҳолига самарали  
хизмат кўрсатишни ташкил  
қилиш**

**Таълим муассасалари  
ўқувчилари ҳамда аҳолининг  
ахборот технологияларидан  
фойдаланган ҳолда мунтазам  
ҳамда мустақил равиша  
билим олишга қўмаклашиш**

- ўзида  
республика ва  
хориж нашр  
маҳсулотларида

**Илғор технологиялар асосида  
давлатимиз ва жаҳоннинг  
фан, таълим, маданият  
соҳаларига оид ахборот  
ресурсларидан фойдаланган  
ҳолда ўқувчи ва аҳоли  
талабларини тезкорлик билан  
қондириш**


**Аҳоли ва ўқувчиларни  
миллий ва умуминсоний  
қадриятларни англашга  
ёрдам бериш ва  
дунёқарашини  
шакллантириш мақсадида  
АРМ фондини  
фойдаланувчилар эҳтиёжи ва  
таълим муассасаларининг  
талабидан келиб чиқсан  
ҳолда шакллантириш**

### **Ахборот - ресурс марказларида фаолият кўрсатаётган ходимларининг таркибини танлаб олиш мезонлари**

- ✓ Ходимнинг таянч маълумоти ва мутахассислиги;
- ✓ Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа меъёрий хужжатлар бўйича тушунчалари;
- ✓ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июнданги “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-381 сонли ҳамда 2011 йил 23 февралдаги «2011-2015 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари негизида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизматлари кўрсатишни сифат жиҳатидан ривожлантиришни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1487-сон қарорларининг мазмун моҳияти билан таниш эканлиги;

- ✓ Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими марказининг 2006 йил 28 сентябрдаги “Академик лицей ва касб хунар колледжларининг ахборот - ресурс марказлари маълумот базасини самарали ташкил этиш тўғрисида”ги 146-сонли буйрганинг ижросини таъминланганлиги;
- ✓ Ходимнинг замонавий ахборот технология воситаларидан амалда фойдалана олишлиги, ушбу соҳа бўйича тушунчалари;
- ✓ Ахборот - ресурс марказларининг фаолиятини белгиловчи меъёрий ҳужжатлар бўйича назарий ва амалий билимлари;
- ✓ Ахборот - ресурс марказлари соҳасидаги ислоҳотларни билиши ва тушуниши;
- ✓ Ходимнинг ўз хизмат (функционал) вазифалари ва мутахассислик бўйича талабларни билиши;
- ✓ Ахборот - ресурс марказлари фондини бутлаш (комплектлаш), сақлаш ва ҳисоб китобни юритиш қоидаларини, кутубхонашунослик ва библиография назарияларини билиш;
- ✓ Ахборот - ресурс марказлари ишини автоматлаштириш масалаларига муносабати ва бу борада амалга оширилган ишлар;
- ✓ Мехнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги ва ёнғиндан ҳимояланиш қоидаларини билиши;

## Ахборот- ресурс маркази фондини шакллантириш



## Ахборот- ресурс маркази фондининг намунавий таркиби

### Асосий (фундаментал) фонд

- ўзида республика ва хориж нашр маҳсулотларидан иборат бўлган имкон қадар тўла-тўкис ягона фонднинг бир қисми. Унинг таркибида ўта қимматбаҳо ва нодир нашр маҳсулотларидан иборат ноёб адабиётлар фонди ташкил этилиши мумкин

### Ёрдамчи фонд

- ягона фонднинг таркибий қисмидир. Ёрдамчи фонд фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш шаҳобчаларида ташкил қилинади (абонеметларда, ўқув залларида, маълумот-библиографик ва илмий-ахборот, услубий бўлимларда).

### Айирбошлиш фонди

- нашрлар билан ўзаро алмашишга мўлжаланган фонддир. Фонд таълим муассасасининг илмий нуқтаи назаридан салоҳиятли лекин АРМ фойдаланилмаётган, асосий фондан ўtkазилган адабиётлардан иборат нашр маҳсулотларидан ташкил топади. Бошқа АРМга ўtkазилаётганда шартнома асосида ҳисоб-китоб қилинади.

## Ахборот- ресурс марказида ҳужжатларнинг турлари

Ҳужжатларнинг шаклига  
кўра турлари

Ҳужжатларнинг мазмунига  
кўра турлари

Ҳужжатларнинг фойдаланувчилар доираси  
ва мақсадига кўра турлари

Ҳужжатларнинг тилларга кўра турлари

Эслатма: бу ерда ҳужжатларнинг шаклига, мазмунига, хилига ва тилига кўра барча турлари келтирилган. Лекин ахборот- ресурс марказида барча турдаги ҳужжатлар билан ахборот- ресурс маркази фонdlари жамланмайди. Ахборот-ресурс маркази фонdlарининг хизмат кўрсатадиган китобхонлари доирасига тўғри келадиган ҳужжатлардан жамланади.

### Ҳужжатларнинг мазмунига кўра турлари

- табиий-илмий; техника; қишлоқ-хўжалиги; соғлиқни сақлаш; ижтимоий-гуманитар; маданият; фан; маориф; филология фанлари. Бадиий адабиётлар; универсал мазмунли адабиётлар

## Хужжатларнинг шаклига кўра турлари

- китоблар; давомли нашрлар; брошюралар; журналлар; газеталар;

## Хужжатларнинг фойдаланувчилар доираси ва мақсадига кўра турлари

микроафишалар, диапозитивлар, компакт-дисклар, аудиокассеталар.

- **“Расмий хужжатли” хужжатлар:**- қонуний, меъёрий ва директив характердаги хужжатлар киради (давлат раҳбарларининг адабиётлари, давлат қонунлари, қарорлар ва низомлар);
- **Илмий хужжатлар:** - илмий-назарий ёки тажриба-текширишлар ҳакидаги хужжатлар киради (монография, диссертациялар, авторефератлар, илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари ҳақидаги ҳисботлар ва депонирланган илмий ишлар);
- **Илмий - оммабоп хужжатлар:** - фан, маданият ва амалий ахамиятга эга булган маълумотларни ўз ичига олган, мутахассис бўлмаган китобхонларга мўлжалланган хужжатлар. Мазкур нашрлар содда ва тушунарли тилда ёзилганлиги учун улардан кенг китобхонлар оммаси bemalol фойдаланиши мумкин;
- **Ўқув хужжатлари:** - юқори маънавий-ғоявий, илмий, амалий ва услубий савияда ёзилган, намунавий ўқув режасидан жой олган фан (ўқув предмети) дастурининг назарий қисмига тўлиқ мос келувчи ўқув хужжатлар (дарслик, ўқув қўлланмалар ва маъruzалар тўплами);
- **Ишлаб чиқариш хужжатлари:** - ўз ичига технология, техника ва ишлаб чиқаришни ташкил этишга оид маълумотларни олиб, амалий фаолият кўрсатаётган мутахассисларга мўлжалланган хужжатлар (амалий-услубий қўлланмалар, йўриқнома ва услубий кўрсатмалар);
- **Маълумотнома хужжатлар:** - илмий ёки амалий, қийматли қисқа маълумотларга эга бўлган, уларни тез топишга қулай тартибда жойлаштирилган, туташ ва сидирға ўкишга мўлжалланган нашр (луғатлар, энциклопедиялар, библиографик кўрсаткичлар, рефератив кўрсаткичлар, манзиллар китоби ва дайжестлар);

# IV. БҮЛІМ

АМАЛИЙ МАШФУЛОТ  
МАТЕРИАЛЛАРИ

## **1-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ**

<b>Амалий иш мавзуси: Автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимининг ривожланиш тенденциси ва ҳаёт цикли</b>				
<b>Ўқитиши мақсади:</b>	<ul style="list-style-type: none"><li>Биринчи яратилган содда кўринишдаги ахборот кутубхона тизимларининг ҳозирги замонавий автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимлари ўртасидаги фарқни кўрсатиш;</li><li>Тизим доимий ривожланиб туришда муҳтожлигини талабаларга тушунитириш</li></ul>			
<b>Талабалар амалиётидан кутилаётган натижалар:</b>				
<ul style="list-style-type: none"><li>Автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимларининг ривожланиш тенденсиясини айтиб бера олади;</li><li>Бугунги кундаги автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимларига кўйилган талабларини айтиб бера олади;</li><li>Автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимларининг ҳаётий йиклини кўрасата олади;</li></ul>				
<b>Амалий машгулотни тайёрланиши учун топшириқлар:</b>  1-топшириқ. Хорижий ва мамлакатимиз ахборот кутубхона тизимида қўлланилаётган лойиҳаларни таҳлил қилиш;  2-топшириқ. Ахборот-кутубхона муассасаларида хизмат кўрсатиш бўйича инновациялардан самарали фойдаланиш малакаларини таҳлил қилиш  3-топшириқ. Жаҳон ва Ўзбекистон бозорида ахборот кутубхона тизимларга кўйилагн талабларни ўрганиш  4-топшириқ. Жаҳон ва Ўзбекистонда ишлаб чиқилган тизимларни қиёсий таққослаш  5-топшириқ. Индивидуал топшириқ бўйича тизимнинг ҳаёт циклини ишлаб чиқиш				
<i>Назорат шакли:</i>  Кузатув, оғзаки назорат, савол-жавоб шакли, тест	<i>Максимал балл:</i>  1,3 балл	<i>Ўқитувчи имзоси:</i>		

## 2-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ

<b>Амалий иш мавзуси: Ахборот-кутубхона фаолиятига оид норматив хужжатлар таҳлили</b>				
<b>Ўқитиши мақсади:</b>	<ul style="list-style-type: none"><li>• Талабаларга автоматлаштирилган кутубхона тўғрисида асосий тушунчалар, атама ва таърифларни тушунтириб бериш;</li><li>• Ахборот кутубхона фаолиятига оид норматив хужжатлар билан танишиб чиқиш</li></ul>			
<b>Талабалар амалиётидан кутилаётган натижалар:</b>				
<ul style="list-style-type: none"><li>• Талабалар ахборот кутубхона фаолиятига оид барча атамаларнинг моҳиятини тушуниб оладилар;</li><li>• Ахборот кутубхона фаолиятига оид норматив хужжатлар билан танишиб чиқадилар;</li><li>• Автоматлаштирилган ахборот кутубхона муассасасининг ташкилий тузилмасини шакллантириб бера оладилар;</li><li>• Талабалар автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимларида қўлланилган стандартлар ҳақида тасаввурга эга бўладилар.</li></ul>				
<b>Амалий машгулотни тайёрланиши учун топшириқлар:</b>				
1-топшириқ. 2006 йил 20 ийундаги “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги № ПҚ-381 сонли президент қарори билан танишиб чиқиш;				
2-топшириқ. “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги қонун билан танишиб чиқиш				
3-топшириқ. 2006 йил 20 ийундаги “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги № ПҚ-381 сонли президент қарорини бажариш мақсадида маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари томонидан қабул қилинган норматив хужжатларни;				
4-топшириқ.				
5-топшириқ.				
<b>Назорат шакли:</b> Кузатув, оғзаки назорат, савол-жавоб шакли, тест	<b>Максимал балл:</b> 1,3 балл	<b>Ўқитувчи имзоси:</b>		

### **3-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ**

<b>Амалий иш мавзуси: Кутубхона тизимлари эволюцияси</b>		
<b>Ўқитиши мақсади:</b>	<ul style="list-style-type: none"><li>Индивидуал топшириқ бўйича ҳар бир талаба автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимининг ҳаётий циклини шаклантиш бўйича амалий қўнималарни ҳосил қиласидилар</li></ul>	
<b>Талабалар амалиётидан кутилаётган натижалар:</b>		
<ul style="list-style-type: none"><li>Талабалар каталогглаштириш технологиясини анъанавий кутубхона давридан рақамли кутубхона давригача бўлган жараёнда ахборот кутубхона соҳасида бўлган ўзгаришларни ўзлаштирадилар;</li><li>Автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимларида қўлланиладиган ҳалқаро ва маҳаллий стандартлар таҳлил қилинади;</li><li>Ахборот кутубхона муассасасида хужжатнинг ҳаётий цикли қўриб чиқилади;</li></ul>		
<b>Амалий машгулотни тайёрланиши учун топшириқлар:</b>		
1-топшириқ. Автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимининг эволютсион тузилмасини шаклантириш (Анъанавий кутубхона, Автоматлаштирилган ахбороткутубхона тизими, Автоматлаштирилган ахбороткутубхона тизими локал тармоқда, Автоматлаштирилган ахбороткутубхона тизими интернет тармоғида, электрон кутубхоналар);		
2-топшириқ. Автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимларида қўлланиладиган ҳалқаро ва маҳаллий стандартлар таҳлил қилинади		
<i>Назорат шакли:</i> Кузатув, оғзаки назорат, савол-жавоб шакли, тест	<i>Максимал балл:</i> 1,3 балл	<i>Ўқитувчи имзоси:</i>

## **4-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ**

**Амалий иш мавзуси: Жаҳон ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқарилган автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимларининг таҳлили**

<b>Ўқитиши мақсади:</b>	<ul style="list-style-type: none"><li>Талабалар, жаҳон ва Ўзбекистон Республикаси миқёсида ишлаб чиқарилган автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимларини турли параметрлари бўйича таққослаб чиқадилар</li></ul>
-------------------------	--

**Талабалар амалиётидан кутилаётган натижалар:**

- Талабалар, жаҳон ва Ўзбекистон Республикаси миқёсида ишлаб чиқарилган автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимларини турли кўрсаткичларини ва ҳаётий циклини таҳлил қиласидилар;
- Индивидуал топшириқ бўйича турли автомалаштирилган ахборот кутубхона тизимларининг параметрлари ўзлаштирилади;
- Чет эл ва маҳаллий ахборот кутубхона тизиалри солиштирилади;
- Автоматлаштирилган ахборот кутубхона муассаса типига кўра жорий қилиниши мумкин бўлган тизимлар танланади

**Амалий машгулотни тайёрланиши учун топшириқлар:**

1-топшириқ. Ўзбекистон Республикаси миқёсида ишлаб чиқарилган автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимларини турли кўрсаткичлари бўйича таҳлили (АРМАТ, КАДАТА);

2-топшириқ. Жаҳон миқёсида ишлаб чиқарилган автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимларини турли кўрсаткичлари бўйича таҳлили (ИРБИС, КОНА, МАРК-SQL);

3-топшириқ. Жаҳон ва Ўзбекистон Республикаси миқёсида ишлаб чиқарилган автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимларини турли кўрсаткичлари бўйича ўзаро солиштириш;

4-топшириқ. Автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимларини ахборот кутубхона типологияси бўйича тақсимлаш.

<b>Назорат шакли:</b> Кузатув, оғзаки назорат, савол-жавоб шакли, тест	<b>Максимал балл:</b> 1,3 балл	<b>Ўқитувчи имзоси:</b>
---	-----------------------------------	-------------------------

## **5-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ**

<b>Амалий иш мавзуси: Автоматлаштирилган ахборот кутубхона муассасасининг ташкилий тузилмаси</b>		
<b>Ўқитиши мақсади:</b>	<ul style="list-style-type: none"><li>• Автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимини ахборот кутубхона бошқарувига таъсири ўрганиш</li></ul>	
<b>Талабалар амалиётидан кутилаётган натижалар:</b>		
<ul style="list-style-type: none"><li>• Талабалар ахборот кутубхона муассасасига автоматлаштирилан ахборот кутубхона тизими жорий қилинганидан сўнг ташкилий тузилма ўзгаришини тахлил қиладилар;</li><li>• Автоматлаштирилган ахборот кутубхона муассасасининг ташкилий тузилмасини шакллантира оладилар;</li><li>• Автоматлаштирилган ахборот кутубхона муассасасининг ташкилий тузилмасига қўра ҳар бир ҳодимнинг функциялари кўрсатилади;</li></ul>		
<b>Амалий машгулотни тайёрланиши учун топшириқлар:</b>		
1-топшириқ. Автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимининг ахборот кутубхона муассасасининг бошқарувига таъсирини ўрганиб чиқиш;  2-топшириқ. Автоматлаштирилган ахборот кутубхона муассасасининг ташкилий тузилмасини шакллантириш;  3-топшириқ. Автоматлаштирилган ахборот кутубхона муассасасининг ташкилий тузилмасига қўра ҳар бир ҳодимнинг функциялари кўрсатиб бериш;		
<i>Назорат шакли:</i>  Кузатув, оғзаки назорат, савол-жавоб шакли, тест	<i>Максимал балл:</i>  1,3 балл	<i>Ўқитувчи имзоси:</i>

## 6-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ

<b>Амалий иш мавзуси: Автоматлаштирилган ахборот кутубхона муассасасининг кадр таъминоти</b>				
<b>Ўқитиши мақсади:</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Талабаларга Кадрлар таъминоти Кадрлар таъминоти ташкилий таъминотнинг ажралмас мухим қисми эканлигини тушунтириб бериш</li> <li>• Автоматлаштирилган ахборот кутубхона муассасаси кадр таъминотига қўйилган талабларни ўрганиш</li> </ul>			
<b>Эсламма</b>	<p><b>Кадрлар таъминоти</b> – (КТ) АҚ фаолиятини таъминловчи ходимлар мажмуи, кадрлар таркиби малакасини турли таъминот кўринишлари (техник, ахборот ва дастурий таъминотлар) га мос ҳолда ошириб туришга мўлжалланган тадбирлар. Кадрлар таъминоти яна ўз ичига кутубхоначилар тайёрлаш ва уларнинг малакаларини ошириш, АҚ дан фойдаланишининг замонавий усулларини ўқитиши ҳам олади. Кутубхоналарни автоматлаштириш кутубхоначилар хизмат вазифалари йўриқномаларига жиддий тузатишлар киритиш ва кадрлар малакасини янги технологиялар асосида оширишни талаб қиласди. Кадрлар таъминоти ўз ходимларидан АҚ талаблари ва эҳтиёжлари асосида таълим олишни тақозо қиласди.</p>			
<p><b>Талабалар амалиётидан қутилаётган натижалар:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Талабалар автоматлаштирилган ахборот кутубхона муассасасининг ходимларига қўйилган талабларни ўрганиб чиқиши малакасига эга бўладилар;</li> <li>• Замонавий ахборот кутубхона ҳодими малакасига қўйилган талабларни ўрганиб чиқадилар;</li> <li>• Автоматлаштирилган ахборот кутубхона муассасасининг ташкилий тузилмаси асосида ҳар бир ҳодимнинг функционал мажбуриятини ишлаб чиқадилар;</li> </ul>				
<p><b>Амалий машгулотни тайёрланиши учун топшириқлар:</b></p> <p>1-топшириқ. Замон талаблари асосида кутубхона кадрлари малакасини ошириш, касбий кутубхона таълими тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;</p> <p>2-топшириқ. Бугунги кундаги ахборот кутубхона муассасаларининг кадр таъминотини тахлил қилиш;</p> <p>3-топшириқ. Кутубхоналар учун кадрлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш учун талаб ва таклифлар ишлаб чиқиш;</p>				
<b>Назорат шакли:</b> Кузатув, оғзаки назорат,	<b>Максимал балл:</b> 1,3 балл	<b>Ўқитувчи имзоси:</b>		

савол-жавоб шакли, тест		
-------------------------	--	--

## 7-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ

**Амалий иш мавзуси: Автоматлаштирилган ахборот қутубхона тизимида автоматлаштирилган иш жойларини ташкил этиш**

<b>Ўқитиши мақсади:</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Талабаларга автоматлаштирилган ахборот қутубхона тизимининг автоматлаштирилган иш жойларини ташкил қилиш бўйича амалий кўникмаларни ҳосил қилиш</li> </ul>
-------------------------	---

**Талабалар амалиётидан кутилаётган натижалар:**

- Талабалар автоматлаштирилган ахборот қутубхона тизимининг 5 та автоматлаштирилган иш жойларининг функциялари билан танишиб чиқадилар;
- Талабалар ахборот қутубхона тизимида автоматлаштирилган иш жойларини ташкил этишни ўрганадилар;
- Ахборот қутубхона тизимининг тизим бошқарувчисининг бошқа функцияларини ўрганадилар;

**Амалий машгулотни тайёрланиши учун топшириқлар:**

1-топшириқ. Автоматлаштирилган ахборот қутубхона тизимининг асосий вазифалари;

2-топшириқ. Атлаштирилган ахборот қутубхона тизимида муассасани рўйхатга олиш ва маълумотлар базасига боғлаш.

3-топшириқ. Автоматлаштирилган ахборот қутубхона тизимида каталоглаштирувчининг автоматлаштирилган иш жойини ташкил этиш ва маълумотлар базасига боғлаш;

4-топшириқ. Автоматлаштирилган ахборот қутубхона тизимида қутубхоначининг автоматлаштирилган иш жойини ташкил этиш ва маълумотлар базасига боғлаш;

<b>Назорат шакли:</b>	<b>Максимал балл:</b>	<b>Ўқитувчи имзоси:</b>
-----------------------	-----------------------	-------------------------

Кузатув, оғзаки назорат,  
савол-жавоб шакли, тест

## **8-АМАЛИЙ МАШФУЛОТ**

<p><b>Амалий иш мавзуси: Автоматлаштирилган ахборот қутубхона муассасасида электрон хужжат алмашинув дастурий воситасини қўллаш</b></p>				
<b>Ўқитиши мақсади:</b>	<ul style="list-style-type: none"><li>• Талабаларга автоматлаштирилган ахборот қутубхона муассасаларида электрон хужжат алмашинуви тўғрисида маълумот бериш;</li></ul>			
<p><b>Талабалар амалиётидан қутилаётган натижалар:</b></p>				
<ul style="list-style-type: none"><li>• Талабалар ахборот қутубхона муассасасига хужжатларни қабул қилиш жараёнини ўрганадилар;</li><li>• Хужжатнинг ҳаётий цикли ўрганиб чиқилади;</li><li>• Автоматлаштирилган ахборот қутубхона муассасасида ахборот алмашинув жараёни ҳақида тушунчага эга бўладилар;</li></ul>				
<p><b>Амалий машгулотни тайёрланиши учун топшириқлар:</b></p> <p>1-топшириқ. Ахборот қутубхона муассасасига қабул қилинган хужжатларни рўйхатга олиш жараёнини автоматлаштирилган ахборот қутубхона тизимида амалга ошириш;</p> <p>2-топшириқ. Хужжатнинг ҳаётий циклини схема кўринишда тасвирлаб чиқиш;</p> <p>3-топшириқ. Ахборот қутубхона муассасасининг ахборот моделини ишлаб чиқиш;</p>				
<b>Назорат шакли:</b> Кузатув, оғзаки назорат, савол-жавоб шакли, тест	<b>Максимал балл:</b> 1,3 балл	<b>Ўқитувчи имзоси:</b>		

## **9-АМАЛИЙ МАШФУЛОТ**

<p><b>Амалий иш мавзуси: Замонавий ААКМларини бошқарувининг модели (АҚШ, Корея ва Германия мисолида)</b></p>		
<b>Ўқитиши</b>	<ul style="list-style-type: none"><li>• Замонавий ААКМларини бошқарувининг</li></ul>	

<i>мақсади:</i>	моделини ўрганиб чиқиш			
<b>Талабалар амалиётидан кутилаётган натижалар:</b>				
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Талабалар ривожланган мамлакатларнинг ахборот кутубхона фаолияти бўйича олиб бораётган сиёсати ҳақида ҳабардор бўладилар;</li> <li>• Ривожланган мамлакатларнинг автоматлаштирилган кутубхона бошқарув моделини ўрганиб чиқадилар;</li> <li>• Ахборот кутубхона муассасасига замонавий технологияларни жорий қилишни ўрганадилар;</li> </ul>				
<b>Амалий машгулотни тайёрланиши учун топшириқлар:</b>				
<p>1-топшириқ. Ривожланган мамлакатларнинг ахборот кутубхона фаолияти бўйича олиб бораётган сиёсатини таҳлил қилиш;</p> <p>2-топшириқ. Ривожланган мамлакатларнинг автоматлаштирилган кутубхона бошқарув моделини ўрганиб чиқиш ва фикр-мулоҳазалар билдириш;</p> <p>3-топшириқ. Автоматлаштирилган ахборот кутубхона муассасасига жорий қилиш мумкин бўлган замонавий ахборот коммуникация технологияларни таҳлил қилиш;</p>				
<i>Назорат шакли:</i> Кузатув, оғзаки назорат, савол-жавоб шакли, тест	<i>Максимал балл:</i> 1,3 балл	<i>Ўқитувчи имзоси:</i>		

## 1-ЛАБОРАТОРИЯ МАШГУЛОТИ


**Лаборатория иш мавзуси: Автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимида администраторнинг автоматлаштирилган иш жойи функциялари**

**Ўқитиши мақсади:**

- Автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимида тизим бошқарувчисининг мажбуриятларини ўрганиш

**Лаборатория ишини амалга ошириши тартиби:**

1. Тизимни компьютерга ўрнатиш;
2. Тизимни ишга тушуриш 1-расм;



**1-расм**

3. Тизим бошқарувчиси (Администратори)нинг АИЖга кириши (логин: admin; пароль:11) 2-расм;

The left window is titled 'Avtorizatsiya'. It has two input fields: 'Login:' containing 'admin' and 'Parol:' containing '11'. Below the fields are two buttons: 'Unutdingizmi?' and 'Kirish ». Underneath is a 'Menu' section with 'Qidirish' and 'Kengaytirilgan qidirish' options.

The right window is titled 'Boshqaruvchi'. It shows a user 'admin' with a 'Chiqish »' link next to it. Below is a 'Menu' section with the following items:

- Sozlash
  - Maydonlar
  - Nazorat maydonlari
  - Kiritish shakllari
  - Qidirish shakllari
  - Muassasalar
  - Ma'lumotlar bo'limi
  - Ma'lumotlar bazasi
  - Foydalanuvchilar
- Ma'lumotnomalar
- Export
- Qidirish
- Kengaytirilgan qidirish

**2-расм**

4. Тизим бошқарувчисининг меню қатори билан танишиб чиқиши;
5. Ҳар бир меню банди ҳақида қисқа тавсиф ёзиб чиқиши

## 2-ЛАБОРАТОРИЯ МАШГУЛОТИ

<b>Лаборатория иш мавзуси: Автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимини муассасага мослаштириш</b>	
<b>Ўқитиши мақсади:</b>	<ul style="list-style-type: none"><li>• Талабаларга автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимини муассасага мослаштиришни ўргатиш</li></ul>
<b>Лаборатория ишини амалга ошириши тартиби:</b>	
Тизимни	
<b>Лаборатория ишини амалга ошириши тартиби:</b>	
<ol style="list-style-type: none"><li><i>1. Тизимни ишга тушуриш;</i></li><li><i>2. Тизим каталоглаштирувчисининг автоматлаштирилган иш жойига кириш (логин:cat; пароль:11)3-расм;</i></li></ol>	
 <p>3-расм</p> <ol style="list-style-type: none"><li><i>3. Тизим каталоглаштирувчисининг автоматлаштирилган иш жойида маълумотномалар бандида муассасага тегишли маълумотномаларни тўлдириб чиқиши 4,5-расмлар;</i></li></ol>	

**ARMATU**

Ishchi sahifa: Jurnal yoki gazetaning ▾

**Kataloglashtiruvchi**

Katalogizator Chiqish ▾

**Menu**

- Kataloglashtirish
- Avtoritet fayllar
- Ma'lumotnomalar**
- Elektron katalog
- Kitobxonlar
- Tahrirlash
- Import
- Qidirish
- Kengaytirilgan qidirish

**Ma'lumotnomalar**

Kod	Nomi
fanlar	Fanlar
inv_base	Fond nomlari
r_faculty	Kitobxonlar fakultetlari
r_group	Kitobxonlar guruhlari
r_kafedra	Kitobxonlar Kafedrasi

**4-pacm**

**Ma'lumotnomalar**

Kod	Nomi
fanlar	Fanlar
inv_base	Fond nomlari
r_faculty	Kitobxonlar fakultetlari
r_group	Kitobxonlar guruhlari
r_kafedra	Kitobxonlar Kafedrasi

**5-pacm**

### 3-ЛАБОРАТОРИЯ МАШГУЛОТИ

#### **Лаборатория иш мавзуси: Автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимида маълумотлар базасини муассасага боғлаш**

##### **Ўқитиши мақсади:**

- Талабаларга Автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимида маълумотлар базасини муассасага боғлаш бўйича амалий қўникмани ҳосил қилиш

##### ***Лаборатория ишини амалга ошириши тартиби:***

- 1. Администраторнинг АИЖ жойига кириш;***
- 2. Администратор менюсининг муассасалар бандига кириб янги муассасани қўшиши 6-расм***

Muassasalar		
Kod	Nomi	Kengaytirilgan nomi
1	arm	Axborot-resurs markazi

Yangi foydalanuvchi qo'shish

Nomni  
Kengaytirilgan nomi  
Nomni (rus)  
Kengaytirilgan nomi (rus)  
Tegishli tashkilot nomi

**6-расм**

- 3. Администратор менюсининг маълумотлар базаси бандига кириб янги база қўшиши 7-расм***

Ma'lumotlar bazasi(Kataloglar) bo'limi			
Kod	Kalit so'z	Nomi	Tip
1	arm	Axborot-resurs markazi	Kitobxonga ochiq

Yangi katalog qo'shish

3 Kalit so'z  
4 Muassasa  
5 Qo'shish

Nomni  
Tip  
Muassasa  
Axborot-resurs markazi

**7-расм**

## 4-ЛАБОРАТОРИЯ МАШГУЛОТИ

### Лаборатория иш мавзуси: Автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимида фойдаланувчи (ҳодим) ларни рўйхатга олиш ва муассасага боғлаш

Ўқитиши  
мақсади:

- Талабаларга автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимида фойдаланувчи (ҳодим) ларни рўйхатга олиш, уларга алоҳида логин ва парол бериш ва муассасага боғлаш кўникмасини ҳисил қилиш

*Лаборатория ишини амалга ошириши тартиби:*

- Администраторнинг АИЖ жойига кириши;*
- Администратор менюсининг фойдаланувчилар бандига кириб янги ҳодимни киритиши қўшиши 8-расм*

Kod	Login	Foydalanuvchi	Tipi	Muassasa
1	admin	admin	Boshqaruvchi	arm
2	cat	Katalogizator	Kataloglashtiruvchi	arm
3	bibl	Kutubxonachi	Kutubxonachi	arm
4	comp	Butlovchi	Komplektator	arm

*8-расм*

## 5-ЛАБОРАТОРИЯ МАШГУЛОТИ

### **Лаборатория иш мавзуси: MARC21 асосланган метамаълумотларни қўшиш**

**Ўқитиши  
мақсади:**

- Талабаларда MARC21 асосланган метамаълумотларни қўшиш бўйича амалий қўникмаларни ҳосил қилиш

*Лаборатория ишини амалга ошириши тартиби:*

- 1. Администраторнинг АИЖ жойига кириш;*
- 2. Администратор менюсининг майдонлар бандига кириб янги майдонни қўшиши тугмаси босилади 9-расм*
- 3. Очилган майдон керакли маълумотлар билан тўлдирилади (киритилаётган майдон библиографик ёзувларнинг коммуникатив формати (UZMARC, MAR21, UNIMARC)га мос келиши керак)*

The screenshot shows a user interface for managing library catalog records. On the left, there is a sidebar with a user profile ('Boshqaruvchi admin Chiqish') and a 'Menu' section containing various options like 'Sozlash', 'Maydonlar', 'Nazorat maydonlari', etc. The 'Maydonlar' option is highlighted with a red box. The main area is a table with columns: Kod, Maydon, Qism, Tartib, Maydon, Qism, and Nomii(uzb). A red box highlights the 'Yangi maydon qo'shish' button at the top right of the table area. To the right of the table, there is a detailed form for adding a new record, which includes fields for 'Maydon' (Record), 'Tartib' (Order), 'Nomii(uzb)' and 'Nomii(rus)', 'Takrorlanish soni' (Repetition count), 'Maydon tipi' (Record type), 'Uzunligi' (Length), 'Jimlik holatidagi qiymati?' (Current status question), 'Kiritish majburiyimi?' (Mandatory entry question), 'Export/Import' (Export/Import), and 'Yordamchi so'z(uz)' (Helpful word). At the bottom of this form are buttons for 'Qaytish' (Return), 'Qo'shish' (Add), and 'Tozalash' (Clear).

*9-расм*

## 6-ЛАБОРАТОРИЯ МАШГУЛОТИ

### **Лаборатория иш мавзуси: MARC21 асосланган ишчи саҳифаларни шакллантириш**

<b>Ўқитиши мақсади:</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Талабаларга MARC21 асосланган ишчи саҳифаларни шакллантиришни ўргатиш</li> </ul>
<b>Эслатма</b>	<p><b>Ишчи саҳифа</b> – автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимиға маълумотларни киритишда киритилаётган ресурснинг турига мўлжалланган метамаълумотлар тўплами.</p>

#### ***Лаборатория ишини амалга ошириш тартиби:***

- 1. Администраторнинг АИЖ жойига кириш;**
- 2. Администратор менюсининг киритиши шаклари бандига кириб янги майдонни қўшиши тугмаси босилади 10-расм**

#### ***10-расм***

- 3. Очилган ойнада керакли майдонларга белги қўйилади ва қўшиши тугмаси босилади 11 расм**

Maydonlarni tahriflash			
X	Maydon	Qism	Jimlik holatidagi qiymati
	001		Nazorat raqami
	005		Osiрги марта тузатиш киртилган сана
	007		Ko‘datshirilayotgan ma‘lumotlar (fz. Tavsiy.)
	5	A	Fakultet
	6	A	Kurs
	7	A	Guruh
	020	Z	Bekor qilingan/ xato ISBN
<input checked="" type="checkbox"/>	020	A	ISBN indeksi
<input checked="" type="checkbox"/>	020	C	Narxi (so‘m)
<input checked="" type="checkbox"/>	020		ISBN indeksi
	8	A	Passport raqami
	9	A	Teléfono raqami
	013	P	Yaratilishda qamashuvchi
	013	E	Patent statusi
	013	C	Patent tpi
	013	B	Mamlakat kodи
	013		Patent hujatining nomeri
	013	A	Patent hujatining nomeri
	013	D	Berilgan sana (ggggmmdd)
	015	2	Nomer manbal
	015	A	Milli bibliografiyaligida nomeri
	016	A	Yozuvchining nazorat raqami
	016		Nazorat nomerining tashkilotmanbal
	016	B	Maydon aloqasi va uning tartib nomeri
	016	Z	Bekor qilingan/xato nazorat nomeri
	017	I	Tushunishish matni /Kiritish so‘zi
	017	D	Muallif huquqini ro‘yxatiga olish sanasi
	017	B	Nomer berigan tashkilot
	017	6	Aloqa
	017	A	Davlat tomonidan hisobga olish nomeri
	017	8	Maydon bog‘lovchisi va uning tartib nomeri
	017		Nomer manbal
	4	A	Kafedra

#### ***11-расм***

## 7-ЛАБОРАТОРИЯ МАШГУЛОТИ

### **Лаборатория иш мавзуси: АКТда статик маълумотномаларни тўлдириш**

<b>Ўқитиши мақсади:</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Талабаларга АКТда тизим бошқарувчисининг АИЖ да статик маълумотномаларни тўлдириш бўйича амалий қўнималарни ҳосил қилиш</li> </ul>
<b>Эслатма</b>	<p><b>Статик маълумотнома</b> – майдонларга боғланган тизим маълумотномаси (классификатори)га олдиндан тизим бошқарувчиси томонидан киритиб қўйилган маълумотлар. Масалан: мамлакат номлари, тиллар, хужжат тури.</p> <p><b>Динамик маълумотнома</b> - майдонларга боғланган тизим маълумотномаси (классификатори)га маълумот олдинги ресурс ҳақидаги киритилган маълумот асосида кўпайиб боради.</p>

#### ***Лаборатория ишини амалга ошириши тартиби:***

- 1. Администраторнинг АИЖ жойига кириш;***
- 2. Администратор менюсининг маълумотномалар бандига кириб тўлдирилиши керак бўлган маълумотнома танланади 12-расм***

Kod	Nomi	Edit
rbook	Adabiyot razdelli	Edit
book_type	Adabiyot shakli	Edit
publ_conference	Anjuman nashri	Edit
ser_own_form	Asosiy birlik shakli	Edit
BBK	BBK	Edit
astudy	Bilimlar soxasi	Edit
ser_unit_form	Birlik shakli	Edit
munit	Birlik shakli (Musiqiy asar)	Edit
regl	Davomiyligi	Edit

***12-расм***

- 3. Очилган ойнада маълумотномага қўшилиши керак бўлган янги маълумот киритилади ва қўшиши тугмаси босилади 13-расм***

(Bilimlar soxasi)

Kod	Nomi	Nomi (ruscha)		
014	Adabiyotshunoslik			
016	Din	Религия		
017	Falsafa			
006	Iqtisod	Экономика		
011	Kutubkhonashunoslik va muzej ishi			
008	Madaniyat	Культура		
019	Malumotnomalar	Справочники		
009	Ommavij akhborot vositalari			
018	Psikholigiya			
001	Qishloq kho'zhaligiga oid			

Yangi ma'lumotnoma qo'shish

Kod  
Nomi  
Nomi (ruscha)  
Tartib

**13-расм**


## 8-ЛАБОРАТОРИЯ МАШГУЛОТИ

### **Лаборатория иш мавзуси: АКТда Иерархик маълумотномаларни тўлдириш**

<b>Ўқитиши мақсади:</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Талабаларга АКТда Иерархик маълумотномаларни тўлдириш бўйича амалий кўникмаларни ҳосил қилиш;</li> </ul>
<b>Эслатма</b>	<b>Иерархик маълумотнома</b> – майдонларга боғланган тизим маълумотномаси шажара (иерархик) кўринишида бўлади. Масалан: Фанлар, илмий техникавий ахборот рубрикатори.

***Лаборатория ишини амалга ошириш тартиби:***

- 1. Администраторнинг АИЖ жойига кириш;***
- 2. Администратор менюсининг маълумотномалар бандига кириб Фанлар маълумотномаси танланади 12-расм***
- 3. Очилган ойнада киритилиши керак бўлган янги маълумот кўшилади ва керакли шажара танланади 14-расм***



*14-расм*

## 9-ЛАБОРАТОРИЯ МАШГУЛОТИ

**Лаборатория иш мавзуси: Библиографик ёзувларни ташқи муҳитга  
экспорт/import ни амалга ошириш**

<b>Ўқитиши мақсади:</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Замонавий ААКМларини бошқарувининг моделини ўрганиб чиқиш</li> </ul>
<b>Эслатма</b>	Тизимда экспорт жараёнини тизими ичida (бир маълумотлра базасида иккинчисига) ва тизимдан ташқари (бир тизимдан бошқа тизимга) га амалга ошириш имконияти мавжуд.

**Лаборатория ишини амалга ошириши тартиби:**

- Администраторнинг АИЖ жойига кириш;*
- Администратор менюсининг Export бандига кириб экспорт тугмаси босилади ва тизимдан ташқарига чиқарилиши керак бўлган библиографик ёзувларнинг диапазони қўрсатилади 15-расм*

**EK ni export qilish**

Yozuv diapozoni  dan  gacha

MARC21 formatida, Windows kodirovkada

Nusxalarni Export qilish

To'liq matnlarni Export qilish (Fayllar ..//www/work\_dir/[SIZNI\_LOGIN]/katalogiga joylashtiriladi)

**Ko'chirish**

0%

### 15-расм

3. Каталоглаштирувчининг меню қаторидаги импорт тугмаси босилади ва “Обзор” тугмасини босиб, ИСО файлга йўл кўрсатилади 16-расм

**EK ga import qilish**

ISO-2709 file: Выберите файл Файл не выбран

Elektron katalog: Axborot-resurs markazi

MARC21 formatida, Windows kodirovkada  
 MARC21 formatida (RAKM yozuvlari)  
 UNIMARC formatida, Windows kodirovkada

KARMAT fayllariga yo'l:  (Masalan: c:/files/)

RAKM to'liq matnlariga yo'l:  (\*pdf ▾) (Masalan: c:/files/)

IRBIS bazasiga yo'l:  (Masalan: c:/ibris/data/ibis/)

0%

**Ko'chirish**

### 16-расм

## 1-ЛАБОРАТОРИЯ МАШГУЛОТИ

**Лаборатория иш мавзуси: Ташқи муҳитга export қилинган библиографик ёзувлар (ISO файллар)ни таҳлил қилиш**

<b>Ўқитиши мақсади:</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимида тизимида маълумот алмашиш принципини тушуниш, ИСО файлларни стандартлар асосида шифрлаш алгоритмини тушуниш</li> </ul>
-------------------------	---

**Лаборатория ишини амалга ошириши тартиби:**

6. АРМАТ дастуридан МАРК21 формати асосида юклаб олинган ИСО файл NOTEPAD++ ёки шу каби матн таҳирловчи дастурда очи олинади;
7. ИСО файл таркибидаги ҳар бир библиографик ёзув ажратиб олинади;
8. Ажратиб олинган библиографик ёзув ЎзДСТ 2785:2013 давлат стандарти асосида таҳирланади;
9. Таҳирланган библиографик ёзув маҳсус жадвалга жойлаштирилади

**Мисол: қуийидаги библиографик ёзувни жадвал кўринишига келтиринг**

00974nam 220024100045  
 02000220000004100080002208000140003009000150004410000230005924500380008226000390012030  
 00010001595200387001697000020005567000026005768500009006029200008006119270006006190010  
 02200625005002400647900005200671002001000723- a978-9943-10-465-5- auzb- a902 (075)- a63.4xE  
 18- aEgamberdieva N. A.- aArxeologiyabo`quv qo`llanmah001- aToshkentbFan va texnologiyac2011- -  
 a176 b- aO`quv qo`llanmada ibtidoiy davr makonlari, qishloqlar va shaharlarningshakllanish, rivojlanish  
 jarayonlari, o`rtaslar davrining moddiymadaniyat yodgorliklari va ularning o`rganilish tarixi bayon  
 qilingan.Keyingi yillarda arxeologiya sohasida qoiga kiritilgan yutuqlar toMiqo`z aksini topgan.  
 Shuningdek, har bir arxeologik davming o`ziga xosxususiyatlari izchil yoritib berilgan.- e675aAsqarov A.-  
 e675aSagdullaev A. S.- asarq- alat- a2- 0UZ/CR/04400000314- 02014-10-13 16:44:07-

MARC формати бо`yich maydon kodi	Metama'lumot nomi	Ma'lumot
020	ISBN raqami	978-9943-10-465-5
041	Nashr tili	uzb
080	BBK	902 (075)
090	Asosiy rubrikator shifri	a63.4 xE 18
100	Muallif	Egamberdieva N. A.
245	Asosiy sarlavha	aArxeoliya bo`quv qo`llanma h001
260	Chiqish ma'lumotlari	aToshkent bFan va texnologiya c2011
300	Fizik tavsif	a176 b
520	Annotatsiya	O`quv qo`llanmada ibtidoiy davr makonlari, ....
700	Boshqa mualliflar	aAsqarov A.
850	Hujjat egasi	asarq
920	Hujjat tili	alat
927	Hujjat formati	a2
001	Nazorat raqami	0UZ/CR/04400000314
005	Kiritilgan vaqt	02014-10-13 16:44:07
900	To`liq matn	a1;308_310_sarq- 0041.pdf;6611629;application/p df
002	Ishchi saxifa	apazk

## 2-ЛАБОРАТОРИЯ МАШГУЛОТИ

**Лаборатория иш мавзуси: Автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимини жорий қилиниётган объектнинг ахборот моделини шакллантириш**

<b>Ўқитиши мақсади:</b>	<ul style="list-style-type: none"><li>• Автоматдаштирилшган ахборот кутубхона муассасасининг ахборот моделини шакллантириш</li></ul>
<p><i>Лаборатория ишини амалга ошириши тартиби:</i></p> <ol style="list-style-type: none"><li><i>Анъанавий кутубхона ахборот моделини тахлил қилиши;</i></li><li><i>Автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимини ахборот кутубхона муассасасининг ахборот моделига таъсирини тахлил қилиши;</i></li><li><i>Автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизими жорий қилингандан ахборот кутубхона муассасасининг ахборот моделини шакллантириши;</i></li></ol>	
<p><i>Объектнинг ахборот модели – объектнинг ахборот оқимининг кириши чиқши ўйларини ўзида акс эттирган ва объектнинг ахборот хусусиятларини ифодаловчи модел. Ахборот модели матн ёки чизма кўринишшида бўлиши мумкин. Одатда автоматлаштирилган ахборот тизимларида автоматик тарзда айланадиган ахборот йўли кўрсатилади.</i></p>	

## 3-ЛАБОРАТОРИЯ МАШГУЛОТИ

**Лаборатория иш мавзуси: Автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимини жорий қилишда иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаб чиқиши**

<b>Ўқитиши мақсади:</b>	<ul style="list-style-type: none"><li>• Талабаларга Автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимини жорий қилишнинг иқтисодий самарадорлигини ўргатиши</li></ul>
<p><i>Лаборатория ишини амалга ошириши тартиби:</i></p> <ol style="list-style-type: none"><li><i>Ахборот кутубхона муассасасининг иқтисодий-молиявий кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилади;</i></li><li><i>Моддий техник базасига баҳо берилади;</i></li><li><i>Электрон каталог ва электрон кутубхона ташкил этишининг молиявий кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилади;</i></li></ol>	

- |   |
|---|
| <p><b>7. Электрон каталог ва электрон кутубхона ташкил этиши имконияти баҳоланади;</b></p> <p><b>8. Автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимнинг ҳаётий цикли ўрганиб чиқилади;</b></p> <p><b>9. Автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимини жорий қилиши бўйича тегишили холосалар чиқилади.</b></p> |
|---|

#### **4-ЛАБОРАТОРИЯ МАШҒУЛОТИ**

<p><b>Лаборатория иш мавзуси: Автоматлаштирилган ахборот кутубхона муассасасининг функционал тузилмасини шакллантириш</b></p>	
---	--

<p><b>Ўқитиши мақсади:</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизими жорий қилинаётган муассасасининг хар бир элементини аниқ бажарадиган функциясини ўрганиб чиқиш</li> </ul>
--------------------------------	--

**Лаборатория ишини амалга ошириш тартиби:**

3. Функционал тузилма атамасининг мазмун моҳиятини таҳлил қилиш;
4. Функционал тузилмани ташкил этувчи ҳар бир элементнинг хусусиятларини ўрганиб чиқиб таҳлил қилиш;
5. Функционал тузилманинг ҳар бир ташкил этувчисининг бажарадиган вазифасини изоҳлаб бериш;
6. Индивидуал топшириқ бўйича (БМИ мавзуси доирасида) функционал тузилмани ташкил этиш.

<p><i>Назорат шакли:</i></p> <p>Кузатув, оғзаки назорат, савол-жавоб шакли, тест</p>	<p><i>Максимал балл:</i></p> <p>1,3 балл</p>	<p><i>Ўқитувчи имзоси:</i></p>
--	--	--------------------------------

## 5-ЛАБОРАТОРИЯ МАШГУЛОТИ

<p><b>Лаборатория иш мавзуси: автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимининг турли таъминотлари (техник, дастурий, иқтисодий, тил ва ҳоказо)га қўйилган талабларни ишлаб чиқиш</b></p>		
<b>Ўқитиши мақсади:</b>	<ul style="list-style-type: none"><li>Техник топшириқнинг асосий қисми ҳисобланган, тизим ишлаб чиқища турли таъминотларга талаблар бандига мувофиқ индивидуал топшириқлар (БМИ мавзуси доирасида) юзасидан ишлаб чиқилаётган тизимни ҳаётга тадбиқ қилиш бўйича турли таъминотларга қўйилган талабдарни ишлаб чиқиши.</li></ul>	
<p><b>Лаборатория ишини амалга ошириши тартиби:</b></p>		
4.	Тизимнинг ахборот ва тил таъминотига қўйилган талабларни тахлил қилиш ва индивидул топшириқ бўйича талаб ишлаб чиқиши;	
5.	Тизим бажарадиган функцияларига қўйилган талабларни тахлил қилиш ва индивидул топшириқ бўйича талаб ишлаб чиқиши;	
6.	Тизим ташкилий тузилмаига қўйилган талабларни тахлил қилиш ва индивидул топшириқ бўйича талаб ишлаб чиқиши;	
7.	Тизим кадр таъминотига қўйилган талабларни тахлил қилиш ва индивидул топшириқ бўйича талаб ишлаб чиқиши;	
8.	Тизимда ахборот хавфсизлигига ва бутлигига қўйилган талабларни тахлил қилиш ва индивидул топшириқ бўйича талаб ишлаб чиқиши;	
<i>Назорат шакли:</i> Кузатув, оғзаки назорат, савол-жавоб шакли, тест	<i>Максимал балл:</i> 1,3 балл	<i>Ўқитувчи имзоси:</i>

## 6-ЛАБОРАТОРИЯ МАШГУЛОТИ

<p><b>Лаборатория иш мавзуси: автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимини жорий қилиш учун календар режа ишлаб чиқиш</b></p>	
<b>Ўқитиши мақсади:</b>	<ul style="list-style-type: none"><li>Талабаларда автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимини жорий қилиш учун календар режа ишлаб чиқиш бўйича кўникма ҳосил қилиш</li></ul>
<b>Эсламма</b>	<b>Тизимни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш бўйича календар режа</b> – техник ишчи лойиҳа ва техник

	топшириқнинг иухим қисми ҳисобланиб, бутун лойиҳанинг бажарилиш муддатини ва ечиладиган масалаларнинг умумий ҳажмини ўзида акс эттирган календар режа.
<b>Лаборатория ишини амалга ошириш тартиби:</b>	
Назорат шакли: савол-жавоб шакли	Максимал балл: 1,3 балл
	Ўқитувчи имзоси:

## 7-ЛАБОРАТОРИЯ МАШГУЛОТИ

**Лаборатория иш мавзуси: Автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимини жорий қилингандан сўнг тизимни тестлашга қўйилган талаблар талаблар**

<b>Ўқитиши мақсади:</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Талабалар ишлаб чиқилган ва жорий қилинишга тайёрланган автоматлаштирилган кутубхона тизимини тестлаш бўйича кўникма ҳосил қиласидилар.</li> </ul>
<b>Лаборатория ишини амалга ошириш тартиби:</b>	
Назорат шакли: савол-жавоб шакли	Максимал балл: 1,3 балл
	Ўқитувчи имзоси:

## 8-ЛАБОРАТОРИЯ МАШГУЛОТИ

**Лаборатория иш мавзуси: Индивидуал топшириқ бўйича тақдимот ўтказиш**

<p><b>Үқитиши мақсади:</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Талабаларга, юқорида кўрсатилган лаборатория машғулотларини бажаришда БМИ лари доирасида амалга оширилиши маслаҳат берилган. БМИ доирасида бажарилган индивидуал топшириклар бўйича тақдимот ўказилади ва талабаларнинг БМИ бажарилишининг холати ўрганиб чиқилади;</li> </ul>	
<p><b>Лаборатория ишини амалга ошириши тартиби:</b></p>		
<ol style="list-style-type: none"> <li><i>Индивидуал топшириқ бўйича амалга оширилган ишлар таҳлил қилинади;</i></li> <li><i>Индивидуал топшириқ БМИга мослик дараҷаси изоҳланади</i></li> <li><i>Лабораторияя машғулотлари асосида БМИнинг бажарилган дараҷаси аниқланади;</i></li> <li><i>Индивидуал топшириқ бўйича тақдимот ўтказилади</i></li> </ol>		
<p><i>Назорат шакли:</i> Кузатув, оғзаки назорат, савол-жавоб шакли, тест</p>	<p><i>Максимал балл:</i> 1,3 балл</p>	<p><i>Үқитувчи имзоси:</i></p>

В БҮЛІМ

КЕЙСЛАР БАНКИ

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

— МВБТ НОМИ ТИНГЛОВЧИННИНГ ИСМИ-ШАРИФИ	— ЛОЙИХА НОМИ ИМЗО			
ҚИСҚА МАЗМУНИ	БАЛЛ (MAX)			
<b>ТАШКИЛИЙ ҚИСМ</b>				
Жадваллар учун (ҳар бир жадвал учун 5 баллгача )	25			
Ахборот модели учун (реал боғланганлигини кўрсатиш, тўғри ва тескари)	50			
Ёзувлар сони учун (ҳар бир жадвал учун 10 та ёзув, асосий жадвалда 50 та ёзув)	25			
<b>СИЗ ТЎПЛАГАН БАЛЛ</b>	<b>100</b>			
<b>АМАЛИЙ ҚИСМ</b>				
T.P.	ОПЕРАТОР ТУРИ	СЎРОВ СОНИ (МИН)	ҚИСҚА МАЗМУНИ	БАЛЛ (MAX)
<b>АСОСИЙ ОПЕРАТОРЛАР</b>				
1	INSERT INTO	3	турли типдаги ва бир нечта ёзувларни қўшиш	3
2	SELECT	5	чекланган сондаги ёзувлари чиқариш	3
3	DELETE	2	шарт орқали ўчириш, ҳаммасини ўчириш	2
4	UPDATE	3	турли типдаги ва бир нечта ёзувларни ҳамда ҳаммасмни	2
<b>АМАЛЛАР</b>				
5	МАТЕМАТИК АМАЛЛАР	2	камида иккитаси бирга бўлсин	2
6	МУНОСАБАТ АМАЛЛАР	3	камида иккитаси бирга бўлсин	3
7	МАНТИКИЙ АМАЛЛАР	2	камида иккитаси бирга бўлсин	2
8	АРРАЛАШ	2		3
<b>ОПЕРАТОРЛАР</b>				
9	DISTINCT	2		1
10	WHERE	2		1
11	BETWEEN	2		2
12	IN	2		1
13	LIKE	4	фақат бошидан, охиридан, ихтиёрий жойдан	4
14	ISNULL	2	not билан ҳам	1
15	NOT	3	мураккаб амаллар билан	2
16	ORDER BY	2	ҳамма вариантлар учун	1
17	HAVING	2		2
<b>СТАТИК ФУНКЦИЯЛАР</b>				
18	MAX	1		1
19	MIN	1		1
20	COUNT	1		1
21	SUM	1		1
22	COUNT(*)	1		1
23	AVG	1		1
24	АРРАЛАШ	3		4
<b>ЁРДАМЧИ СЎРОВЛАР (SUBQUERY - ПОДЧИНЕННЫЕ ЗАПРОСЫ) БИЛАН ИШЛАШ</b>				
25	ЁРДАМЧИ СЎРОВЛАР	3	камида 3 та статик функциялар, амаллар, операторлардан фойдаланг	2
26	IN	2		2

27	EXISTS	2			2
28	ANY	2			2
29	ALL	2			2
<b>МАХСУС ОПЕРАТОРЛАР</b>					
30	CAST	1			1
31	CONVERT	2			2
32	CASE	3			4
33	COALESCE	1			2
34	NULLIF	1			1
<b>БОГЛАНИШЛАР</b>					
35	ОДДИЙ	2	барча вариантлар		2
36	INNER JOIN	2			2
37	LEFT OUTER JOIN	2			2
38	RIGHT OUTER JOIN	2			2
39	FULL OUTER JOIN	2	барча вариантлар		2
40	CROSS JOIN	2			2
41	UNION	2			3
<b>ЁЗУВ ФУНКЦИЯЛАРИ</b>					
42	FIRST	1			1
43	UCASE	1			1
44	LCASE	1			
45	UPPER	1			
46	LOWER	1			
47	LAST	1			1
48	MID	1			1
49	SUBSTRING	1			1
50	LEN	1			1
51	NOW	1			1
52	САРЛАВҲАНИ НОМЛАШ	1			2
53	FORMAT	1			1
<b>MS ACCESS ДАН БОШҚА МВБТ ТИЗИМЛАРИ УЧУН</b>					
54	COMMIT	2	камида иккита хар хил сўров		2
55	ROLLBACK	2	камида иккита хар хил сўров		2
56	COMMIT & ROLLBACK	2	камида иккита хар хил сўров		2
57	PROCEDURE	2	камида битта сўровли		2
58	QUERY WITH PROCEDURE	2	камида битта сўровли		2
ЖАМИ	107	СИЗ ТЎПЛАГАН БАЛЛ			100
<b>ИЖОДИЙ ЁНДАШИШ</b>					
Амалий машғулотлар жараёнида топшириқларни бажариб кўрсатиши					100
<b>ЖАМИ БАЛЛ (сўз билан)</b>					
<b>МВ нинг ФАЙЛ НОМИ</b>					

### **Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:**

- Кейсдаги жами 110 та муаммога мос ҳолда МББ шакллантириш ва ишлаб чиқиша компиляция жараёнини мониторинг қилиш ҳар бир вариант билан бажариш йўлларини аниқланг (индивидуал).
- Уларни амалиётда бажариш ва бошқариш имкониятларини кўрсатиб беринг (индивидуал ҳолда).

#### **Амалий топшириқлар**

1. Битта ёзув учтадан кўп блоклар билан боғланган бўлсин. Саралаш алгоритмлари билан ишлашни амалга оширинг. Унда қуйтдагича маълумотлар берилган бўлсин (kangaroo, 17), (wallaby, 21), (emu, 1), (wombat, 13), (platypus, 3), (lion, 8), (warthog, 4), (zebra, 11), (meerkat, 6), (hyena, 9), (hornbill, 2), (baboon, 12).
2. Берилган SQL сўровни реляцион алгебрага ўтказишни бажаринг.

```
select T.branch name  
from branch T, branch S  
where T.assets > S.assets and S.branch city = "Brooklyn"
```

3. Ички такрорланишлар орқали куйидагиларни ёзинг.

**branch(branch name, branch city, assets)**  
**customer (customer name, customer street, customer city)**  
**loan (loan number, branch name, amount)**  
**borrower (customer name, loan number)**  
**account (account number, branch name, balance)**  
**depositor (customer name, account number)**

1. Берилган МБси 10та кам бўлмаган амални бажарадиган транзакция яратинг.
2. Берилган МБсида кетма – кет амалга ошириладиган транзакция яратинг.
3. Берилган МБсида навбатма-навбат амалга ошириладиган транзакция яратинг.
4. Берилган МБсида топологик саралашга асоланган транзакцияни амалга оширишга транзакция яратинг.
5. Транзакция маълумотларини log файларга ёзилганлиги ҳақидаги маълумотларни изоҳланг.

# VI. БҮЛІМ

МУСТАКИЛ ТАЪЛИМ  
МАВЗУЛАРИ

## МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ

№	Мавзулар
1.	Автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимлари ИРБИС, MARC SQL ва РУСЛАН автоматлаштирилган иш жойларининг асосий функциялари
2.	Автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимларида электрон каталогглаштириш.
3.	MARC 21 коммуникатив формати.
4.	UNIMARC ва UZMARC коммуникатив формати.
5.	Ахборот кутубхона фаолиятига оиш норматив ҳужжатлар
6.	Ахборот-кутубхона фаолиятига оид стандартлар.
7.	Ахборот-ресурс марказларининг автоматлаштирилган тизими
8	Автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизимида электрон каталогглаштириш усуллари.
9.	Ахборот-кутубхона муассасаларидан Автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизимларини жорий қилиш
10.	Автоматлаштирилган кутубхонанинг техник таъминоти.
11.	Автоматлаштирилган кутубхонанинг дастурий таъминоти.
12.	Ахборот-кутубхона муассасаларини комплекс автоматлаштириш.
13	Автоматлаштирилган кутубхоналар эволюцияси ва асосий тушунчалар
14	Автоматлаштирилган кутубхоналарнинг ташкилий жиҳатлари
15	Ахборот кутубхона фондига келиб тушаётган ҳужжатларни рўйхатга олиш (фондни комплектлаш)

## ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишини ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра сухбатлари (қўрилаётган лойиха ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хulosалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (loyihalarni echimi bўyicha daliillar va aсосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

# VII. БҮЛІМ

## ГЛОССАРИЙ

## ГЛОССАРИЙ

**Абонент**-кутубхона бошқаруви функцияси бўлиб, у китобхонларга китоб бериш ва қайтариб олишни назорат қиласи. Интеграл кутубхона тизими модуллардан бири ҳисобланади.

**Автоматлаштирилган кутубхона тизими** – асосий кутубхона жараёнларини автоматлаштиришга мўлжалланган тизим.

**Автоматлаштириш(automation)**- жараёнларни амалга ошириш учун автоматлаштириш воситаларини тадбиқ этиш: инсон меҳнати унумдорлигини ошириш мақсадида бу меҳнатнинг бир қисмини ЭҲМ орқали бажариладиган тадбирлар тизими: Бу ишлар замонавий ҳисоблаш техникаси ва илмий усуллардан фойдаланган ҳолда бажарилади.

**Ажратилган линия (LEASED LINE)**-ихтиёрий вақтда ахборот узатиш учун, икки нуқтани номер термасдан боғловчи телефон линияси.

**Амалий дастурлар таъминоти (APPLICATION SOFTWARE)** - Компьютердан фойдаланувчи учун аниқ масалани ечишга мўлжалланган дастур ёки дастурлар мажмуи. Амалий дастурлар таъминотига матнларга ишлов берувчи ва электрон жадваллар дастури мисол бўла олади.

**Асосий тезкор хотира (RAM RANDOM ACCESS MEMORY)**- Оператив ёдда тутувчи мосламалар-шахсий компьютер ишлашининг жорий босқичида ҳисоблаш жараёнида бевосита иштирок этувчи ахборотни (дастур ва маълумотларни) саклаш учун мўлжалланган. Оператив ёдда тутувчи мослама-энергияга боғлиқ хотирадир; энергия таъминоти ўчирилганда унда сақланувчи ахборот йўқолади.

**Библиографик маълумотлар базаси**-кутубхонада сакланётган китоблар, журналлар ва бошқа ҳужжатлар ёзувларидан иборат бўлган маълумотлар базаси.

**Браузер (BROUZER)**- график ва матнли ахборотларни қўриш ва қидиришга мўлжалланган дастурий восита.

**Домен**-Интернетдаги тармоқ ёки компьютер номи, @ белгисидан ўнгда турувчи белгилар йифиндиси. Номларнинг доменли тизими компьютернинг ҳарфлардан иборат номини рақамли адресга айлантириш имконини беради.

**Идентификатор (IDENTIFIER)**- лексик бирлик, тил элементи номи сифатида фойдаланилади; маълумотга бериладиган ном; лотин ҳарфлари ва рақамларидан иборат бўлиб, ҳарфдан бошланади.

**Интеграл схема (CHIP или MICROCHIP)**-кремний пластинаси; электрон таркиби транзистор, диод, резистор ва бошқалардан иборат бўлиб, маълумотларга компьютер ишловини таъминлайди.

**Интернет Промоутери**-Интернет маркетинги билан шуғулланувчи, яъни ахборот маҳсулотлари бозорини ўрганиш орқали реклама тадбирларини ташкил этувчи, каталог ресурслари лойиҳаси ва қидириув тизимларида

сайтларни регистрация қилувчи рекламаларни түғри тарқатувчи, хизматларга вақтингчалик чегирмалар берувчи мутахассис.

**Инtranет (INTRANET)-** Интернет тармоғи маҳсулотлари ва технологияларидан фойдаланувчи ва корпоратив ахборот ресурсларига ўз фойдаланувчиларини киришини таъминловчи тақсимланган (ведомствений) ҳисоблаш тармоғи.

**Каталог-кутубхона** фондидаги барча ҳужжатлар рўйхати. Автоматлаштирилган тизимда библиографик маълумотлар базасини ташкил қиласди.

**Каталоглаштириш (CATALOGIZATION)-**маълумотларни каталогга киритиш; ҳисоблаш техникасида файл ҳақидаги ёки кутубхона ҳақидаги ахборотни киритиш. Кутубхона каталогини яратиш жараёни. Одатда интеграл кутубхона тизими модули ҳисобланади.

**Кириш (Доступ) (ACCESS)-** магнитли ташувчиларда узоқ муддатли сақланаётган маълумотларни қидириб топиш, олиш ва бу маълумотларни электрон хотирага жойлаштириш. Компьютерлар электрон хотирага жойлашган маълумотлар устида операциялар бажара олади.

**Коммуникацион алоқа (COMMUNICATION LINK)-**Икки қурилмани электр ва мантиқий бирлаштириш. Локал тармоқда коммуникацион алоқа жўнатувчидан қабул қилувчигача бўлган бутун йўл.

**Компьютерлаштириш (COMPUTERIZATION)-**компьютер маҳсулотлари ва хизматлари индустрясининг ривожланиш жараёни ва улардан жамиятда кенг фойдаланиш. Корхоналар, муассасалар ва ўқув юртларини ҳисоблаш техникаси билан таъминлаш ва аҳоли умумтаълим даражасини компьютерларни қўллаш орқали юксалтириш.

**Конвертация (TRANSLATION)-** бир хил типдаги маълумотларни бошқа типга ўтказиш. Бунда қуйидаги операциялар назарда тутилади: (маълумотларни таҳрир қилиш, белгиларни ўчириш, пунктуация, белгилар ва қаторлар инверсиясига ишлов бериш), маълумотларни шакл ўзгартириш (форматларнинг адрес қўрсаткичларини, параметрларини, меткаларни перекодировка қилиш ва ўзгартириш), маълумотларни қайта ташкил қилиш (декомпозиция, компановка, янги элементлар ҳосил қилиш), файлларни қайта ташкил қилиш.

**Контент менеджер (контент-оператор)-**ахборот йиғилишини кузатувчи, киритилаётган ахборотларни таҳрир қилувчи, савол ва жавоблар колонкасини юритувчи, мижозларга маслаҳат берувчи мутахассис. Талаб этилаётган малака-маълумотлар базаси таркиби ва мазмунини, баъзи бир дастурлаш тилларини билиш талаб этилади.

**Контроллер (CONTROLLER)-**компьютер ва терминал орасида ахборот узатишни бошқарувчи ва бош компьютерга уланган қурилма.

**Корректор**-бутун матнли материалларни текширувчи мутахассис, бунга график объектлар изоҳи, тугмалар, банер ҳам киради. Талаб этилаётган малака: бозор хусусиятини билиш, Интернетдаги ахборот-қидириув тилини билиш, Интернетда реклама ташувчилар қоидасини билиш талаб этилади.

**Кутубхона ассоциацияси**-Маълум бир мақсадга эришиш учун ийғилган ва кутубхона иши билан боғланган мутахассислар (ташкилотлар) йиғини.

**Кўчириб ўтказиш (Импортирование)**- маҳсус маълумотларни ўқиб олиш жараёни. Кутубхона тизимларидағи турли манбалардан машина ўқий оладиган каталог ёзувларини каталогга кўчириб ўтказиш ва уни доимо янгилаш.

**Қайта ёзилмайдиган компакт диск (CD-ROM COMPACT DISK READ ONLY MEMORI)**- матнли, график, товушли ва турли ахборотларни сақлашга мўлжалланган оптик диск. У тақсимланаётган дастурий таъминот, маълумотнома материаллари, библиографик маълумотлар базасини сақлаш воситаси ҳисобланади.

**Қаттиқ диск (HARD DISK)**- винчестир ёки белгиланган (фиксированный) диск дейилади.

**Лойиҳа администратори**-Интернет лойиҳасини, Web саҳифа барча фаол элементларни, Web сайтни тўлдириб бориш ва назорат қилиш, бошқариш ва муаллифлик хуқуқини ҳимоя қилиш вазифаларини бажарувчи мутахассис.

**Локал ҳисоблаш тармоғи (LOCAL AREA NETWORK)**- Узатиш каналлари (оптик толали кабель ва бошқалар) орқали ўзаро боғланган компьютерлар мажмуи, компьютер орқали бошқариладиган қурилмалар, бир ёки бир неча обьект (бинолар) доирасидаги ахборот ресурсларидан биргаликда фойдаланиш мақсадида бирлаштирилади.

**Машина ўқий оладиган каталог (MARC)**- библиографик маълумотларни алмаштиришнинг халқаро формати, библиографик маълумотларни маркировка қилиш схемаси. Унинг бир қатор миллий варианatlари бор. Масалан, USMARC (АҚШ конгресс кутубхонасида ишлатилади), UKMARC (Буюк Британия кутубхонасида ишлатилади) ва бошқалар. UNIMARC бошқа MARC форматлар билан мос ҳолда ишлай оладиган универсал формат ҳисобланади. Мультимедиа-тизимнинг матнлар, графиклар, тасвир ва товушли маълумотлар билан ишлаш қобилияти.

**Маълумотлар базаси (DATA BASE)** - маълум бир қоидалар асосида ташкил қилинган, умумий тавсиф, сақлаш ва ўзгартириш тамойиллари назарда тутилган маълумотлар мажмуи. Маълумотлар базасига маълумотлар базасини бошқариш тизими орқали мурожаат қилинади.

**Маълумотлар базасининг администратори (database administrator)** -маълумотлар базаси ҳақида тўлиқ ахборотга эга бўлган ва уни юритиши,

фойдаланиш, ривожлантиришга жавобгар лавозимли шахс ( ёки шахслар гурухи).

**Маълумотлар банки (DATA BANK)** – маълумотларни марказлашган ҳолда сақлаш ва жамоа бўлиб фойдаланишда ишлатиладиган автоматлаштирилган ахборот тизим. Банк таркиби, бир ёки бир нечта маълумотлар базаси, маълумотлар базаси маълумотномаси, маълумотлар базасини бошқариш тизими, сўровлар кутубхонаси ва амалий дастурлар киради.

**Маълумотлар хавфсизлиги (DATA SECURITY)-** маълумот ва дастурларни бузиш, ўзгариши ёки ўчириб ташлаш мақсадида рухсатсиз киришдан ҳимоя қилиш. Маълумотлар хавфсизлиги аппарат, дастурий, криптографик усуллар, ҳимоя воситалари ва комплекс ташкилий тадбирлар ўtkазиш орқали амалга оширилади. Виртуаль реаллик-мультимедиа воситаси ёрдамида (товуш, ранг, томоша эфекти) реаллик иллюзиясини ҳосил қилиш.

**Маълумотларни узатиш (DATA COMMUNICATIONS)** - алфавитрақамли белгилардан иборат ахборотларни электр импульслари кўринишида узатиш. Провайдер (PROVIDER)-электрон почта, Интернет ахборот ва тармоқлар бўйича хизматлар таклиф этувчи. Протокол (PROTOCOL) ахборот узатиш усулини бошқарувчи қоидалар ва стандартлар мажмуи. Протокол TCP / IP- Интернет тизимида фойдаланилайдиган протоколлар.

**Меню (MENU)-** бир ёки бир неча тугмачаси босиш орқали, варианлардан бирини танлаш имконини берувчи рўйхат тасвири.

**Операцион тизим (OPERATING SYSTEM)**-компьютер қурилмалари ва дастурий ресурсларини бошқаришга мўлжалланган дастурий таъминот. Портал- 1) Интернетда бошланғич иш бошловчи, кўп хизматларга эга сайт. 2) ахборотларнинг етарлича катта виртуал массиви, ўз ичига кичик ҳажмдаги турли тематик бўлимларни ёки кам сондаги мустақил лойиҳаларни олади.

**Пароль (PASSWORD)**-тармоқдан фодаланувчилар имтиёзини аниқлашда ишлатиладиган ҳимоя воситаси. Фойдаланувчи ўз номини кўрсатгач, тизимга кириш олдиdan сўралади.

**Рассом –Дизайнер-**Интернет лойиҳаси бўйича умумий концепция ва стил ишлаб чиқувчи мутахассис. Талаб этиладиган малака: график пакетлар билан ишлай олиш, бадиий маълумотга ва дидга эга бўлиш.

**Сервер администратори-** Web серверни бетўхтов ишлашини таъминловчи, хатоларни тўғриловчи, сервер ва маълумотларни ҳимоя қилувчи мутахассис. Талаб қилинадиган малака: Серверни созлаш ва ўрнатилган операцион тизимни билиш.

**Ташқи қурилма (PERIPHERAL)**-компьютер ва у бошқараётган қурилмаларга уланувчи қурилма (принтер, модем, дисковод).

**Тезаурус**-ахборот қидирувини самарали олиб бориш учун турли даражадаги тушунчалар орасида алқа боғловчи тизимлаштирилган лугат.

**Хизматчи файл процессори (FILE SERVER)**-тармоқдаги бошқа компьютерларга хизмат кўрсатувчи, катта ҳажмдаги маълумотларни сақлаш қобилиятига эга компьютер.

**ШЛЮЗ (GATEWAY)**-Турли икки тармоқни бирлаштирувчи қурилма. Шлюз ўз процессорига ва хотирасига эга ва у каналлар сифимини, протоколни ўзгартира олади.

**Штрихли кодлаштириш (BARCODE)**-алфавит-рақамли ва рақамли маълумотларни турли қалинликдаги вертикал чизиклар воситасида кодлаштириш. Махсус қурилма ёрдамида ўқилади ва аниқланади ва компьютер ёрдамида ишлов берилади. Штрихли кодлаш кутубхоналарда берилаётган адабиётларни ҳисобга олишда ишлатилади.

**Электрон каталог** – ахборот кутубхона муассасасининг фондида мавжуд бўлган барча ресурслар тўғрисидаги ахборотни ўзида акс эттирган библиографик ёзувларнинг маълумотлар базаси.

**Электрон кутубхона** - ахборот кутубхона муассасасининг фондида мавжуд бўлган ресурсларни мавзули қисмининг электрон кўринишдаги тўлиқ матнли маълумотлар базаси билан боғланган маълумотлар базаси.

**Электрон почта (E-MAIL ёки ELECTRONIC MAIL)**-бир компьютердан бошқасига ахборот жўнатиш усули ва жараёни. Баъзи бир ҳолларда бу тўғри жараён; бошқа ҳолларда эса-оралиқ компьютер иштирокида (ахборотлар сўралмагунча сакланади) амалга оширилади.

**FTP (FILE TRANSFER PROTOCOL)**-(файлларни узатувчи протокол) ихтиёрий файлни узелдаги машинага кўчириб ўтказувчи иш қуроли. Модем орқали файлдан нусха олиб ўз компьютерингизга ёзиб қўйишингиз мумкин.

**HTML (HYPER TEXT MARCUP LANGUAGE)**-тармоқни сканерлаш дастури (browser) орқали кириб, гипертекст ёзиш тили; ахборотларни тармоқда гипертекстли саҳифа кўринишида жойлаштиришда фойдаланилади,

HTML-кодер (HTML-верстальщик)-стил ва график безаш хусусиятларини HTML-код кўринишида ҳисобга олган ҳолда лойиҳа умумий концепциясини амалга оширувчи мутахассис. Талаб қилинаётган малака; HTML, DHTML ва CSS тилини мукаммал билиш, WEB сайтни тестдан ўтказа олиш, монитордаги рангларни танлай олиш, барча актив элементлар (гиперсилки, кнопкалар, банерлар ва бошқалар) фаолиятини назорат қила олиш.

**IP (INTERNET PROTOCOL)**-Интернет протоколи, компьютерлар орасида ахборот алмаштиришга жавоб беради. Протокол 139,50- ахборот узатишнинг етти даражали моделини қўллаб юқори даражада ишловчи, фойдаланувчиларга маълумотлар базасида тўлиқ қидирув бажариш ва турли дастурлар ишини бошқариб турувчи дастур.

**ISBN (INTERNATIONAL STANDARD BOOK NUMBER)**-Китоб нашрларининг халқаро стандарти.

**ISSN (INTERNATIONAL STANDARD SERIAL NUMBER)**-Даврий нашрлар халқаро стандарт номери.

**ON-LINE**- реал вақт режимида кириш (ҳозир ва шу ерда).

**OPAC (ONLINE PUBLIC ACCESS CATALOG)**-жамоатчилик томонидан фойдаланиладиган тезкор каталог. Электрон қутубхона каталогидаги қидирив тизими.

**TCP (TRANSMISSION CONTROL PROTOCOL)**- процессорлар орасида ахборот алмаштирувчи узатишни назорат қилувчи протокол.

**URL (Uniform Resouree locator)**- бу WWW даги адрес, ресурсни кўрсатувчи бирлик кўрсаткич Интернет орқали кириш мумкин бўлган файл ёки ресурс номи. Ўз ичига, протокол номи, узел номи ва файлгача бўлган йўлни олади. Http, ftp, gopher, wais – типик протоколлар ҳисобланади.

**Web – дизайнер – рассом**- дизайнер фикрини Web платформага олиб ўтувчи мутахассис. Унинг вазифасига: графикларни оптималлаштириш, реклама банерларини яратиш, объектлар анимациясини ҳосил қилиш ва бошқалар киради.

**Web-программист – Web** сайт учун қўйилган масалага мос, маҳсус дастур тузувчи мутахассис. Талаб қилинадиган малака: Java, C/C К К, MySQL, Perl, PHP, ASP, SST, HTML ва бошқа тилларни билиш. Web-site-Web тармоғи ахборот узели, маълум бир мавзу бўйича ахборот беради, бирор бир шахс ёки ташкилот томонидан қўллаб қувватланади.

**WWW (Word Wide Web)** – бутун жаҳон тармоғи, Интернет қисм бўлими, гиперматнли алоқага асосланган, Интернет билан алоқа бўлганда қидириувга осонлик билан киришувчи тармоқ.

# VIII. БҮЛІМ

АДАБИЁТЛАР  
РҮЙХАТИ

### **Асосий адабиётлар**

1. Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: № ЎРҚ - 280. 2011 й. 13 апр. // Халқ сўзи. – 2011. – 14 апр.
2. “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг № 181 сонли Қарори. 2006 й.20 июнь // Халқ сўзи. – 2006. – 21 июнь.
3. “2011-2015 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари асосида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизматларини янада сифатли ривожлантириш чоралари тўғрисида”: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 й. 23 февр. 1487 - сонли Қарори // Kutubxonalar.Uz.- 2011. –№ 1. – Б. 3-4.
4. Система автоматизации библиотек ИРБИС. Общее описание системы. — М.:ГПНТБ России, 2002. — 260 с.
5. Каримов У. Автоматлаштирилган кутубхона (Кутубхонашунослик ва ахборот тизимлари таълим йўналишида таълим олаётган талабалар учун ўқув қўлланма), (ҳаммуаллифлар М.А. Раҳматуллаев ва бошк.).-Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси. 2003.-266 б.
6. Каримов У.Ф., Раҳматуллаев М.А., Исломова Ҳ.Э. Корпоратив электрон кутубхона: яратиш технологияси ва маълумотлар базасини шакллантириш. Услубий қўлланма).-Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси. 2011.-64 б.
7. Каримов У. (ҳаммуаллифлар М.А. Раҳматуллаев, А.А. Умаров) Халқаро стандарт китоб рақами. (қўлланма).-Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси. 2006.-30 б.
8. Каримов У. (ҳаммуаллиф М.А. Раҳматуллаев) Даврий нашрлар электрон каталогини яратиш технологияси (услубий қўлланма).-Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси. 2006.-80 б.

### **Кўшимча адабиётлар**

9. Умаров А.О., Раҳматуллаев М.А., Каримов У. Чет эл электрон илмий-таълими ресурслари Ўзбекистонда. //Электрон кутубхона тармоқларида илмий-таълими ахборотлар яратиш ва улардан фойдаланиш технологияси: Тўплам/ Масъул мухаррир М.А. Раҳматуллаев. - Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010. – Б. 3-15.
10. Каримов У.Ф., Ибрагимова Д. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасининг электрон кутубхонаси //Электрон кутубхона тармоқларида илмий-таълими ахборотлар яратиш ва улардан фойдаланиш технологияси: Тўплам/ Масъул мухаррир М.А. Раҳматуллаев. - Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010. – Б. 77-84.
11. Каримов У.Ф., Каримов Ў.У. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасида яратилган тўлиқ матнли маълумотлар базалари. //Электрон кутубхона тармоқларида илмий-таълими ахборотлар яратиш ва улардан фойдаланиш технологияси: Тўплам/ Масъул мухаррир М.А. Раҳматуллаев. - Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010. – Б. 103-110б.
12. Каримов У. Электрон илмий таълими ахборотлар яратиш ва улардан фойдаланиш технологиялари. Infocom.uz// Ежемесячный информационно-аналитический журнал, Ташкент . – 2010 . - № 3. 46-48 б.